

Элчин
Сафарли

ШАРҚНИНГ САМИМИЙ ЁЗУВЧИСИДАН БЕСТСЕЛЛЕР

ҚАЙТИШИ ЙЎҚ МАНЗИЛ

ҲАЁТ ҚАДРИГА ЕТИШ УЧУН ЎҚИШГА АРЗИРЛИ КИТОБ




Элчин
Сафбарли

ҚАЙТИШИ ЙЎҚ МАНЗИЛ

«SHARQ-ZIYO ZAKOVAT»

нашриёт-матбаа уйи
ТОШКЕНТ – 2021



УЎК 821.512.162-31

КБК 84(5Азе)

С – 34

С – 34 Сафарли, Элчин.

Қайтиши йўқ манзил [Матн]. *Адабий-бадиий нашр / Элчин Сафарли*; – Тошкент: «Sharq-ziyo zakovat», 2021. – 280 б.

«Қайтиши йўқ манзил» – ҳақиқий Шарқ акс эттирилган очик роман. Асар рус аёлининг мусофирчиликдаги ҳаётида содир бўлган воқеаларга асосланган бўлиб, аёллар ҳақида, севги, ёлғизлик, эътиқод ва хиёнатлар борасида ҳикоя қилади.

«Қайтиши йўқ манзил» – қайноқ ваннадан кейинги муздек душ қабулига ўхшайди. «Босфорнинг ширин тузи» асари муаллифи мелодрама услубидан узоқлашиб, китобхон муҳокамасига ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларини тақдим қилади.

«Ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг оёғини осмондан қиладиган, ўта таъсирли ушбу роман тубанликдаги ҳаёт ва дунёнинг башафқатлигини англаган ҳамда шу билан бирга гўзалликни кўра билиш лаёқатини сақлаб қолган, ҳатто мағлубиятда ҳам ғолиблигича қола билган инсоннинг дил изҳорларидир».

Татьяна Ливанова, ёзувчи

УЎК 821.512.162-31

КБК 84(5Азе)

ISBN 978-9943-6747-3-8

© Элчин Сафарли, 2021

© «Sharq-ziyo zakovat»

нашриёт-матбаа уйи, 2021

**«То инсон бошқаларнинг фикри
ва ташқи олам ҳодисаларига боғлиқ
экан, у ҳимоясиз ва бахтсиздир».**


Андре Моруа

**«...қуйида яшабгина юқорига ўр-
малаш қанчалар хатарли эканини
биласан. Зулматда бўлибгина қуёш
нурлари қанчалар ёрқинлигини анг-
лайсан».**

Хун Цзичен

1

...Барча эркаклар бир қиёфага сингиб кетиш-
ди. Туманли, қуюқ. Қорамағиз. Уларнинг юзи,
табассуми, ҳаракатларини фарқлолмайман. Эр-
каклар учун мен – бир ниқобман. Бу ниқобни
навбати билан ўнлаб турли мижозлар тақишади.
Бадан исигина ўзгаради. Қолгани эса – узоқ да-
вом этмайдиган жараён. Ҳис қилмай қўйдим.
Лаззат ҳиссим жуда худбинлашиб кетган.
Ўзгалар ёнида ташриф буюрмайди, фақат



ёлғиз қолганимдагина уни сезаман... Бу жуда ғалати, аммо хавотир йўқ. Мен туйғуларсиз яшашга ўрганиб қолдим. Бўм-бўш хонада илиқ тафтсиз, қулайликларсиз яшашга ўрганиб қолдим. Биргина ўтмишнинг ўргимчак тўри... ва меҳмонларнинг кети узилмас ташрифлари. Келишади, кетишади. Ҳеч ким узоқ қолмайди, баъзилар салом ҳам бермайди. Очофатларча ташланади. Шу боис уйда кўпинча либоссиз юраман. Кимнинг нима иши бор? Уларни кийимларим қизиқтирмайди. Либосни янгилигича сақлашнинг қулай усули бу. Шошилинчда тугмалари ҳам узилмайди. Ёғимланмайди. Афсуски, виждонни ёғим кийимдек дазмоллашнинг имкони йўқ...

Мени қандай атасангиз атайверинг. Барибир қулоғимга кирмайди. Одамлар эшиттирмай ичларида таънаю маломат ёғдиришади. Ичингиздагилар ҳисобга ўтмайди. Бу ўзингни юпатиш. Мен кабиларга ҳар ким ҳар хил ном, лақаб тиркайди. Аммо буям тирикчиликнинг бир тури. Қадимий касб. Ўзи йўқ жойда фалсафа излашнинг нима кераги бор?.. Бу йил «мавқеим» ошди:

энди саралар гуруҳига мансубман. Кўчадаги тентирашлардан уй қабулига ўтганинг – кетмонинг учганидан дарак. Энди мижозлар сени излайди. Энди бурунгидек яқинлашган машинага юзингда сохта табассум ва миянгда ягона: «Охири бахайр бўлармикан-йўқмикан» деган сўроқ билан эгилиб қарамайсан. Борган жойингдан соғ-омон қайтиб келсанг – ишинг ўнгидан келгани. У ерда ҳамишаликка қолиб кетсанг, ишинг чаппасидан кетгани. Омон, яна туфлинг патаги остида етарли лира билан қайтсанг, Яратганинг ол қулим дегани шу. Даромадни асосан «оёқ остида» сақлаймиз, шуниси ишончлироқ. Кинолардаги гўзаллар «муллажиринг»ни сийналари орасига тикиштиришади. Ҳаёт эса конспирациянинг бошқа усуллари қўллашга мажбур қилди...

Мен Туркияда яшаб ишлайман. Қарама-қаршиликлар шаҳри – Истамбулда. Шарқдаги рус аёли – Африкадаги оқ айиққа монанд: ҳамма сени кўришга ошиқади. Бу совуқсевар айиқ жазирама мамлакатга қандай келиб қолди ўзи? Иштиёқ билан томоша қилишади. Қора-қура

кўллари билан силаб-сийпалашади. Навбатдаги овунчоқ... Истамбулда рус аёли аллақачон экзотика бўлмай қолган. Ҳатто Африкада ҳам эрта-ми-кечми оқ айиққа кўниккан бўлишарди. Тунги Константинопол кўчаларида славян аёллар анқога шафеъ бўлмай қолганига анча бўлган: гўзалликка тез кўникишади. Султонлар ҳарамиди саноклигина бўлгани, улардан бири ҳатто султон Сулаймондек подшоҳнинг суюкли хотинига айланган замонлар тарихнинг тубсиз қаърига чўкиб кетган. Кўникиш эса гўзалликнинг нархи пасайишига сабаб бўлади. Бу ер ҳақиқий гўзал қоматлар биржаси...

...Мен аллақачон «ўзига хос» эмасман. Улардан бириман. Ватандошларим Истамбулда тошингга ботмон. Кўплари Россиянинг чекка жойларидан келган. Оддий ҳисоб-китоб илинжида. Умидлар етагидан тутиб. Муҳташам ҳарамларда кўркем султон учун «қорин рақслари» ижро этувчи гўзаллар ҳақидаги орзулар билан. Кўплари, худди менга ўхшаб, бундай орзулардан халос бўлишган. Бундан омон чиққанларга омад кулгани шу. Шу қатори менга ҳам. Кўп нар-

саларни йўқотдим, аммо қалбимни сақлаб қола билдим...

...Шундай тушунча бор – «Шарқ орзуси». Минглаб рус қизлари учун у ҳақиқатан мавжуд. Унга етишганлар ҳам бор. Шарқ орзуси – кўпқиррали, қимматбаҳо гавҳар. Омадинг келса, орзуйингдаги бу олмоснинг бирор қирраси кўзингни қамаштириши тайин. Аксинча бўлса, орзудаги гавҳар орзулигича қолаверади. Қўлинг етадиган жойдалигича. Сигнализация ўрнатилган пештахта ойнаси ортида...

...Мен орзу қилишни билмайман. Айни дам билан яшайман. Ўтмиш ва келажак номаълумлик туманига ўралган. Мен учун «бўлганди» ва «бўлади» мавжуд эмас. Мен учун «ҳозир» ва «шунда» мавжуд. Бир кун билан яшайман. Кейин нима бўлишини вақт кўрсатади. Фолбинларга ҳам бормайман, чунки келажакка ишонмайман...

...Мен яқинлик исидан тўйинганман, ундан ҳазар қиламан. Бу ҳид ҳамма жойда таъқиб қилади. Тўшаклар, жиҳозларга ўтириб қолган. Ўзимни ҳидлаб кўраман. У теримга сингишиб кетмаганми, дея кўрқаман. Душ учун ифорли геллар сотиб олмай қўйдим – бактерияга қарши суюқ совун ишлатаман. Ҳар ҳолда ҳидсиз. Ўз баданим қандай ис таратишини ҳис қилишим керак, бўлмаса эсимдан оғаман. Йиғма каравот сотиб олдим. Ошхонага қўйдим, ўша ерда ухлайман. Кеч тушгач ётоғимдаги ҳид чидаб бўлмас даражага етади. Уйқумни қочиради. У ердан ошхонага кўчиб ўтдим – шу ерда кўпроқ бўлишга ҳаракат қиламан. Сут маҳсулотлари сотиб олишни бас қилдим. Кўришга тоқатим йўқ. Қарагим келмайди. Кир ювиш корхоналарига ишонмайман. Кирларни ўзимнинг автоматимда юваман. Албатта, таркибида хлори бор воситалар қўшаман. Ақлдан озяпман, шекилли...

Сақланиш воситалари, айниқса «резинка» мижозларнинг ғазабини қўзитади. Очиқ

ҳавода скафандрда нафас оламанми? Сенга бунинг учун пул тўламаянман. Сени тезроқ ишғол қилишни хоҳлашади. Силаб-сийпаламай, эркаламай. Бу пайтда ҳатто касал-пасал юктириб олишлари мумкинлигини ўйлашмайди ҳам. Бу ерга келгунларича мияларида турган бу хавф ҳақидаги хаёллар кўздан панага ўтган заҳоти бир зумда буғланиб кетади. Шарқ эркаклари-га икки бора қийин. Кўпчилиги суннатни таноил хасталикларидан яхши қалқон деб болаларча ишонишади. Улар ўзларини назорат қилишлари қийинроқ. Ҳирсларини қондириш йўлидаги барча тўсиқларни, соғлом фикрларни тезроқ бир ёқли қилиш асосий мақсадлари бўлиб қолади... Шунинг учун гормонал препаратларнинг бозори чаққон. Улар теримга таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Гаровга ташқи кўринишимни тикаман. Ҳаётимни тикаман. ОИТС ҳақида ўйламайман. Хаёлингда ОИТС ни ўйлаб тўшакка ётиш худди айниган йогуртни тановул қилишдек гап...

...Туркларга гап йўқ. Бу уларнинг қонида бор. Ўрислардан фарқ қилишади. Аммо улар ҳам, бу-

лар ҳам ёмон эмас. Тамоман турлича. Ҳамкасбим Алина шундай деганди: «Агар турк билан бирга бўлиб ҳеч нарса ҳис қилмасанг, айбни ўзингдан изла». Улар билан бўлганингда ташаббусни та-момила ўзларига қўйиб бериш керак. Барчаси-ни сен учун ўзлари қилишади. Сен ўзингни чи-накам илоҳадек сезасан. Улардек ҳеч ким оҳ-воҳ чеколмайди. Ёмон томони – қўшга қўшилган молдай чарчайсан. Яшамагурлар, унча-мунчага қониқишмайди. Берган пули кепак ҳам бўлмай қолади. Энг муҳими вақтида жиловини тортиб қўйиш. «Тур йўқол» демагунингча ўзини босол-майди. Жуда бўлмаса, тўшак қатидаги олмос-ни қўлга олишинг етарли бўлади. Яхши гапга кўнишса экан.

... Менга қўшмачи эркак-сутенёр «хомийлик» қилади. Бизнинг кварталдаги икки ўрис қиз би-лан ишлайди. Биттаси мен, иккинчиси бозори унча чаққон бўлмаган йигирма беш ёшлардаги Аня. Истамбулга Пятигорскдан келган. Аняни рақобатчи ҳисобламайман. У бир марта тукқан, шу боис кўриниши ҳаминқадар. Ҳеч нарса ёр-дам бермайди... Жамол бирор марта менга қўл

теккизмаган. Унинг Измирда оиласи бор: турк хотини, икки нафар қизи бор. Ҳижобда юришадди. Намоз ўқишадди. Икки бегуноҳ қизи ва биз – икки гуноҳкор унинг зиммасидамиз. Кулгули. Қизларини оёққа қўйиши керак. Бизларни оёқда сақлаши. Шунинг орқасидан пул топиши керак. Жамолнинг сочига оқ тушган, қаншарида қора холи бор. Бармоқларида жимжимадор узуклар, чап жимжилоғининг тирноғини ўстириб юради. Ароқ ичмайди. Куни билан телевизордан жиной янгиликларни кузатиб ўтиради. Доим костюм-шимда – хушбичим сутенёр ишонч уйғотади одамда. У Истамбулдаги олибсотар савдогарлар ва ночор талабалар қўнадиган икки арзон мусофирхоналарда мутасадди. Аммо мусофирхоналар ҳақиқий бизнесини ҳаспўшлаб туриш учун парда вазифасини бажаради холос. Жамол менга энг тепа қаватдаги хонани ажратиб берган. Деразасидан Босфор кўриниб туради. У билан дўстмиз... Мусофирхонани полиция босганида мен чордоққа чиқиб беркинаман. Менинг бу ерда расман бўлиш муддатим аллақачон тугаган – ушлаб олишса катта жаримага торти-

ламан, мамлакатдан ҳам чиқариб юборишади. Тирқишдан осмонга қарайман. Худони кўриб ундан бирор бадавлат дабба эрга йўлиқтиришини сўрамоқчиман. Ҳеч бўлмаганда, чинакам бриллиант кўзли зирак бўлсаям майли эди...

Яхшигина пул топаман: истамбуллик ҳам-касабаларим орасида даромад бўйича пешқадамман десамам бўлади. Жамол билан тушумни 50 га 50 арра қиламиз. Илгари у менга 30% берарди, мавқеим ошганидан кейин улушим ҳам кўтарилди. Энди ҳомийга умумий маблағдан қисм ажратаман, бунинг эвазига у полиция билан муаммоларимни ҳал қилади, мижоз, бошпана билан таъминлайди – қолганини ўзим эплайман. Илгари қийин эди. Энди бари назоратга олинган. Вақти билан кўрикдан ўтгани шифокор қабулига бораман. Керакли дўконларда танишларим бор: озиқ-овқат, буюмларни насияга бериб туришади. Истамбулдаги 6 йил мобайнида тирикчилик қилишни ўрганиб олдим. Бунча вақтда бирорта дўст орттирганим йўқ. Босфор ва кундалигимдан ташқари. Нолимайман... Ўрганиб қолдим. Ҳамма ниманингдир эвазига

бошқа нарсани қурбон қилади. Қурбонликсиз
ҳаёт йўқ...

3

...Эркак-мижоз ва эркак-овунчоқ. Уларни
мана шундай икки тоифага ажратаман. Пули-
ни тўлаган кишига бошқача қарайман. Худди
бўйсинишим керак бўлган кишига қарагандек.
Унинг ташқи кўриниши, маданияти, ўзини ту-
тиши қизиқтирмайди. Тер иси анқийдими, атир
сепганми – фарқи йўқ. Ўзимни ташқи оламдан
узганча ўликка айланаман. Кўз олдим хирала-
шади. Хонам шифти ўрнида болалик манзарала-
рим намоён бўлади. Марфинодаги бувимникида
яшаган кичкина қизалоқлигимни кўраман. Ася
бувим клюквали пирог пиширади, мен қирмизи
мевалар бандидан қулоғимга сирғадек илиб
оламан. Ўзимни ойнага соламан. Ўтмишнинг ти-
рик фотоальбомини томоша қилган пайтларим
вақт тез ўтади. Сени эзган вазн бир ёқли бўлади,
лиранинг шитирлаши эшитилади. Илгари улар-
ни очофатларча санардим, уларни рублга, кейин

долларга қанча бўлишини хаёлан ҳисоблардим. Энди ундаймас. Пулларни тумбочкага ташлаб ювинишга ошиқаман. Бир йўла чирой очганча миждозни кузатаркан, яноғидан ўпиб қўяман: «Жуда зўр бўлди! Қойилман сизга!» Туркияда хизмат кўрсатиш савияси юксак.

Эркаклар бадимга уриб кетганича йўқ: вақти-вақти билан кўнгилхушилик учун айримларини ўзим таклиф қилиб тураман. Буларни ўзим танлайман. Кўчада, қаҳвахоналарда, клубларда. Истамбулда бунақалар тиқилиб ётибди. Кўз уриштириш, жилмайиш, гап отиш, тамом – кеча ажойиб ўтади деб ҳисоблайверинг. Бу текин, ўзаро истак асосидаги истироҳат.

... Истамбулдаги ҳар бир туман полициячилари ўз ҳудудларида биздақаларнинг қанчаси ишлашини яхши билишади. Полислар биз билан ойда бир марта алоқага чиқишади. Барча жиддий муаммоларни сутенёрлар ҳал қилади: уларнинг ҳар бирини полисменлар жуда яхши танишади. Уларни қаердан, қандай топишни билишади. Сутенёр ҳар ойда даромаднинг бир қисмини уларга ажратади. *Ришват*-пора. Вақти-вақти билан

бўладиган тинтувларни биз «*реклама сайри*» деб атаймиз – буни худди вазифаларини бажаришаётгандек ҳисобот учун қилишади. Кўплаб полиция бўлимлари бошлиқлари бизни яхши танишади. Бундай ҳомий-патронлар ойда бир марта сара қизларникига қадам ранжида этишади. Ушбу йўқловларни «*золим оқшом*» деб атаймиз. «Кимки бундай кечаларнинг бештасига чидаса, номини қизил китобга киритиш керак» дея бир-биримизга ҳазиллашамиз. Чиндан ҳам инсоний полисменга дуч келиш камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Ўз мавқеларидан фойдаланиб шунақа ишлар қилишадики, бирорта аёл тоқат қила олмайди. Ўзлари етмагандек, тўппончаларини ҳам ишга солишади, шафқатсиз калтаклайдилар. Чидолмай қайт қилиб юборсанг, қарцерга тиқишади. Буниси ҳали ҳолва. Художўйроғига учрасанг Яратганга шукроналар келтирасан. Ростини айтсам, бу борада менинг кўпинча омадим келади. Аммо буни қизларга айтмайман. Ҳамма бирдек азобланиши керакдек...


Шундай золим оқшомларнинг дастлабкисида погонли бир ҳайвон мени жуда хўрлади. Қон

тўхтамасди, «ишончли» шифокор етиб келмагунча Яратганга ёлворганман. Алька бўйнимдан қучиб, қулоғимга шивирларди: «Қизгинам, озгина сабр қил, ўтиб кетади ҳаммаси». Иккимиз ҳам йиғлардик. Шарқ салтанатининг омади чопмаган икки рус чўриси...

...Москвани соғинаман. Кўпинча ҳовлимиз, йўлнинг нариги тарафидаги гуржи Манана хола сотувчилик қиладиган озиқ-овқат дўкони тушимга киради. Тили ўткир, кўнгли бўш аёл. Ҳамиша қўлимга ирис қанд тутқазарди. Хушбўй конфетнинг ҳидини халигача унутмайман... Орқага йўл йўқ. У ерда мени ҳеч ким кутаётгани йўқ. Отам билан илгаридан гапимиз тўғри келмасди, онамнинг вафотидан кейин у бир манжалақига уйланиб олди ва мени уйдан сиқиб чиқарди. Бувим аллақачонлар дунёдан ўтиб кетган. Акам Женя эса унинг Москва яқинидаги уйини сотиб, мен билан ҳам ака-сингиллик алоқасини узди. Тўрт йил илгари бундай ҳаётдан тўйиб орқага қайтишни истадим. Женкага қўнғироқ қилдим. У товушимни эшитган заҳоти «Қора ялоқларнинг тўшагига айланган

сендек сингилдан воз кечганман», – дея сўкиб-сўкиб гўшакни қўйди. Ўтмишимнинг кўзгусини чил-парчин қилдим. Энди у йўқ. Бу ҳақда бошқа гапиришни истамайман... Энди Истамбул билан бир бўлиб кетдим. Бу ерда бегоналигимни ҳис қилмай қўйганман. Истамбулнинг иқлими, Босфорнинг дўстоналиги ёқади. Истамбулга сингишиб кетиш осон. Сени ҳеч ким кўрмаса. Сен ҳеч кимни кўрмасанг бас.

...Аста-секин пишир-куйдирни ўрганияпман. Токайгача яримтайёр егулик ейман? Ҳозир, қуймоқдан ташқари, туркча бақлажон пиширишни эплайман. Ўзимдан сўрайман: *бахт нима?* Биз кабиларга яхшигина чойчақа ташлаб кетган камгап мижоз ҳам бахт. Омадли ўтган золим оқшом ҳам. Бироқ бахт кимгадир бутунлай бошқа нарсадек туйилади. Мен ана шу *бошқача* бахтни ҳис қилгим келади. Мумкинми бу?



...Қадим бу касб бировнинг устидан қозилик қилмасликка ўргатди мени. Энди атрофдагиларга баҳолаётгандек боқмайман. Шунчаки кузатаман. Кўпинча ҳайратланаман. Баъзан ғазабим келади. Аммо барча фикрларимни ўзимда сақлайман: айтишга зарурат ҳам йўқ. Ғазабим келганида ҳам айблашдан тийиламан. «Аҳмоқ! Бундайларни ер қандай кўтариб юраркин, а?» – деб ўйлардим илгари. Энди эса бошқача ўйлайман: «Аҳмоқ! Лекин шуларсиз ҳам ҳаёт зерикарли бўларди...» Аста-секин ички ҳиссиётлар бўронини жиловлашни ўрганмоқдаман. Қийин кечяпти. Ахир ишимнинг тенг ярми ҳиссиётлар билан боғлиқ. Мана мисол: кеча бир йигит келди, лабларини силикон билан шишириб олган қорамағиз курд. Исми Салим экан. Ориққина. Шундоққина атирга чўмилгандек. Киндигига ҳам зирак таққан. Озодагина. 300 доллар тўлади. Аёллар билан деярли иши бўлмаган экан. «Шу пайтгача гулзор ораламагандим. Бир кўрмоқчиман. Ёқса кириб тураман.» Унинг ба-

ландпарвоз гапларидан кулгим келди. Аммо бу мижознинг ҳурмат қилмаслик билан тенг. У минг уринмасин қўлидан бир иш келмади. Шунда ҳам сир бергиси келмайди. Қайтага менга яхши. Бироқ кўнгли зил кетмасин деб мақтаб, силаб-сийпалаб қўйдим. Салим кета туриб лабимдан ўпиб қўйди: «Ниҳоят, чинакам эркак қанақа бўлишини ҳис қилдинг! Мен яна, албатта, келаман!» Бош ирғаганча кузатиб қолдим. Унинг асли қанақалигини юзига солиб ҳам ётмадим. Қизиқ, мен ўзгаряпманми ёки бунга уч юзталиқнинг таъсири борми?

Қанот

Баланд бўйли, елкалари кенг, кулранг тусли костюмларда юради. Соқоли салгина ўсган. Шими доим чиройли дазмолланган. Бадқовоқ бўлса ҳам кўзларидан ишонувчанлик порлайди. Эрта оқара бошлаган қўнғир сочлар. Вужудидан куч ёғилиб туради, басавлат – унинг орқасига мендайлардан иккитаси бемалол яширинса бўлади. Қанот 26 ёшда. Тақводор турк оиласи-

дан. Онаси уни болалигидан намозга ўргатган, отаси 30 ёшида ҳажга бориб келган, синглиси ўсмирлигидаёқ ҳижобга кирган. Бир йил аввал Қанот илк бор олдимга келганди. Эркаклик оламига ўтиш ниятида. Гуноҳ тўри орқали эркаклик оламига. Ислом ўлчови бўйича енгилоеъқ жувон билан, тағин ҳеч қандай никоҳсиз бирга бўлиш – олий гуноҳ. Ҳали уйланмаган, дейлик 20 ёшлик эркак қандай қилиб ҳирсини қондириши мумкин? Мусулмон қонунларига кўра тоқат қилиши керак.

Қанот тиббиёт факультетини тугаллаган, фармацевтик компанияда ишлайди. Кейинги уч йил мобайнида таркибида бром мавжуд бўлган махсус ҳапдорилар қабул қилган. Камроқ хоҳлаш, ҳирсини жиловлаш учун. Дўконлардаги эркаклар журналларига кўзи тушганида у ердан тезроқ чиқиб кетишга уринган. Шайтонга ҳай бериш учун ёдлаган оятларини такрорларди...

Хонамда йигитлиги билан видолашди. Остонадан ўтишиданоқ болаларча соддалик билан барчаси ҳақида сўзлаб берди. Ўзини тийиб юр-

ган бу йигитнинг қалбини тафтиш қилмадим. У мен учун биринчи синф боласидай эди... Ҳаяжоннинг зўридан йиғлаб юборди. Ҳамма туйғулари уйқашиб кетганди. Илк бор лаззат туйғусини ҳис қилса-да, Аллоҳ сўзига қарши боргани, гуноҳга қўл урганини айтиб, ўзини айблашга тушди. Бромли ҳапдорилар ичишга зўр берганидан боши оғрий бошлагач уларни ичишни тўхтатиб қўйган экан. Аёлларга бўлган табиий интилиш кучлилик қилганидан ортиқ тоқат қила олмай қолганди. Аммо уйланишдан ўзи қочиб юрганини айтди. «Қариндошимга уйланишни истамайман. Онам аммамнинг қизига уйлантирмоқчи...» Мен унга Худойим кечиримли экани, ҳафтада бир марта тартибни бузишнинг унчалар ёмон жойи йўқлигини айтдим. Қанот жилмайди: «Астағфурулуллоҳ!» Ювиниш хонасини қайдалигини сўрагач, ғусл қилганча намоз ўқишга тайёрлана бошлади. Мен бундай кўркем кимсага тикилиб қарама-қарши туйғуларга фарқ бўлдим. Қанотни иффатидан жудо қилган бўлсам – иблиснинг яқини эканманда? Демак, қулоғимгача гуноҳга ботганим рост эканда. Бу-

лардан баттар тушкунликка тушиб, фармацев-
тнинг одеколони ҳиди ўтириб қолган ёстикни
қучоқлаганча ётдим. Қанотнинг тиловат овози
кела бошлади. Фикрлар худди игнадек бада-
нимга санчилиб, баъзан кулгимни қистатарди.
Гуноҳлар даражасини одамларнинг ўзлари бел-
гилашини англадим. Агар ичимга шайтон кириб
олган бўлса, бунинг унчалар қўрқинчли томо-
ни йўқ. Тўғри, авваллари бу Зулмат хожасининг
олдимда бор савлати билан намоён бўлишини
истардим. Агар унинг «Хаммер» машинаси, ўзи
Жорж Клунидек келишган бўлса, у билан бажо-
нудил жуфтлашган бўлардим. Эй, иблис, эши-
тяпсанми? Бу ҳазил, – аслида йиғлаяпман. Биз
бошқача яшай олмаймиз...

5

...Душанбаларни ёмон кўраман. Биздақалар
учун душанба – банк ходими учун якшанбадек
гап. Аммо биз кабилар учун душанба узоқ ку-
тиладиган кунмас. Душанба ўз ёлғизлигининг
қанчалар кўламдорлигини янада яхшироқ ҳис

қилади. Душанба куни ясама сочлар, косметика, лубрикантлар, тўрсимон ички кийимлар дам олади. Бу куни у ўзидан қочиб кетади... Ҳафтанинг биринчи куни мен ўзимни Босфорга бахшида қиламан. Ўз-ўзим билан ёлғиз қолмайман. Мумкинмас – ҳаёт ҳақида ўйлай бошлайман. «Бизлар ўйламаслигимиз керак. Ўйга ботсанг, ўзингни осиб қўйишинг ҳеч гапмас». Бу ўтган йили ОИТСдан ўлган Эсманинг олтин ўғитлари. Душанба куни тонгдан телефонимни ўчириб қўяман. Ундан батареикасини чиқариб олиб, гулдоннинг ичига ташлайман. Шунчаки телефонни ўчириб бирор жойга тиқиб қўйсам ҳам бўлади. Аммо бундай қилолмайман. Ўчирилган телефон батареикадаги қувватдан олиб яна жиринглаб қоладими дея қўрқаман. Нариги томонда эса навбатдаги мижознинг товуши...

Эътиборни тортмайдиган одми кийим кияман, катта қора кўзойнак тақаман, сочларимни думча қилиб йиғиб мусофирхонани тарк этаман. Жамолни огоҳлантириш шартмас. Шу куни учрашув тайин қилмайди. Душанба куни

қанақалигимни у яхши билади. Ғойиб бўламан... Ўз-ўзимдан Босфорга қочиб бораман. Денгизни кечаман, чуқур-чуқур шўнғийман, чўккан кемалар билан тубда беркиниб оламан. Душанба куни ўзим ўзимдан қўрқаман. Мижозлар йўқлигидан ёлғиз қолганингда хотиралар ва орзулар шу заҳоти жонланади. Ташқарига интилишади. Ва мен театрдаги ишидан айрилган тушкун меҳнаткаш-актрисага эвриламан. Бугун роль ўйнаш керакмас. Бугун сенга маҳлиё бўлишмайди. Бугун сени суйишмайди. Бутун умрга татийдиган бир кун...

Босфорга жимгина келаман. Соҳилдаги ўриндиқга ўтираман. Ингичка жун иплардан тўқилган қора жакетга ўралиб оламан. Ўткинчиларни кузатаман. Чағалайларга хўрак сочаман. Нигоҳим билан уфққача етиб оламан, вақти-вақти билан момиқ булутларда таскин топмоқ илинжида мовий осмонга парвоз қиламан. Босфорга гуноҳлар истиғфори учун бормайман. У билан душанба куни ўзимда уйғонувчи оғриқ ҳақида ўртоқлашаман. У –

ажойиб дўст: эвазига ҳеч нарса талаб қилмай тинглайди. Зўрламайди. Тумбочкамга ғижимланган пулни зарда билан отмайди... У бошқа. У билан мен ҳам бошқачаман. Бўяб-бежалмаган, ясама эҳтиросларсиз, арзон виски бокали кетидан бачкана ҳиринглаб кулишларсиз. Босфорнинг ёқасида мен Линдгрэн эртаклари мутолаасига боши билан шўнғиган, ранг-баранг тугмаларни йиғувчи, қайноқ сут кўпигини пуфлайдиган ўша Александрман...

Одамларга ишонмай қўйдим. Истамбулга келганимдан бери менинг энг яқин суҳбатдошим – Босфор. У таъна қилмайди, ҳукм чиқармайди. Унинг учун мен «барча рус қизларини шармисор қилаётган алвасти» эмасман. Унга ҳаётимни тарбияли қизлардек ўтказмаганимнинг аҳамияти йўқ. Институтни муваффақиятли битказиш, севганинг билан Чумчуқтапа бўйлаб тўй сайри, икки дўмбоқ ўғилча, ҳар кунги пишир-куйдирлар ва ҳафтанинг пайшанба кечаси ёринг билан банд бўлиш – менда буларнинг бирортаси йўқ. Нима учун?!

Босфор билан биргаликда чинакам муҳаббат ҳақида, зийрак кўз овчарка ҳақида, олди айвонли дала ҳовли ҳақида орзу қиламан. Бунақасининг олдидан Кадикёйдаги башанг вилла ҳам ўта-версин... Атирсовун иси келадиган икки фарзандим бўлса. Босфор ҳамроҳлигида ушбу Кундаликни ёзяман. Парвоз қилаётгандек – катта-катта ёзувда. Қалин ён дафтарнинг жилдида Ғалати минора тасвирланган. Босфор ёнимда – кўпикдор тўлқинларни соҳилга йўллаб сукут сақлайди. «Яна ўзингга ишон», – дея шивирлаётгандек. «Меъёридагидек» бўлиш учун «ҳалол меҳнат билан» пул топиш ҳақидаги беъмаза маслаҳатларсиз. Босфор ишонишни сўрайди. «Қадрдоним, мен бу ердан уйга боргунимча ишонаман. Қайтганимдан ва Жамолдан эртага белгиланган учрашувлар рўйхатини олганимдан сўнг ишончимдан асар ҳам қолмайди. Менинг ҳаётим билан яшаганда ишониш қийин. Эътиқод ҳақи яшаш мумкин. Аммо эътиқод билан яшаш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди». Босфор эътироз билдиради: «Шунчаки эътиқодга ишон!»

Тун оғганида мусофирхонага қайтаман. Жамолнинг хонасида телевизор шовқин солади. Футбол кўряпти. У «Фенербахче»га, мен эса – «Галатасарой»га мухлис. Таъбларимиз турли. Мавқеларимиз ҳам. Хонамга кираман, чироқни ёқаман. Бари бегона. Ҳеч ким кутиб олмайди. Шитоб билан ечинганча, душга тушаман, баданимга юмшатувчи лосьон суркайман. Ясама сочларимни тараб, тартибга келтираман. Калта юбкамни дазмоллайман, сўкилган жойларини чатиб қўяман. Овқатлангим келмайди – оч қоринга ҳомиладорликка қарши ҳапдори ичаман. Оёғимдаги тукларни қириб ташлайман, теримни зайтун мойи билан ёғлаб чиқаман: қичишиш йўқолади, кўкарган жойларим асл ҳолига қайтади. Оёқ ва қўл тирноқларимни олиб, олчатусда локлаб ялтиратаман. Уфф. Тайёрман. Кутидан платформали ва мунчоқлар қадалган янги сандални чиқараман. Эртага янги кун. Эртага навбатдаги спектакль. Орзу ва истаклар – бу ердан йўқолинг... Александра эмасман мен. Яна Алексаман.

...Истамбулда бизлар аслида кўп эмасмиз. «Фаол ҳаракатдагилар» 200 та атрофида қолган. 400 га яқини бойвачча эр топиб олишган. 100 дан ортиғи қамоқда. Беш юздан ошиғи ўлиб кетган. Бу унча аниқ ҳисоблар эмас: ўтган ҳафтада Истамбул марказидаги Истиклол кўчаси атрофидаги клублардан бирида турмуш муштларини рус ароғи билан енгиллаштиргани қизлар билан тўпланишиб хомаки ҳисоб-китоб қилгандик. Кимдир рақамлар устида кўзёши тўқди, кимдир ночор сукут сақлади, кимдир нариги дунёга кетганлар қаторидан жой олмаганидан қувонди. «Қизлар, рус хотинларининг жони қаттиқлигини унутдингларми? Кўзёши етар, биз енгамиз! Лаънатга учраган бу Султонликда жинсий инқилоб ясаймиз!» Турли хил эзилган-топталган жувонларни кўздан кечираман. Ҳар бирининг чиройи ўзига хос. Ҳар бири ўзига хос хўрланган. Ҳар бири ўзига хос тарзда бадбахт. Улардан бири менман...

Энг ёшимиз – Краснодар ўлкасидан келган 18

яшар Оля. Туғма юрак порокли малласоч гўзал. Юзида майин тароват, сийналари бўлиқ. Кўзи остида халқалар. Туркияга интернатдан қочиб келган. Уч ойдан бери Истамбулда. Шаҳарнинг ғарбидаги бит босган кулбада аллақандай шериги билан яшайди. Ижара ҳақини бўлиб тўлашади. Уйлариға сувни на у, на шериги йўқ пайтда, кечки 5дан 7гача беришади. Шу боис мижозлари элтган меҳмонхоналарда ювиниб олишади... Оля ўз уйида эрта тонгда шериги ғамлаган сувда чўмила олишидан хурсанд. Шериги икки кундан бери «ов»га чиқмасмиш. Қандайдир жароҳат олганми, касал юқтирганми. Шифокорга пул орттира олмаган экан. Иситмаси 39,7 га чиқиб кетибди. Оля менга илтимос қилади: «Таниш шифокорингнинг рақамини бера оласанми? Бугун тўртта курдга хизмат қиламан, яхшигина пул ваъда қилишди, пулим етади». Алдайман: «Ишонсанг, унинг рақамини йўқотиб қўйганман». Шифокоримни нолегални даволашда тутиб олишса, клиникадан ҳайдаб юборишади. Муаммо кимга керак? Айёрларгина яшаб қолади...

Ҳар ҳафта клубда валақлашгани йиғилиб турамиз. Ким қанақа мавқеда эканини аниқлаймиз. «Ҳаракатдагилар», «йўлини топиб кетганлар», «қўлга тушганлар» ва «ўлганлар» – шундай мавқелар бор. Одатдагидек, ёмон хабар тез тарқалади. Мана, ўтган ҳафта охирида ташландиқ қурилиш котлованида Волгограддан келган 27 ёшли Настасянинг мурдасини топишибди. У икки йилдан бери Истамбулда эди, ёруғ келажакка ишонар, бир уюм пул ишлаб, ўғилчаси олдига қайтмоқчи эди. Ўғли болалар уйида кутаётганди. Улгурмади... Бундай воқеалардан аллақачон кўнглимиз қотган: кўзёшлар тўкиб бўлинган, ҳамдардлик захиралари адоғига етган. Истамбулда бугунги кунгагина ишонамиз. Ўзимизга. Аллоҳга. Бу ерда Исо Яратган ўрнида эмас – у ўзга дунёда қолган. Кўплар ўша ерга қайтишни орзу қилади. Бир мендан бўлак.

Ғамгин қиссалар тошингта ботмон, аммо яхшиларидан бир жуфтини ковлаб топса бўлади. Кейт Моссга қуйиб қўйгандек ўхшаш донецклик машҳур Максимиз кейинги ҳафта турмушга

чиқади. У олмониялик турк Агопни илинтир-ди. Бечора уч кунга ишлари бўйича Истамбул-га келган экан, «Қора уй» барида Макси билан танишиб қолибди. «Макси 40 яшар содда эр-какнинг ақлини олиб қўйибди», – қизлар бир-бирига ҳазил аралаш ҳикоя қилишди. Агоп унга турмушга чиқишни таклиф қилибди. Макси кечагина қимматбаҳо меҳмонхонага кўчиб ўтибди. Шанба куни эри билан Янги Ҳаёт сари учиб кетади. Яқинда қизлар уни савдо маркази-да кўриб қолишибди: кўрсаям кўрмаганга олиб ўтиб кетганмиш. «Туллаган қанжиқ! Бачадони-ни шамоллатиб қўйганида қилган уколларим-ни унутган кўринади. Тунлари ухламаганман... Ҳеч бўлмаса, хайрлашув олди ўнта юзталикини башарамга отсаям майлийди.» – «Света, бас! Агар озгина ақлинг бўлганида аллақачон бирор-та жазманни илинтириб олардинг. Ҳасад қилма, доно бўл! Қани, мен билан ичасанми?» Любка ўз йўналишига содиқ: ҳаётий донишмандликка даъвогар сатанг.

Ҳар ҳафталик бундай хасратлашишларда мени соғинч ўртай бошлайди. Тбилисидан Истамбулга қочиб келган чақноқкўз дижей Вадо бизга рус попсаларидан қўйиб беради. Аллақаердан тўпламини топган. «Юрак – оҳанрабо»ни қўяди, бизлар кўз ёши қилиб йиқилиб қолгунга қадар рақс тушамиз. Ватан барибир ватан-да... Ушбу шарқ шахрида бизни иш, қайғу, бир кечалик нархларимиз бирлаштиради. Ҳаракат жойларимиз бирлаштиради. Аммо барибир бир-биримизни кўрарга кўзимиз йўқ. Ахир рақибалармиз. Бизнинг нафратимиз кўпроқ ишлаб топишдан озиқланади. Ишимиз – шоу-бизнес унсурларига эга рақобатли олам. Ўзаро нафратимизга қарамай, учрашиб қолганда қучоқлашганча яноқларимиздан чўлпиллатиб ўпишимиз шарт. Ва риёкорона жилмайиб сўраймиз: «Қайларга йўқ бўлиб кетдинг, жонгинам?»

...Баъзида тушкунликка тушиб бу ўтиришларни ўтказиб юбораман. Риёкорлик одамни эзиб ташлайди. Юртдош қизларни керакли жойга жўнатгинг ва ҳеч қайсини кўргинг келмайди.

Бу учрашувларга бир марта келмаган кечангнинг эртасига Жамол таъкидлайди: «Қизлар сени «йўлини топиб кетганлар» қаторига қўшиб қўйишибди!» Хурсанд бўламан. Бу сафар «Ўлганлар» қаторига қўшишмаганларидан шодланаман. Кейинги ҳафта нима бўлади – фақат Аллоҳ билади...

7

...Уларнинг елкасини томоша қилишдан завқ оламан. Холларни санаш, умуртқа дўнглари пайпаслаш. Кафтинг энса бўйлаб ҳаракатланаркан, бармоқларинг куюқ сочларга шўнғийди. Катта чироқ ўчирилган, тунчироққина хира ёғду таратади. Елкалар ё қаттиқ, ё юмшоқ бўлади. Текис ё букчайган. Холлар худди осмондаги юлдузлардек қаёққа юриш кераклигини, қандай иш тутиш кераклигини айтиб туради. Ўнг куракдаги хол ўз эгасининг оила идеалларига содиқлигини, бу ерга шунчаки адашиб ёки бир хил кечаётган ҳаётига салгина ўзгартириш киритиш учун келгани ҳақида хабар

беради. Бундайларга тортинчоқлик хос. Агар хол чап куракда, бўйинга яқинроқ бўлса, унинг эгаси эҳтиросли. Улар бировга иш қолдиришмайди. Агар хол чап биқинда, бўйрак устида бўлса, бундайларнинг жаҳли тез. Туйғуларига тобе. Ақл ўргатишларига чидолмайди... Тажрибам бу «белгилар» ҳақлигини исботлаган.

Ишлаган йилларим мобайнида уларни сўзсиз тушунадиган бўлиб кетдим. Кўзларни очик китобдек ўқийман. Ҳамкасабам Мила менинг ҳикояларимни тингларкан, дейди: «Махсус қўлланма ёзсанг бўларкан... Яхшиси, ёзмай қўя қол. Тағин шу ерликлар улардан ўрганиб, нонимизни яримта қилишмасин. Сирларинг ўзингда қолгани тузук. Бундай олганда, айтганларингдан бирортаси эсимда қолганиям йўқ. Менга уларнинг бари бир гўр». Жавобан жилмаяман: «Милажон, шунча йил Шарқда яшаб, ҳеч нарсани ўрганмабсанда. Сезилмайдиган нарсаларни ҳам сезишга ўрган. Асқотади». Ҳамкасабам лаб буриб сигаретини чуқурроқ тортади. Ясама киприкларини тўғрилайди: «Эй, Алекса, буларни керакли жойингга... Шарқни англашга ово-

ра бўлгандан кўра кўпроқ пул ишлашни ўрган. Шарқ қорин тўйдирмайди».

Биздақаларга жойнинг аҳамияти йўқ. Сифат эмас, миқдор муҳимроқ.

* * *

...Агар менинг «чап»га югурадиган эрим бўлганида нима қилишимни билмаган бўлардим. «Суюқоёқ» чолининг саргузаштларига кўниккан бувимнинг бир гапи бўларди: «Эр совунмас, ейилиб қолмайди». Ҳали қизалоқ пайтим ҳеч ақлим бовар қилмасди: кўпирадиган нарсага қандай қилиб турмушга чиқиш мумкин? Иси яхши бўлсаям... Ася бувим чоли ҳафтада икки бор тун оққанида уйга келганида ҳам хавотирга тушмасди. Эшикни индамасдан очарди. Яноғидан ўпиб: «Азизим, ишинг кўпайиб кетгандир? Бечорагинам. Чучвара туғиб қўйгандим. Сузиб келайми?» дерди. Жанжал-тўполон, ур-сур йўқ. Бобом ҳам бувимга ҳеч қачон товушини кўтармасди...

Шарқда талабгирлигимиз – эркакларнинг ўчлигидан эмас, шунчаки, бу ернинг жувонлари

ибо-ҳаёга асира бўлганча ўзларини қўлда тута олишганидан. Бунга кўп бор амин бўлганман. Баъзан зиёли мижозлар ҳам учраб туради. Тарбияли, кўп пул топади, обрў-эътиборли. Улар яхши суҳбатдош ҳам. Сўрайман: «Хотинингни севасанми?» – «Ҳа, жудаям.» Кўзларидан алдамаётгани кўриниб туради. Келган пайтидаги бегонасираш йўқолган. «Нимаси учун?» – «Чиройли, меҳрибон. Битта мактабда ўқиганмиз. Учраша бошладик. Кейин турмуш қурдик. Алалоқибат, у фарзандларимнинг онаси». – «Хотинингни ташқи кўриниши сени қониқтирадими?» – «Ҳа. Кўриниши яхши. Тўғри, туққанидан кейин анча тўлишди, аммо бу билан жозибаси камайгани йўқ, қайтага яхшироқ бўлди». – «Унақада биздақаларнинг олдига нега келасан?» Жимлик. Навбатдаги сигаретани тутатади. «Сендан шундай нарсаларни сўрашим мумкинки, буларни унга раво кўрмайман...»

Ҳа, Шарқда эр-хотин орасида кўз илғамас ибо пардаси бор.

...Оғзимни тўлдирган қон ялпизли томат шар-
 бати мазасига ўхшайди. Терим ости занғиллар,
 тинмай қашингим келарди. Қимирлай олмасдим.
 Оғриқ бутун вужудим бўйлаб лавадек оқиб бо-
 рарди. Буйрагим худди бир сиқим қоғозга ўхшаб
 буришиб қолгандек туюларди. Пешобим силқиб
 чиқарди. Бу жараённи тўхтатиб бўлмаслигини
 даҳшат билан ҳис қилардим. Кўзларимни
 қисганча онамни эсладим. Кўз ёшларсиз. Пе-
 шонамга майин кафтини теккизишларини
 соғинардим. Унинг ўрик гулларини эслатувчи
 ҳидини соғинардим. Ювган кирларини бал-
 конга осаркан, Анна Герман қўшиқларини хир-
 гойи қилган овозини соғинардим... Ҳар дақиқа
 ўтган сари вужудимни, оғриқни, қичишишни
 ҳис қилмаётгандим. Ҳушимни йўқотаётгандим.
 Қайдандир олисдан Жамолнинг хириллоқ тову-
 ши элас-элас эшитиларди...

Ўша кунни сира унутмайман. 2005 йил, 26
 октябрь. Ёмғир шиваларди. Енгил, роман-

тик. Чинакам имкониятлар куни. Кундузи озиқ-овқат харид қилгани «Мигрос» дўконига чиққандим. Доимгидек одмигина кийиндим. Меҳмонхонадан чиққан заҳотим ёмғир кучайди. Зонтик учун ортга қайтишга эриниб, йўлни яқин қилиш учун торкўчалар билан юрдим. Миямда харид қилинадиган зарур маҳсулотлар рўйхатини тузганча қадамимни тезлатдим. Сабзавот ва кўкатлар, пишлоқ, ширинликлар, икки шиша «Эфес» пивоси, икки қути аралаш шарбат... Бир вақт белимга икки кучли зарба келиб тушди... Оғриқдан нафас ололмай қолдим. Кучимни тўплаганча ортимга ўгирилдим: 14–15 яшар икки йигитча газетага ўралган бейсбол битаси билан турибди. Уларнинг ёнида ҳижобга ўралган аёлнинг ғазаб тўла кўзлари. Таниш чехра... Юзимга жон ҳолатда урар, сочларимдан тортар, тупук сочганча қарғанарди: «Сеними, ўрис манжалақи... Менинг Ўқтойимни яна ёнингга чақирадиган бўлсанг, йўқ қиламан. Қадамингни билиб бос. Гапларим эсингдан чиқмасин!» Биқинимга яна бир зарба тушади. Қорнимда олов гуриллагандек бўлди. Йиқиламан. Яна жу-

воннинг сўзларини эшитаман. «Болалар, аямай адабини беринглар. Бунинг жойи дўзахда. Аллоҳнинг қаҳрига учрасин.» Ичимда Жамолни чақираман. Ҳушимни йўқотаман. «Яхшиям ёмғир ёғяпти. Жуда чанқадим...» – охирги хаёлимга келган фикр шу.

Уч ҳафта жойимдан қўзғололмай ётдим. Елкам кўкариб кетган. Менга Жамолнинг 14 яшар қизи Чечак қаради. Беш вақт намоз вақтида «Алекса-аблага сиҳат-саломатлик юборишни» сўраб Аллоҳга илтижо қилади. Жамол уни Измирдан чақириб олган... У мени торкўчада, хали ҳушимни батамом йўқотмасимдан топиб олган экан. Орқа эшикдан меҳмонхонага олиб кирибди. Гувоҳларсиз. Калтакланганим ҳақида «бегона» полициячилар хабардор бўлиши ҳамда «идораси» ёпилишидан кўрққан. «Ўз» шифокорини чақирган. У оёққа туриб кетишимни айтибди. Укол-дори ёзиб, томчи дори мосламасини ўрнатиб берибди. Пешобимни кунига уч маҳал текшириб турарди. Қон аралашмаган. Демак, қаттиқ жароҳат олмаганман...

Иккинчи кун кўзимни очдим. Нафас олиш

кийин эди. Ҳаммасини эслаб Жамолга айтиб бердим. Доимий мижозларимдан бири бўлмиш Ўқтойнинг хотини тузоқ қўйган экан. Майин соқолига оқ оралаган дўстона амаки. Қўли очик, эҳтиросли, маллахонларга суяги йўқ. Истамбулдаги Миср бозорида бир неча сабзавот дўкони бор, оиласи билан шаҳарнинг нариги соҳилида – Осиё қисмида яшайди... Бунгача унинг хотинини фақат менга пул бераётган пайти ҳамён сиртидаги суратидан кўрган эдим. Йигитчалар унинг ўғиллари экан. Хотини эрининг олдимга қатнашини, қанча-қанча пулни сарфлашини сезиб қолган. Орқасидан пойлаб кимлигимни аниқлаштирган. Ва қасдини олган...

Кўпчилик турк аёллари рус қизларини ёқтиришмайди. Улар учун рус қизи – оила қўргонига хавф солувчи бузғунчи. Биздақалардан турк аёллари нафратланишади. Кечки пайтлар шаҳарда юрганимизда ортимиздан қарғанишади. Кўплари бизни мушт билан йўқотамиз, деб ўйлашади. Мендан бошқа яна икки қиз шафқатсиз калтакланганди. Ўз нафрат-

ларини намоён қилиш учун бу калтаклашларда бевосита иштирок этишар, ҳеч бўлмаганда калтаклаётганларни бу ишга илҳомлантириб қарғанишарди. Икки ой бурун клубдан чиққан Светкани икки аёл юзларини тирнаб ташлаганди. Яқинда турк аёллари Истамбул муниципалитетларидан бирининг олдида митинг уюштиришди. «Мусулмон шахримизни гуноҳкор ўрис аёллардан тозаланг!» – дея талаб қилишди. Муниципалитет, албатта ҳеч нарса қилгани йўқ: Туркия Европа Иттифоқига киришга уриняпти, муҳожирларга нисбатан бундай тазйиқ ўтказса кўпроқ ўзига зарар қилади.

Бу талотўп мижозлар оқимига таъсир қилгани йўқ. Эркаклар аввал қандай бўлса, ўшандай хузуримизга югургани югурган. Турк аёллари «томир отган бузуқиликни» қўпориб ташлашга чақирганча нафратга тўлиб-тошишади... Яқинда Жамолнинг мусофирхонасида ходималик қиладиган турк аёли билан ошкора гаплашиб қолдик. У менга қатъий тарзда деди: «Бизларнинг эрларимиз сизларни ўйинчоқ қиладилар, аммо барибир ўзимизга қайтиб келишади. Биз-

лар кўз очиб кўрганларимиз, сизлар эса шунчаки овунчоқсизлар, холос. Эрларимиз сизларга олтин тоғлар ваъда қилиши мумкин, аммо хотини ва фарзандларини ташлаб қўйишмайди». Жим қолдим. Суҳбатдошимнинг гапларини хаёлимда ўнлаб бора айлантирдим. У, албатта, ҳақ. Аммо отдан тушсам ҳам эгардан тушгим келмади: «Рус аёллари энг яхшиси. Биз эрларингизга эртак тухфа қиламиз. Бунақа эртаклар сизларнинг қўлингиздан келмайди».

9

...Топиш-тутишимдан харажатим анча кам. «Мавқеим» ошгандан бери даромадим ҳам кўпайган. Кўчада тирикчилик қиладиганлардан кўра хонасида қабул қиладиганлар кўпроқ олишади. Сутенёр нархни икки баробар оширади. Учрашувга мос беҳатар жой учун. Сир тутилиши учун. Кўчада, гарчи арзон бўлса-да, хавф тиқилиб ётибди. Биринчидан, кўпчиликнинг кўз ўнгида бўласан. Тунги капалаклар Истамбулнинг гавжум жойларида тўпланиб олишади, шунинг учун

қизгина кимга илакишиб кетаётганини билиш қийинмас. Обрў-эътиборли эркак учун бунинг сираям кераги йўқ. Иккинчидан, бирга бўлиш учун жой топиш ва у ерга етиб олиш учун вақт керак, бу эса келишилган вақтнинг кўп қисмини олиб қўяди. Менинг мисолимда эса бари соддалашади: ҳамма нарса тайёр: жой, нимага келганингни деярли сезишмайди, пулини тўласанг бўлди. Албатта, қулайликлар учун кўчадагидан уч-тўрт баробар кўпроқ тўлашга тўғри келади. Пулининг сассиғига чидолмайдиганлар учун бу муаммо эмас.

...Уйда ишлаш – Истамбулдаги биздақаларнинг орзуси. Хизматда мартабанг кўтарилишининг ўзига хос мезони бу. Кўчадан кетиш ҳар йигирмата қиздан учтасига насиб этади. Сутен-ёрлар ҳам бозори чаққон, кўриниши тузукки-на қизларнинг «мавқеини» ошириб, нархларни кўтаришади. Даромади яхшиларни келтирадиган икки ойлик «чойчақалари»га қараб аниқлашади. Менда шундай кунлар бўлгандики, Жамолга бир кечада икки «юмолоқ» келтирар-

дим. Ҳеч нарсадан тап тортмасдим. Каттами-кичикми, ёшми-кексами, семизми-ориқми, фарқиға бормасдим – келишилган пулни берса бўлди. Тезроқ «уй иши»га ўтишни истардим. Калта юбкада денгизнинг аччиқ шамолидан цистит ва бошқа касалликлар орттириш жонимга текканди. Очиқ жойда савдолашишдан чарчагандим. Кутиш, излаш, ишониш жонимга текканди. Маршал бўлишни орзу қилмаган аскар – ёмон аскар, дейдилар. «Уй иши»га ўтганларни бошқалар «қиролича» деб аташарди. Унга ҳурмат билан қарашар, маслаҳат сўрашарди.

Ҳурмат билан бир вақтда ҳасадлари ҳам келарди. Баъзилари Жамол билан муносабат қилиб, «уй иши»га ўтишни мўлжаллашарди. Сутенёрлар камдан-кам ҳолдагина «қўл остидаги»ларга илтифот кўрсатишади. Бунга ҳаракат қилган «янги»ларнинг устидан кулишади. «Бунақасини авваллари кўп кўрганмиз. Бизга уларнинг ўзимас, келтирадиган пули муҳим эканини наҳотки англашмаса!» – кула-кула дерди Жамол келтирилган бир ойлик даромадни чўтга ташларкан. Қуён ини атрофидан

ўт емайди деганларидек, кўпинча сутенёрлар бир-бириникини бир маротаба кўриш учун алмашиб туришарди... Жамолда «қироличалик»ка эришолмаган қизлар бошқа ҳомийнинг олдига қочиб кетарди. Истамбулда «Жамолнинг боғидаги» қизлар анча шуҳрат қозонган, энг аълолари ҳисобланарди. Чирой, ақл, уқув бобида. Жамолнинг рақобатчилари уларнинг орасидаги «мавқеидан» кўнгли тўлмай юрган «бирорта»сини ўз томонига оғдира олса, дарров «уй иши»га қўярди. Бизларнинг давраларда «Жамолнинг «мактаби»да бир ҳафта таҳсил олганларнинг баҳоси олтинга тенг» деган гап юради. Ҳозир ҳомийим фақат рус қизларига ихтисослашган бўлиб, онда-сонда украин қизларини ҳам қўшиб қўярди...

Мени ҳам Жамолнинг рақобатчилари бир неча бор ўзлари томонга оғдиришга ҳаракат қилишган. Масалан, Истамбулнинг Осиё қисмидаги беш кварталга мутасаддилик қилувчи бир кўзли Зиё соҳил бўйида мени тутиб олди ва ажойиб таклиф билан чиқди. Анчагина фойда-

ли. 20% га 80%, яъни бешдан бири Зиёга, қолгани менга. Жамол билан эса мен иккидан бирига ишлардик. Бундан ташқари, «осиёлик» менга ҳозиргидан кўра яхшироқ бошпана, ҳар кварталда 1500 доллар мукофот ҳам ваъда қилди. Кўп сабабларга кўра рад қилдим. Жамолга ўрганиб қолгандим. Ҳар ҳолда 6 йилдан бери биргамиз – ҳазил эмас бу. Бундан ташқари, Осиё қисмида ишлаш таваккалчилик – у ердаги халқ бошқа даражада. Европалашган «ғарб»да ўзингни ишончлироқ ҳис қиласан. Бу ерда рус қизлар кўп, мулоқот қилишга қийналмайсан.

Бундан ташқари, Зиёнинг обрўси яхшимас. Ўн йилча ўтириб чиққан, гиёҳванд савдоси билан шуғулланади, мафия билан алоқада... Жамолдан кетиш ниятим йўқ. Унга, албатта, рақобатчиси ўзига таклиф қилганини айтдим. У садоқатим учун дарров мукофотлади. Жамол иккимиз бир-биримиздан яхшигина фойдаланамиз, бу ерда дўстликка ўрин йўқ: у мен туфайли пул ишлайди, мен унинг ёрдамида даромад топаман. Бизнес.

...Пул йиғяпман. Ўзимга пулни аямасам-да, уларни сарфлайдиган одамим йўқ. Уларни туфли қутисига солиб чордоққа яшираман. У ер ишончли, бунга аминман. Ким ёки нима учун пул йиғаман? Билмайман. Каттароқ нарса сотиб ололмайман, чунки нолегалман. Бошимда бу борада ҳеч қандай фикр йўқ. Вақт кўрсатар. Мен вақтга ишонаман, у ҳаётимдаги керакли чизикқа олиб боради. Бу чизикдан кейин нима бўлади? Билмайман.

10

Кундалигимни туни бўйи ўқиб чиқдим. Хира мижоздан қутилгач, сув тўла ваннада ўнг кўлимда ён дафтарим билан ётардим. Бир кўлимда сигарет. Варақлар намланиб оғирлашган. Аввалига қайноқ бўлган сув вақт ўтиб компотдай илмилик бўлиб қолди. Сигарет кули оппоқ кўпик устига тўкилади. Кундалигимни бошидан охиригача қайта ўқиб чиқдим. Баъзи жойларидан ҳайратландим. Баъзи жойларида сўкиндим. Кўпроқ ўзимга ачиндим. Қанот

ҳақидаги гаплардан ҳаяжонландим. Уни хаёлан ёнимда ҳис қилдим. Ҳар гал бешинчи саҳифага етганида худди буларни биров ўқиётгандек туюлиб кетади. Даҳшатни ҳис қилдим. Балки, чиндан ҳам уни кимдир ўқиётган бўлса керак. Маломат қилаётган бўлса ундан ҳам ёмон! Бир ҳисобда, энди менга барибир...

Ўз қўлимни кўздан кечираман. Узун бармоқлар. Тирноқларимдаги олхўритус лак ёри-ла бошлаган. Бундай нарсаларни шу қўллар ёздими? Худди қўлим бошқалар эътиборини ўзига қаратмоқчи бўлгандек туюлади. Шу боис воқеаларни эҳтирос билан ифода қилаётгандир. Ғойибона ўқувчилар ҳамдардлик қилсалар. Балки, менинг ўзим эътибор истарман? Балки, томоша залидаги ўнлаб кўринмас томошабинлар учун бу оламни ўзим қургандирман?..

Баданимдаги кўпикларни ювиб ташладим. Артиндим. Ваннадан чиқдим. Кўзгудаги аксимга узоқ термулиб қолдим. Шарқ салтанатида йўқолган ёлғиз одам ёввойи, худди бурноқ

қизчалар каби ҳеч кимга кераксиз аҳмоқона ифодаларга тўла кундалик юритмоқда... Илкис ён дафтаримни қўлга олиб ҳали суви тўла ваннага ташламоқчи бўлдим. Барча ёзувлари ўчиб кетсин, майлига! Ванна устида узалган қўлим билан туриб қолдим...

Кўзим қиймади. Жасоратим етмади. Ўзим идора этувчи оламдан ўзимни жудо қилгим келмади. Ғойибона бўлса-да, ўйлаб топган ўқувчиларимдан воз кечишни истамадим. Бу менинг олашим. Ўз ёлғизлигимдан унинг деворлари ортига яширинаман. Фақат ёлғизликкина фикрларни мана шундай кенг ифодалашга мажбур қилади. Худди деразадан ҳовли тўла болаларни қайғу ичра кузатаётган юзини сепкил босган, ўзи эса тортинчоқ қизчадек ҳамон дўстларим бўлишини орзу қиламан...

Болаликда жилди чиройли расм альбоми ва бир талай рангли қаламларни қўлга олардим. Ойим навбатдаги мижозининг кўйлагини машинасида тикарган, орзуларимни қоғозга солардим. Денгиз қирғоғидаги кўҳна қалъани,

марваридлар қадалган оппоқ тўй либосидаги заркокилли маликани чизардим. Ёвузлик, хафгарчилик, хира пашшага ўхшаш математика муаллимаси бўлмаган оламни... Болалигимда доим ойимга ҳамма нарса ҳақида гапириб берардим. Орзуларим, қувончу қайғуларим ҳақида. Мактабдаги муаммоларим. Мовий кўзли синфдошим Саша тўғрисида. Бир қарашда севиб қолиш ҳақида. Ойим диққат билан тингларди, баъзан уришар, баъзида насихат қилар, аммо ҳамиша эшитарди. Энг яқин дугонам у эди... Энди эса ҳеч ким йўқ. Истамбулга ҳамёнимда 500 доллар, рюкзаг тўла кийим-кечак ва ичим бўм-бўш келгандим. Мўъжаз юкларим орасидан ўтмишим орзуларига жой топилмади – орзулар келажак учун кўприк ташлашга ўрганиб қолишганди. Келажакнинг ўзи бўлмаса, унда нима қилиш керак?..

Энди зийрак ойим ўрнини Кундалигим босмоқда. Ойимдек сабр билан эштади. Мен эса худди ўша қизчадек ҳаммасини рўй-рост айтаман... Ҳар куни ўталган умрим саҳифаси ҳақида тасвирлашни тугатгач, яқин дўстимга

ҳасратимни тўккандек енгил тортаман. Энди қайғу ҳам унчалар эзадиганмас, чорасизлик ҳам қўрқинчли тарзда абадий бўлиб туюлмайди. Мен ҳар куни ҳаётнинг бир саҳифасини Кундалигимга қўшиб ёпаман...

Асосан Босфор ёнида, соҳилдаги ўша ўриндикда ёзаман. Вақт ўтиши билинмайди. Ёзарканман, кўм-кўк олмани тишлайман. Шунчалар берилиб кетаманки, Босфорнинг ҳам рашки келиб шовқин солади, чийилдоқ чағалайлари ни бошим узра айлантиради. Ўзига қаратгиси келади. «Бироз сабр қил. Яна икки қатор ёзай, кейин сўзлашамиз». У гапимни маъқуллаб, эътиборини дайди мушуклар галасига қаратади. Улар соҳилдаги тошлар устида чўзилиб қуёшда тобланишмоқда. Эҳтимол, денгиз мушукларига айланиб балиққа тўйишни хаёл қилишар. Ўйноқи Босфор тўлқинлари уларни ҳуркитади. Норози миёвлаган мушуклар ҳар томонга қочишади. Кулгили. «Эй, тентак, қани бу ёққа кел! Ёқалашамиз!» Кундалигим яна битта ёзув тўла саҳифага эга бўлди...

Ойим модельер бўлишимни орзу қиларди, мен эса бунақа бўлиб чиқдим. Тушларимда унга тўқнаш келишдан кўрқаман – кўзига қандай қарайман... Ойимга табиат инъом қилган иқтидор менга ўтмаган. Ғарибгина қалбим бор, холос. Тонал кремлар қати остида ингичка қонтомирлар узра ётган рангпар терим... Ойим бир умр меҳнаткаш қўллари ортидан нон топган. Қизи эса танасини сотиб кун кўради. Бир пайтлар ойим менга тикишни ўргатганди, энди эса игнадан ип ўтказолмайман. Қўлларим қалтирайди... Эсимни таниганимдан бошлаб ойим тикиш-бичишни ўргатарди: «Сашул, эслаб қол... аёл кишига бундан яхши касб йўқ. Муҳими – нархни кўтармай, тез тикишни эплаш. Пулни виждонан ишлаб топиш керак».

Тез орада қўлим тикишга келишиб қолди: яхши чиқарди. Ойим сарафанлар этагини кунт билан чоклаётганимни кузатаркан, мақтаб қўярди: «Авлодимиздаги аёлларнинг бари чевар бўлишган. Суяк сурган. Сенинг ҳам

қўлинг келишига ишонардим». Матони яхши хис қилардим. «Работница» журналини, аҳён-аҳёнда чет элдан келиб қоладиган «Бурда»ни соатлаб варақлардим. Тенгдошларим ўйин билан овора пайтлари матолар тоифасини, бичимларни ўрганардим. Дарсларимни тайёрлаб бўлган захотим ойимнинг ёнига ўтирардим: игна матони қандай тешиб ўтаётганини, ойим совун бўлаги билан белгилар қўйишини, матони катта қайчида кесишини кузатардим. Жараён шу қадар енгил давом этардики, дераза ортидаги кун тунга алмашганини сезмай қолардик...

Ойимнинг олдига катта амалдорларнинг хотинлари, артистлар келишарди. Ёшгина Алла Пугачёвани эслайман. У одамлар диққатини жалб қилмаслик учун ўлчашларга кечалари келарди. Ойим унинг эгнидаги мато бичиқларига игна санчиб чиққунича, мен Алла холадан «Арлекино»ни айтиб беришни илтимос қилардим. Машҳур қўшиқчи сира рад этмасди... Биз ўртача таъминотда яшардик: ейишга, кийишга, коммунал тўловларга етарди. Яна отам

ҳам ишларди... Аммо пуллар ойимга жуда катта машаққатлар эвазига келарди. Кечга бориб ҳолдан тойган ойимга қараб туриб ичим ачиб кетарди. Уйқудан олдин у хорғин елкаларини оёғим билан эзиб қўйишимни илтимос қиларди. Оёқларим билан устида турганча умуртқа поғоналарининг қисирлашини эшитардим, тово-ним билан чарчаган мушакларидаги оғриқли жойларни эзгилаб чиқардим. Кўпинча ойим огоҳлантириб ўтирмай гиламда чўзилган қўйи ухлаб қоларди...

Истамбулда болалигимни кам ёдга оламан. Одатда ортга ўгирилмайман, чанг босган жавондан ўтмиш бисотларини чиқармайман. Шарқда булар ҳақда билдирган биринчи кишим – мана шу Кундалигим. Чинакам бахтнинг йўқотилган лаҳзалари ҳақида ҳикоя қилдим. Ўша пайтларда улар кунларнинг одатий алмашиниши эди... Ойимни қайдадир теран ботинимда соғинаман. Кўп эслаш учун ўзимга изн бермайман, жуда оғриқли. Жуда уятли. Ўзимнинг ҳозирги пайтимданмас, қадрдон кишимнинг ишончини

оқлолмаган ўша чоғимдан уяламан. Орқага эса йўл йўқ...

Ойим менинг битирув кечамдан икки кун ўтиб вафот этди. Инфарктдан. Сўнгги бурчини бажариб жонини топширди. Менга хотиралар ва шу кунлар арафасида тиккани – мовий кўйлакни қолдирди.

Бу кўйлакнинг бичимини ярим йил мобайнида ўйлаб топгандик: ойим мато танлашда ёрдам беришларини сўраб чевар дугоналари олдиға чопарди. Яхши хориж матоларини топиш эса осонмас. Улар дўконларда сотилмас, келгани ҳам олибсотарлар қўлиға чиқиб кетарди. Бир амаллаб матони топгач, уларға мос кўшимча безак изларди. «Битирув кечаси ҳаётда бир маротаба бўлади, қизим, ҳаммаси зўр бўлиши керак. Энг муҳими, ҳамма кимнинг қизи эканингни билади, кийган либосингга қарашади». Балдан олдинги уч кеча-кундуз киприк қоқмади. Мен залда, тикув машинаси шовқини остида уйқуга кетардим, отам ва акам эса бўлди, ухлашга

кўйгин, – дея тўнғиллашарди. Бировни безовта қилмаслик учун ойим чироқларни ўчириб, столи устига тунчироқни қўярди. Ҳар соат балконга ўтиб чекарди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда чиқди. Меникидай кўйлак Москвада бошқа ҳеч кимда йўқ эди. Мен чинакам эртақдаги маликанинг ўзи эдим. Бешинчи қаватдаги Римма хола «Рим каникуллари»даги нозиккина Хепбернни эсга олди... Ойим битирув балига бормади. Уйда қолди – уйқуга тўйиб олмоқчи эди: «Қизгинам, сен бал юлдузи бўласан. Мен Коля амакидан илтимос қилдим, у сени олиб бориб, олиб келади. Кўйлагинг эзилмаслиги учун...»

Негадир ойимнинг дафн маросимини эслай олмайман. На ўзимни, на акам билан дадамни, на қариндошларни, на қўшнилари. Фақат совуқ, оёқ остидаги зах тупроқ, дорилар ҳиди ёдимда. Тамом... бу ёғини ёзмайман. Ёзадиган нарсанинг ҳам ўзи йўқ. Бир нарсанигина кўшаман: «Ойи! Илтижо қиламан, тушларимга кирма! Уяламан...»

«Нафратланаман» сўзидан қўрқаман. У жуда кўламли, вайронкор. «Нафратланаман» – минглаб инсонлар юрагини осонгина чилпарчин қила олади. Абадга. Мен бу сўздан дерли воз кечганман...

Аммо барибир ҳаётимда бир кимса борки, унинг ҳатто номидан нафратланаман – бу менинг отам. Отам, дадам эмас. Мен уни охириги бор ойимнинг вафотидан бир кун олдин «дада» дегандим. Кейин – фақат исми-шарифи билан чақирдим. Отамдан нафратланаман! Юрагимнинг туб-тубига, бутун вужудим билан. Унинг тиржайишини эсласам қўл-оёғимга титроқ киради. У ишлатадиган атирнинг ўткир исини сезаман ва қайт қилгим келади. Унинг сунъий тарзда чаккамдан ўпишлари! Ғазабдан титрайман. Одатда йиллар оша нафрат тўмтоқлашади, аммо менда аксинча – йилдан-йилга кўлами ошиб боради. Охиригача айтилмаслигиданми?..

У мени уйдан сиқиб чиқарди, ойим ўлганидан

икки ой ўтар-ўтмай яна уйланди. Нафратимнинг сабаби бу эмас: отамга бўлган нафратим – ойим тириклигидаёқ кўрган, эшитганларимдан... Унинг қилмишлари туфайли қанчалар қийналганман, юзимни ёстиққа босиб бақирганман! Бу ҳақда онамга мактубимда ёзгандим. Ойимнинг қўлига етгунча ўнлаб бора уни ғижимлаб, йиртиб, унитазда оқизиб юборганман. Жасоратим етмаган, ойимга ачинардим, чарчаган аёл оромини бузгим келмасди. Нима бўлмасин, жанжаллар, изтироблар юз беришидан қочишга уринганман. Бундан афсусланмайман. Ойим булардан беҳабар, хотиржам жон берди. Ойим учун дадам иккимиз узоқ муддат «дадаси ва қизи» спекталини ўйнадик. Агар кинокамераларсиз фильмлар учун «Оскар» беришганида, шубҳасиз «энг яхши аёл роли» учун мен, «энг яхши эркак роли» учун отам мукофотланардик...

У ойимга ўз синглиси билан хиёнат қиларди. Олеса иккиси шундоққина ойимнинг ёнгинасида ишратга берилишарди. Қаҳва дамла-

тиш баҳонасида аммамни ошхонага чақирар, ўша ерда билганларини қилишарди. Бу даҳшат ҳафтасига бир неча маротаба такрорланарди. Олеса «тикишдан чарчаган келинойисига ёрдам бериш» баҳонаси билан уйимизга тез-тез келарди. Уйни йиғиштириш, духовкада сомса ёпиш, чойшабларни катта кострюлда қайнатиш. Ойим қайнисинглисидан хурсанд бўларди: «Олеса, сенсиз қандай эплардим. Худойим сени асрасин! Болаларинг қандай? Сашка мактабга бордим?» Ойим буюртма устида машинкаси турган залдаги ишига қайтган маҳал Олеса ни пойлардим. Омборчага писиниб олиб телефондаги суҳбатларини эшитардим, ошхона эшиги тирқишидан мўралардим. Нафас ютиб, отам синглиси билан нималар қилаётганини кузатардим. Булар менга аллақандай ўйин бўлиб туюлган бўлса керак, ҳар ҳолда ҳали кичкина қизалоқ эдим. Аммо уларнинг иложи бори ча сирли ҳаракат қилишларидан буларнинг ойимга ёмонлиги борлигини ҳис қилардим...

Кўп ҳолларда отам ва аммамни қутқарган пайтларим бўлган. Ойим ишидан туриб балкон-

га чиқмоқчи бўлган маҳал уни қучиб олганча қаттиқ-қаттиқ гапириб, ишратга берилганларни огоҳлантириб қўярдим. Ерда ётган бирор кийимни сездирмай олиб қўйиш, у ер-бу ерни билдирмай артишга керакли пайтда улгурардим. Бу билан кимни асрардим – аблаҳ отамними ёки онамни?.. Унинг асл башарасини очиб ташласам яхшироқмиди. Ё бўлмаса, Олесеянинг қорнига пичоқ тиқишим ҳам мумкин эди. Аммо кўрқув ичидаги мендек қизалоқ онасига озор етмаслигини ўйлаб мум тишларди. Билганимни ҳеч кимга, отамнинг иккинчи нусхаси бўлиб ўсаётган акамгаям айтмасдим. Минг афсус, менинг томирларимда ҳам унинг қони оқмоқда...

Нега у узоқ йиллар синглиси билан бундай қилиб келди? Қандай шайтоний алоқа бу ёки касалликми? Бирор бегона аёл билан юрса ҳам бўларди-ку? Олесея жа унақа кетворган аёл эмасди. Семиз, оқдан келган, лаблари дўрдоқ. Кўзлари тугмачадек, оёқлари калта, бурни эгик. Москвада сайр қилиб юраркан, унга ўхшаган аёлларга кўзим тушса – уларни исқирт отам-

га «мос»лаб кўрардим, яқинлашиб, телефон рақамларини олгим келарди. Отам учун. Фақат шу – бир маҳаллар «севикли» бўлган аммам билан ётмаслиги учун. Олеса баргакли чучварани бошлаб пиширарди. Қизиқ воқеалар ҳикоя қилар, гап орасида иштиёқ билан ота-онам ҳақида суриштирарди. Улар уришиб қолишмайдими? Бир хонада ётишадими? Ойим кечалари ҳам тикиш билан машғулми? Мен аҳмоқча эса, чучвараларни тушираркан, барчасини оқизмай-томизмай айтиб берардим. Аммам акасининг оиласи, ойимнинг соғлиги ҳақида қайғуряпти, деб ўйлардим...

...Баъзан Москвага қайтгим келади – бир-икки соатга. Қадрдон ҳовлига боргим, икки қаватли уй томига чиққим, отамни топиб гаплашгим келади. Янги хотинчаси олдида! Эҳтимол, унга ҳам синглиси билан хиёнат қилишда давом этаётгандир. Юзига барча билганларимни бақириб айтсам дейман. Ҳайвонлигини юзига солиб тупурсам дейман... Ҳа йўқ, шундай имкон туғилганида ҳам, барибир ватанимга қайтмасдим. Ўтмишга

қайтишни истамайман. Хафагарчиликлар мени ҳозир куйдира қолсин...

13

Ёнимдан ўтиб кетди. Қандайдир пакана, кўзлари катта-катта қорамағиз қиз билан. Кўз қири билан қараб танимади. Мен ҳам танимагандек тутдим ўзимни. Кўриниши деярли ўзгармаган, сал қорин қўйганини айтмаса. У, албатта, сингилчасини Истамбулда кўраман деб ўйламаган. Ўзидан икки қадам берида. Мени Дубайда деб ўйлайди... Оқиш-кўк рўмолчаси билан пешонасидаги терни артганча ўтиб кетди. Тентак, бундай жазирамада, июль охирида Истамбулда нима бор? Яхшиси, Бодрумга бормайсанми... Менинг ўзим иссиқдан қийналаётгандим: анчадан бери бундай дим оқшом бўлмаганди. Юзимдаги бўёқ оқа бошлаган, ясама соч остидаги бошим терга ботганди... У кўздан йўқола бошлаган маҳал изидан чопгим келди. Олдига бориб қанақа аёлнинг акаси эканини юзига солганча, ҳамроҳининг олди-

да шарманда қилишни истадим. Иссиқданми, йиғиданми – кўзларимга сурган туш оқа бошлади. Йиғлаяпманми?

Очиғи, биз болаликдан бир-биримизга тиш қайраб келардик. Ўйинчоқлардан бошланган ихтилоф телефон талашганча муштлашишларга уланарди, кейинроқ онамга муносабати учун жанжал кўтарардим. Акам ўсмирлигидан ойимга нописанд қарайдиган бўлди. Фақат отамнигина ҳурмат қилар, уни эъзозларди... Женя мендан икки ёш катта эди. Бувимнинг айтишича, мен туғилганда акам рашк қила бошлаган экан. Кенжатой бўлганим учун мени кўпроқ эркалатишарди, Женяга таъқиқланган нарсалар менга мумкин эди. Унинг ғаши келар, аламини мендан оларди. Бир куни, унда беш яшар қизча эдим, ўйин пайти дивандан итариб юборганди, қўлим синди. Женя жазоланди – бир йилга бувимникига жўнатиб юборишди. Мактабда ҳам иккимиз деярли гаплашмасдик. Ҳатто, акамнинг ўртоқлари икки параллел кичик «б» синфдаги Александра унинг синглиси эканини билишмасди. Уяларди...

Бир уйда ўзаро душман бўлиб вояга етдик. Ошхонага Женя йўқ маҳали кирардим. Женя телевизорни мен кўчада ўртоқларим билан ўйнаб юрган пайтларим кўрарди. Бир ҳудудда, тушунмаслик деворининг икки томонида яшардик. Ўсмирлик чоғимизда ҳар соатда жанжаллашиб турган бўлсак, вояга етганимиздан сўнг бир-биримизга ҳеч ким бўлиб қолдик... Дадам ҳар қандай вазиятда ўғлининг тарафида бўларди: «У – эркак, сен – қиз боласан. У ўзини қандай тутиши кераклигини яхши билади. Женя ҳаётга хушёр қарайди. Сен эса булутларда учиб юрибсан, аҳмоқона романлар ўқийсан, каллангни бекорчи гаплар билан тўлдиряпсан. Яхшиси, бориб идишларни юв! Олеса ортингдан йиғиштириб чарчади!» Отам билан баҳслашмасдим ва тобора улардан олислашардим. Ойим орамиздаги таранг муносабатни пайқаган, очикча гаплашиб олиш учун чақирарди. Акам бошини эгганча индамай тураверарди. Агар отам уйда бўлса, дарҳол акамнинг тарафини олишга тушарди: «Лидочка, сен эркакни тарбиялаяпсан, қиз боланимас. Нима истайсан? Иккиси бирга қўғирчоқ

ўйнасинми? Ёки телевизор олдида тўқишсинми? Тушун, у – эрр-каккк!»

Ойимнинг ўлимидан сўнг отам билан муносабатларимиз ёмонлашди. Бир-биримизга қўл кўтаришгача бордик. У менга таъна қиларди: жудаям очик кийинасан, жуда кеч қайтасан... Отам яна уйланмоқчи эканини айтганида, мен уйдан кетишга аҳд қилдим. Марҳума бувимнинг уйида вақтинча яшаб турмоқчи бўлдим. Отам калитни бермади: «Қаерга борсанг боравер...» Акам ёнимда туриб бир оғиз гапирмади. Икковининг тили бир эди. Бир ҳафта ўтиб Россиядан кетдим...

Қариндошларим ҳақидаги саволларга: «Улар автоҳалокатда ўлишган», – деб жавоб берардим. Москвадаги квартирамизни, нафратланадиган отам ва акамни, риёкор қариндошларимизни хотирамдан ўчиргандим. Энди ўзимга ўзим жавоб бераман. Истамбул қандай бўлсам, шундай-лигимча қабул қилади.

Ўзимга савол бераман: ҳаётда омадим кел-
дими? Бу савол кетидан яна ўнларча сўроқлар
туғилади. Тўртинчи сигаретани чекиб, яна айти-
дам ҳақидаги фикрларга қайтаман. Ҳозир ўзим,
Кундалигим ва Босфордан бошқа ҳеч кимни
кўрмайман. Мижозлар – кўчадаги оломон каби
ҳисобга ўтмайди. Мен одамларга яқинлашишдан
ҳадиксирайман.

...Акамнинг Истамбулда пайдо бўлиши туш-
га ўхшайди. Уни кўрдимми ё у эмасмиди?
Меҳмонхонага шошаман. Жамол қўнғирок
қилди. Иккитаси кутиб турганмиш. Бадав-
лат араблар тўлиқ бир кеча учун яхшигина ҳақ
тўлашибди. Эркаклар ва пуллар – мана менинг
воқеликдаги белгиларим. Омад ҳақида эса на-
риги дунёда гаплаша қоламиз. У ёқларда савол-
лар жавобсиз қолмас экан. Яна сув текинга.

Биздақалар учун мусофир юртда панжара ортига тушиб қолишдан ёмони йўқ. Туркия хибсхоналарида ювиндидек суюқ овқат билан боқишади, камералар иситилмайди, захдан томирларинг шишиб кетади. Кеча «Хуррият» газетасида ёзишларича, Бақирикёйдаги аёллар қамоқхонасида 50 та рус аёли ҳукм муддатларини ўташяпти экан. Уларнинг бир қисми гиёҳванд тарқатгани, фоҳишалиги учун. Қолганлари эса қалбаки виза боисидан қўлга тушган. Муддат тугагач, депорт қилинадилар. Туркия уларни қучоқ очиб кутиб олгани йўқ, ўзларини «шарқ эртаги»га ишонтиришган. Шарқ ҳамма вақт ҳам меҳмоннавоз эмас.

Сутенёрнинг муаммолари кўпинча бизнинг муаммоларимиз бўлиб чиқади. Ўжар Жамол полисменлар билан пулга боғлиқ ихтилофга бораётганини пайқаб қоламан ва шу заҳоти гапга аралашаман. Жамолни четга чақириб, қўлига иккита юзталиқни тутқазаман: «Оғизларига тик. Бизга бошоғриқ керакмас». Йиққанларимдан бериш-

га мажбурман. Жамол полисменларга пул беришдан бош тортса, менга яхши бўлмайди. Турк қамоқхонасида кун ўтказиш ниятим йўқ. Озод юрсам бас: Босфорни кўрсам, чағалайлар куйини тингласам, кўчадаги сотувчидан қовурилган каштан ёнғоқлари сотиб олсам – шуни ўзи етади менга... Истамбул миршаблари деярли ҳар мавсумда атайин пора миқдорини ошириб боришади. Бу ўзига хос «тозалаш»: тўлашни истамаганларни ҳибсга олишади ва телевизордан кўрсатишади: «Истамбулнинг ҳушёр қонун ҳимоячилари навбатдаги бузуқилик ўчоғини топишди».

...2003 йили Зиёнинг тўртта рус аёлини гиёҳванд тарқатишда айблаб ҳибсга олишганди. Улар ҳар-ҳар замон ўзларига эрк беришган – «қийин тирикчилик» боисидан кокаин истеъмол қилишган. Кокс тарқатиш билан шуғулланмаганларига аминман. Улардан икkitасини танирдим. Ната ва Катя. Бир пайтлар «русча Истамбул» – Лаълили районида бирга ишлагандик. Қизлар емаган сомсаларига пул

тўлашган: Зиё ўзини сақлаб қолиш учун балога уларни рўпара қилган. Бу ҳақда Светка айтиб берганидан сўнг анча пайтгача ўзимга кела олмаганман. Икки кун ичдим, тушкунликка тушдим. Натка ҳалиям аёллар қамоқхонасида тутқун, Катя маҳкумлиكنинг учинчи ойида силдан вафот этди. Брянскда унинг «инсулин» босқичидаги қанд касалига чалинган ёлғиз онаси қолди. У шу биттагина қизи юборадиган пулга кун кўради.

Натка назоратчиларга тутқазадиган пули эвазига «қўл телефони»дан қўнғироқ қилиб туради. Бир дақиқа суҳбат – 20 доллар, смс – 5 доллар. Натка бўғиқ товушда сўзлайди: Истамбулда ҳаво қанақа? Босфорга дельфинлар қайтгани ростми? У, худди мен каби, Истамбулни яхши кўради. Икки дақиқалик суҳбат мобайнида на мен, на қизлар, на бошқа нарса ҳақида қизиқади. Натка яна Босфорни кўришни орзу қилади. Чағалайлар шовқинини эшитиши учун балконга чиқишимни илтимос қилади. Уч ойда бир марта ўзига озодлик овозини эшитишга изн беради. Икки дақиқалик озодлик баҳоси

– 40 доллар. Ўтган ҳафта Наткадан смс келди: «Пул йўқ, қўнғироқ қилолмайман. Менда сил аниқланди. Катядагидек. Мен ўлмайман. Яшашни хоҳлайман. Черковга бор, ибодат қил!»

Қизлар билан юз берган даҳшатли воқеалардан кейин менда эртанги кунга нисбатан ишонч қолмаган. Агар бирор кун менга панжара остига тушиб қолиш таҳдид солса ўзимни ўлдираман. Сумкачамнинг ички шойи қопламаси остида сиркали шишача яшириб қўйганман – пайти келса уни ичаман, ичим куйиб ўламан... Буни хаёлимга келтиришдан ҳам қўрқаман. Ўлишни истамайман. Озодлик учун бор пулимни бераман – мен Босфор нафасисиз яшолмайман. Тўлқинлар алласисиз ухлай олмайман. Барча-барчаси учун, ҳатто қопқондаги қуруқшаган пишлоқ учун ҳам тўлаш керак.

...Жамол Дашани Қуръон ўқишга ўргатяпти. У тўрт йилдан бери Истамбулда. Етти ой стриптизёрка бўлиб ишлади, бу йил исломни қабул қилди. «Энди умидим Аллоҳдан.» Дашани ка-

лака қилишга киришаман: «Наҳот, сендақа қиз намоз ўқиса?» Хафа бўлади: «Бадан софлигидан кўра қалб софлиги муҳим. Тана – вақтинчалик қобиқ. Охират куни Аллоҳ бизни ниятларимизга қараб мукофотлайди». Жамол Истамбулдаги кўп бузуқ аёлларнинг исломни қабул қилишига кўниккан. Ўзи ҳам бир пайтлар намоз ўқиган. Икки йилдан бери тўхтатиб қўйди: «Яратган олдида шармандаман...» Менинг ҳам кўнглимда Аллоҳ бор, аммо унга риёкор намозим кераклигига ишонмайман. Агар Дашага намоз нималардадир ёрдам берса – ўқийверсин: ҳар ҳолда дин гиёҳвандликдан кўра яхшироқ. Ўзига шукур, Дашка гиёҳвандликка берилмади. Бошқа йўлни танлади...

...Финжонларга қаҳва қуйиб, ҳиди чиқсин учун коньяк, ванилли шакар қўшаман. Светка менга эзғиланган «Мальборо» қутисини узатади. Кўзлари ялтирайди, бурнининг учи қизарган, уйқучан юзида киноя. «Хоҳламайман». У қутини узатганча туриб олади. «Свет, оч қоринга чекмайман». – «Бу сигаретмас, бошқа бир нарсас». У сигарет қутиси қопқоғини очади. Столга зарғалдоқ тусли, юзига Микки-Маус сурати туширилган ҳапдориларни тўқади. Экстази. Света яна гиёҳвандга ўтирибди. Ғазабим келади. «Қулоқ сол, бундақаларни ютишни бас қил! Ўлишни ёки тинтувга тушишни хоҳлайсанми.» – «Эээээ... Бундан баттари бўлмайди.» Битта ҳапдорини ютиб юборади. Орқасида қаҳва ичмоқчи бўлади. «Аҳмоқлик қилма! Кофеинни эктази билан қўшиш мумкинмас, юрагингга оғирлик қилади!»

Ярим соатлардан сўнг Светка дивандан сакраб туриб ҳожатхонага чопади. Кўнгли айнияти. Дозани оширворгани яққол кўриниб туриб-

ди: кеча тунда бир нечасини ютганди, эрталаб яна ичди. Ошхонага югуриб икки литр сувга бир қошиқ қалампир, ярим қути йогурт, туйилган чиннигул қўшаман – заҳарланишда энг яхши восита шу. Светка ичишдан бош тортиб сўкинади, ўз ҳолига қўйишимни талаб қилади. Барибир мажбурлайман. Бир соатдан сўнг ухлаб қолади...

Мен гиёҳванд моддаларни, ҳатто енгилларини ҳам кўтаролмайман. Ўзимни қўлга ололмайман. Бақираман, йиғлайман ёки овозим бори ча куламан. Бир гал ўзимни ўлдирмоқчи ҳам бўлганман – қизлар тутиб қолишган. Жамол бундан хабар топгач, мени кўчага қувмоқчи бўлди. Гиёҳвандликка йўлиққанлар ҳеч кимга керакмас. Кейин негадир ачинди...

2002 йилни деярли «кокс»да «ўтириб» ўтказдим. Барчасини унутишни, тушкунлик овозини ўчиришни истардим. Емай қўйгандим, тунлари деярли ухламасдим. Ҳеч кимни фарқлаб ўтирмасдан хизмат қилаверардим. Кокаин қабул қилгач қуввати кучли батарейкага айланиб қолардим.

Албатта, Жамолга бундай фаоллик фойдали эди. Аммо бундай тартибда кўпга бормаслигимни англади. Унинг «баталёни»да энг талабгир ва харидоргир аскар мен эдим – бундай соғин сигирни йўқотишни истамасди. Абгор аҳволда эдим, икки ҳафтага «Осиё Истамбули»га – бувисиникига жўнатди. Мени акасининг навбатдаги хотини деб таништирди. Ташқарига чиқаришни таъқиқлади. Мажбурлаб кунда икки маҳал овқатлантириш, эрталаблари мажбурлаб ювинтириш, ҳар олти соатда юнон ёнғоғи мазасини берувчи қандайдир дамламадан ичиришни тайинлади. Мен оёқ тирамадим. Кокаиннинг таъсиридан қутила бошлаганимдан кейин бундай ҳолда яшамасликка қарор қилдим. Яшашни истадим ва ўзимда бунга куч топдим... 14 кунлик «карантин» мобайнида аламзадалиқ, ички оғриқ билан келишиб олдим. Яна яшашга қарор қилдим... Жамолнинг олдига янгиланиб қайтдим ва шундан кейин ора-сира тилимда кокаиннинг мазасини туйиб қоламан. Жамол таскин беради: «Тезда ўтиб кетади. Сен жуда кучли кокслардан сотиб олгансан – булар вужудингдан чиқиб ке-

тиши учун вақт керак...» Қизлар кайф қилишни таклиф қилишса ўзимни базўр тўхтатаман. «Йўқ» деган заҳотим ҳар қандай хоҳиш йўқликка чекинади...

...Истамбулда рус фоҳишаларининг кўпи гиёҳвандликка ўтириб қолишади. Топилиши осон бўлгани учун асосан экстази ютишади. Айримлари кокаин ҳидлашади. У қимматроқ. Юзтадан ўнтаси ўзини асраб қолар, қолган қизларнинг бари гиёҳвандлик асирасига айланишади. Кимдир дозани оширворганидан ўлади, кимдир гиёҳвандликни тарқатгани ва сақлагани учун қамоққа тушади... Миршаблар қанча ҳаракат қилишмасин, ҳозир бу ерда экстази топиш жуда осон. Кечалари шубҳали шахсларни кўчанинг ўзида тўхтатиб кийимлари, сумкаси, пойабзалини тинтишади... Савдо кечки тўққиздан кейин гуллаб-яшнайти. Бейўғли кварталидаги ҳар қандай клубда экстазини бемалол сотиб олиш мумкин – қолганларига эса аввалдан буюртма бериш керак. Бу ерга коксинг энг сифатсизларини келтиришади. Кучсиз, турли аралашмалар

қўшилган. Ишончли сотувчини билиш керак. Мен бақалоқ армани Симондан олардим, у энг сифатли, тоза кокс сотар, насияга ҳам берар, уй-гача етказарди. Ўтган ой ўша Симонни марказий Тақсим районидаги тунги клублардан бирида катта миқордаги маҳсулотни ўтказаетган пайти қўлга олишди.

...Аммо Жамол экстази қабул қилишимга қатъий қаршилик қилади. Бу билан, – дейди у, – икки ой ичида жигаринг, буйрагинг, томирларинг ишдан чиқади. Экстази эса Истамбулдаги клублар ҳаётининг «қора байроғи» бўлиб қолаётир. Уни четга чиқаришга уринишлар кўп. Шунинг учун чегараларда текшириш жиддийлашган. Яқинда бир туркни Питерга халтачада кокаин ҳақдорилари олиб бормоқчи бўлганида тутиб олишди...

Қалин тўқ олчаранг лаблар, калта киприк қўйкўзлар, ўткир ияк. Кўзойнаги тўртбурчаксимон. Чап яноғида чандиқ. Ўсмирлигида ҳовли бўйича «хўжайин» йигитча билан дўппослашган: у қўлда муштлашган, «хўжайинча» эса пичоқ чиқарган. Қуролсиз рақибини тилиб ташламоқчи бўлгану, аммо ўша заҳоти таъзирини еган ва «хўжайинча»лигини йўқотган. Унинг қўллари бақувват, овози сеҳрли, нигоҳи қаттиқ. Чинакам эркак бўлиб туғилган. Унинг ёнида ўзимни эркин, беҳатар сезаман. У аёл зотига паст назар билан қарамайди. У ҳатто биз кабиларга ҳам маълум даражада ҳурмат билан муомала қилади. У билан бўлганимда ўзимни бошқача ҳис қиламан.

Содик 31 ёшда. Қони арабларга тақалади. Измирда туғилиб Марокашда улғайган, Озарбайжонда, кейин Кёлнида ўқиган. Ҳозир ярим йилдан бери Истамбулда. Уни шартнома бўйича Марказий клиник шифохонага ишга таклиф қилишган.

Содиқ – моҳир жарроҳ-онколог. Ишини севади. Онасининг талаби билан танлаган: «Аллоҳ ёрдам берганларни қўллайди». Афсуслангани йўқ. Клиникада 20 соатгача ишлаб қолади, камида учта операция ўтказди. Унга Шарқдаги кўплаб беморлар келишади. Жуда кўп қаҳва ичади, чекишни ташлаган, ойда икки марта олдimgа келади. Сахий, асосан долларда тўлайди.

Содиқнинг хотини Фотима қайнонаси билан Марокашда яшайди, икки ўғлини тарбия қилади. «Афсуски, у ёққа камдан-кам, озгина вақтга бориб келаман. Хотиним бу ерга келишга кўнмади: Истамбулни ёқтирмайди. Фақат Рамазонда ўғилларимни олиб келади. Ҳайит кунларини бирга ўтказамиз...»

Одатда мижозларим билан кўп гаплашмайман. Содиқ бундан мустасно. У билан анча маҳалгача гаплашиш мумкин. Онгимнинг аллақайси бурчакларида бундай қилмаслик керак деган фикр биқиниб туради. Биз мижозни севиб қолмаслигимиз шарт. Шарқ эркаклари барибир хотин қилмайди бизни... Содиқ тан ола-

ди: бундай зиддиятлар шахрида унинг мендан бўлак дўсти йўқ. «Сен билан ўзимни қандайдир осуда ҳис қиламан. Ҳиссиётларимга эрк бераман. Фотима билан бундай эмас. У билан фарзанд кўриш учунгина яқинлик қилишим мумкин. Авлодимизда бештагача фарзанд кўришади. Бизда эса энди иккита бўлди. Онам яна учта кутяпти...» Содиқ мудроқ товушда гапиради, мартини симиради. Чарчокдан ҳолсиз бу эркакка маъюс боқаман. Ташқи томондан кучли, ботинан майин. Чинакам эркак. Бундайлар жуда кам. Фотима ҳақида ўйлайман, аммо товуш чиқариб айтолмайман. «Ҳар ким кўрпасининг иссиқ-совуғини ўзи билади». Балки Содиқ уйида бошқачадир? Сираям! Бундай қалбли одам ёмон бўлмайди. У кетади, мен душга кираман. Иссиқ сувда куйишимга сал қолади – йиғлайман. Содиқни дебмас, уни севиб қолганим йўқ. Менга бу эртакни тарк этиб, қаҳрли воқеликка қайтиш азоб беради. Унда мени, аниқроғи шу ерда Жамол ва унинг бир жуфт хира мижози, навбатдаги золим оқшом кутади... Баъзан Содиқдан бу ерга бошқа кел-

маслигини илтимос қилгим келади. Унга Дашани тавсия қилсамми? Араб жарроҳидан кейин воқеликни ҳис қилиш оғир кечади...

17

Тамара

Сўзлаганида кўп такрорлайдигани – «майлида энди». Ўйчан, ҳиссиётли. Кулранг кийимларни ёқтиради, кумуш буюмлар жону дили, косметикани жини суймайди. Қошлари туғма бароқ – уларни юлиб туришни аллақачон бас қилган. Кўкраги чиройли. Кўп ўқийди. Айниқса Сагани, унинг китобларини қўлидан қўймайди: «сеҳргар Франсуаза» ўзига омад келтиради, дея ҳисоблайди. Тамара – оқ бадан, кавказликларга хос сертук, истарали қорамағиз аёл. Деярли ажин тушмаган, кўп юрганидан оёқ томирлари бўртиб, ясси пойабзалдан товонлари ёрилиб кетган. Сурункали чарчоқдан нолийди: «Бундай олганда, ишларим аввалгидек оғирмас. Менимча, ўнлаб йилдан бери йиғилиб қолган чарчоқ

энди юзага чиқаяпти. Майлида энди... Тақдирни қайтадан ёзиб бўлмаса...»

Бутун ёшлиги давомида бир вақтнинг ўзида уч жойда ишлаган. У оиласи – икки қизи ва кекса онасини боққан. Соат 9 дан 5 гача тўқув фабрикасида, кечки соат 6 дан 9 гача қандолат цехида ишлаган. Ярим тунгача туманнинг уч қаватли мактаби полини ювган. Эри бу орада ичкиликдан ўлган. У ёзувчи эди, Грузия Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Нодар Думбадзе ҳам унга қойил қолган. Битта китобини нашр эттирган, ҳали русчага таржима қилдиришга улгурмаганди. «Менга бундай эрни онам танлаган, у Резонинг ойиси билан дугона эди. Мажбурлаб узатган, 18 да эдим ўшанда. Ярим йил ўтиб ҳомиладор бўлдим, эгиз қиз туғдим... Тўғриси, Резони яхши кўрмасдим, у зикна, тушкунликдан азобланар, ота-онасидан пул сўраб юрарди. Ишлашни ёқтирмасди, «турмуш – илҳомни ўлдиради» дерди. Қайнонам ўлгач оч қолдик. Шундан ишга чиқа бошладим...» Резо эгизаклар туғилганидан тўрт йил ўтиб ўлди, ҳисоб бўйича қайсиям бир

иждий турғунлик даврининг чўққисида томирини кесди. Тамара у учун қайғуга ботмади: «Биласанми, қизгинам, ҳаёт – бир умрлик кураш эканини ҳис қилмайдиган кишилар ғашимга тегади. Сўнгги йўқ кураш. Якун – ўлим. Осмонда учиб яшаш мумкинми?! Ўзингни, яқинларингни боқиш, нимагадир интилиш кераклиги кундай равшан-ку! Бу мақсадлар учун кунда терлаб-пишиш лозим. Майлида энди... Ҳар ким ўз йўлини ўзи танлайди...»

Ҳозир Тамара 57 ёшда. Боплаб сўкинади, ўткир сигарета чекади. Оққўнгил аёл, соддадил, адолатга ишонади. Турклар бундайларни «суяксиз балиқ» дейишади. «Туғилганимда қаттиқ эмасдим, ҳаёт шунга мажбур қилди. Ким билан мулойим бўлиш мумкин? Савдогарлар биланми?! Улар билан тошдай метин бўлиш керак: товар топширдингни, умумий суммани ҳисоблаш, унча-мунча ўтиб бериш, пулини олиш керак – тамом! Нима бўлганда ҳам фойда кўради: арзон турк маҳсулоти устига уч баробар нарх қўйиб оми халққа ўтказишади. Майлида энди, Худо бор-ку...»

Тамара ўн беш йилдан бери Туркияга товар олиш учун қатнайди. Йилда икки марта автобус билан Истамбулга келади, бу едан ўртача сифатдаги кийим-кечак сотиб олади. Тбилиси ва Москвага элтади, у ердаги «нуқталар» эгаларига топширади: «Қаердан арзон олишни билсанг бас, фойдани тагида қоласан. Истамбулдаги иккита майда фабрика билан келишиб олганман. Улардан ёзги, кузги кийим-кечакни бинойидай нархга кўтара сотиб оламан. Жинсилар 4–5 доллар турса, олибсотарларга 10 доллардан топшираман. Шунда йўл харажатим қопланади, фойдага унча-мунча қоладиям...» Ҳозир Тамара бу бизнес билан ўзи учун шуғулланади. Илгари даромадни оиласини боқишга сарфларди. «Энди ўзимга сарфлаяпман. Ойимни кўмдим, қизларим узатилди. Икки хонали квартирада тинч яшаяпман. Таъмирлатдим, янги мебель сотиб олдим, набираларим таътилларида меҳмонга келишадди... Илгари бу ерга кўп келардим. Энди йилда икки марта келсам етади. Бу ерда боплаб ҳордиқ чиқараман, ҳам ишимни битираман, яна сен билан кўришаман...»

Тамара билан уч йилдан бери танишмиз. Лаълили яқинидаги қаҳвахонада учрашиб қолганмиз... Тамарани Жамол билан таништирганман, энди Истамбулга келса бизнинг мусофирхонага қўнади. Эрталаблари бирга нонушта қиламиз, кейин бозор айланамиз.

Тамара очик гапирадиган аёл, доим «замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» қабилида насиҳат қилади. «Сен чиройлисан, шунга яраша талабгорларинг ҳам кўп. Туркларга қолса-ку, бадбашара бўлсаям хотин бўлса бўлди-я. Айтгандай, сенинг Жамолинг менга кўз сузётгандек! Дарров попугини пасайтириб қўйдим... Майлида энди, аччиғим чиқмади. Пича айёрлигини айтмасанг, унча ёмонга ўхшамайди.»

У ёшлигини қандайдир ғаройиб тарзда хотирлайди.: «Мен ҳам ёш бўлганман, кийинчилик кўрганман. Аммо, ишонсанг, исловатхонада ишлаш сира хаёлимга келмаган. Биз, гуржи аёллари, эҳтимол, бошқача тарбия кўргандирмиз? Балки, ҳозир замона бошқачадир? Майлида энди, мен онангмасманки тергасам ё насиҳат ўқисам.

Битта нарсани аниқ биламан: бу илонзор сенинг жойингмас. Кучли бўл! Қўлингни қовуштира, уларни кесиб ташлашса ҳам... Ана шунда бари жойида бўлади».

Тамара иккинчи финжон турк қаҳвасини ичаркан кўзларимга синчиклаб тикилади. Мен жимгина бош ирғаб кокилимни силайман... Илонзор масаласида у ҳақ, аммо бундан қутилиб чиқишнинг иложи борми? Барибир у билан суҳбатдан сўнг бошқача келажак ҳақида умид пайдо бўлади.

...Умид ҳаётимда бир ҳафтагагина пайдо бўлади. Тамара ёнимда бўлган кунлари. У қайтиб кетгани заҳоти яна тушкунлик бошланади. Баъзан ҳеч кимга билдирмай у билан Тбилисига жўнаб кетишни, унинг қизлари билан танишишни, набиралари билан бирга ўтиришни шу қадар истайманки... Биз учун пуч орзулар худди уйқу олдидан болаларга айтиладиган эртакларга ўхшайди.

«Қўллaringни кесиб ташлашса ҳам уларни қовуштира...» Шундай ҳам бўлади.

Хаёл

Тошбақача сотиб олдим. Миттигина, саргимтил-жигарранг, кўзи бўртиқ, боши илонникига ўхшаган. Имиллаган, чиройли. Жуда арзон, 15 доллар атрофида экан... Доим жонивор асрашга қизиққандим, аммо онамда ит юнгига аллергия бўлган, кемирувчиларни отам таъқиқларди: «Бир ками уйда каламуш боқишинг қолувди», мушук деганлари эса бизникида яшаб кетолмасди – хасталаниб ўлишарди. Ася бувимнинг гапига қараганда уйда аквариум сақлаш ғирт таваккалчилик эди: «Балиқчалар кимгадир бахт келтиради, кимнидир эса бахтсизликка гирифтор қилади. Яхшиси, олов билан ўйнашмаган маъқул, неварагинам». Болалигимда акам борлигига қарамай ёлғизликдан қийналардим. Уйга бирор кучукча олиб келиш, ширинликлар билан сийлаш, мактабгача ва ундан кейин сайр қилдириш, уни қучиб уйкуга кетишни хоҳлардим. Аммо ойимни хафа қилишни ис-

тамасдим... Дарслардан қайтаётганимда дайди итларни сийлардим. Ойим портфелимга солган егулик бир оёғи чўлоқ шалопангқулоқ итга на-сиб қиларди. Оқ юнги учун, яна кўча чангига бо-тиб кетгани учун Оппоғой деб чақирардим уни.

Оппоғой жуда ҳуркак эди. Мен эса у кечала-ри кўчада ётишдан кўрққани учун шунақа деб ўйлардим. Кейинчалик билсам, Оппоғой элек-трик Даниланинг калтаклари туфайли одамлар-дан юрак олдириб қўйган экан. Эрта саҳарлаб у бечора итни аёвсиз калтаклаб, ўзида йиғилиб қолган аламини тўкиб оларкан. Хотини бит-та ўғилчасини олиб Даниладан қочиб кетган-ди. Шундан кейин эркак ақлини йўқотди... 8-синфга ўтгандим, Даниланинг мурдасини то-пишди. Бешафқат электрикни ток урган экан. Оппоғой учун ич-ичимдан суюндим: шундан кейин ит ўткинчилардан ҳадиксирамайдиган бўлди. Бир йилча ўтиб бешта кучук туғди. Энди Оппоғойимнинг бешта гноми бор эди...

Митти тошбақалар ҳақида «Хуррият» газе-тасида ўқиб қолгандим. Эртаси куни митти

тошбақа олиш учун ҳайвонот дўконига бордим. Сотувчи уларни Жанубий Қозоғистон ёки Эрондан келтиришларини таъкидларкан, бу тошбақа турини «рус тошбақаси» деб атади. Қизик, уларнинг Россияга қандай алоқаси бўлиши мумкин?.. Тошбақача учун кичкина аквариум, тагига тўшаш учун халтачада махсус қумтупроқ, сувдон ва лампочка сотиб олдим. Ҳаммасига 40 доллар тўлагач, ўзимда йўқ хурсанд бўлиб меҳмонхонага ошиқдим. Йўл бўйи унга исм танлаб, охири Хаёл (туркча – орзу) дея лақаб қўйдим. Чиройли ва маъноли. Хаёл чиндан ҳам ушалган орзум эди: ниҳоят тилсиз, меҳрибон жонивор ёнимда. Таъна қилмайди, сотмайди. Яхши-ёмон кунларда бирга бўламиз...

Ҳайвонот дўкони маслаҳатчисининг сўзларига ишонадиган бўлсам, Хаёл эндигина бир ойлик. У тошбақачани нималар билан боқиш, қандай шароитда асраш ҳақида маслаҳатлар берди. «Аквариум қуруқлик тошбақаси учун энг маъқул жой». Дўкондан қайтишда яшил салат барглари, ярим кило помидор, ёғи кам творог, турли кўкатлар ол-

дим, уларни майдалаб Хаёлга бераман. Қуруқ озуқалар керакмас – янгисидан есин.

Ҳозир Хаёл кафтимга сиғадиган бўлган. Бурун тешигини кериб дарров бармоқларимни ҳидлаб кўради. Ёруғ пайтлар ейди, кейин ухлайди. Бекасига ўхшаб у ҳам «бойўғли»... Ёнимда уйқуга кетади – уни аквариумдан олиб, шоколад конфетларидан бўшаган кичкина қутига соламан, кўчадан юлган майсалардан тўшайман. Хаёл «зангори кўрпа»га ўраниб олади, тинчланади. Баъзан «орзу»ни қутичасидан чиқариб, кўрпада пайдо бўлган чуқурчага ташлаб қўяман, бошини косасига тортмай уйқусини давом эттиради...

Агар қуёш чарақлаб турган бўлса, сайрга чиқамиз. Хиёбонда уни қўйиб юбораман, у назоратим остида майсалар оралаб ўрмалайди. Момоқаймоқлар олдида тўхтайди. Чамаси ўзи учун тансиқ озуқа топганга ўхшайди... Жамол ҳозирча буни билмайди, бундай митти жониворни пайқашиям гумон. Бўш аквариумни хонанинг ўзига хос безаги бўлса керак деб ўйлашади. Жамолнинг ўзи жониворларни ёқтирмайди. Бир

марта мушук асрамоқчи бўлганимда, хонанг-ни саситиб юборади, деб изн бермаган. Хаёлни пайқамаса керак, дея умид қиламан. Ростини айтганда, унинг фикрига тупуриб қўйганман. Тошбақача менинг Истамбулдаги воқелигим парчасига айланди. У учун курашаман. Шундоғам келажагимдан воз кечдим, ҳеч бўлмаса айна дамларимдан айиришларини истамайман.

19

Маъсуда

Фолбин – лаби устида жигарранг холи бор оқбадан аёл. Мовий кўз, ёруғ табассумли. Бўйни деярли кўринмайди, сочлари қаймоқранг дурра остига йиғилган, сичқон тусдаги енглари узун балахон кийган. Эски уйнинг кичкина хонасида мижоз қабул қилади. Кириш жойи олдидаги ҳовлича ориқ мушукларга тўла. Унинг хонаси оддий: деворлар оқланган, эшик олдида чўкиб қолган диван, дераза олдида оёқлари қийшайган журнал столчаси. Полнинг ўртасига тўшалган

эзғиланиб кетган гилам устига каттакон патир нондек япалоқ зарбоф ёстик ташлаб қўйилган. Унинг устида оёғини туркча қовуштириб фолбин хотин ўтиради...

У табассум билан кутиб олади, кузатиб қўяди. Мен фолбинларни бунчалик дўстона бўлишларини билмасдим. Пулгаям унча ўчмас: берганга ташаккур қилиб, бермаганга оқ йўл тилайди. Дашка иккимиз диванда ҳуркак мушуклардек ўтирибмиз. Бир-биримизга биқиниб олганмиз. Даша асабий киприк қоқади. Мен ромчига синков тикиламан. «Хуш келдингиз!» – у устига зангори ёпинчиқни ташлаб олади. Қуръонни очади, қандайдир оятни тиловат қилади. Номимни сўрайди. «Александра». Кейин онамнинг исмини. «Лидия». Фолбин бу номларни ўзгача талаффузда такрорлайди. «Бисмилохир Роҳманир Роҳийм... Лидиянинг қизи Александра...» кейин узоқ давом этган жимжитлик. Башорат кутаман. Даша ҳануз асабий киприк қоқади: кимлигимизни билиб қолса, дуойибад қилади-ёв... «Даш, тинчлан, – шивирлайман унга: – Истамбулдаги биз ўхшаганларнинг ярми

шу ерга келади. Биринчиси эмасмиз, охиргиси ҳам. Диққат билан эшит, эсингда тут. Эҳтимол, мен бирор нарсани англолмай қолишим ҳам мумкин...»

Деразадан фолбин устига аршнинг хушхабари каби қуёш нури тушиб турибди. У бирдан тилга киради. Мен арабчада тушунмайдиган сўзлар аралаш туркчалаб. *«Кўёшларни кўраянман. Ҳаёт дарахтинг йиғлаяпти. Улар қоп-қора ҳовузга томяпти. Сен унда яланғоч сузиб юрибсан. Ёнингда икки эркак. Улардан бири иблис. Кулранг кўзли. Унинг қўлида сенинг шарминг. Уни бутун оламга кўрсатади. Устингдан кулади...»* Даҳшатга тушаман. Шоша-пиша савол бераман. *«Экилган дарахтни кўчириб ўтқозиш бефойда. У аллақачон илдиз отиб бўлган. Кечки намоздан кейин эртага номаълум нарсани англаб етасан. Кўник.»* Бу қанақа алаҳсираш? «Яхши, тақдир яна кетимга тепадиганга ўхшайди. Ҳаётимда бирор яхши нарсани кўряпсанми?» – *«Вужудинг билан севасан. Тезда қалбинг билан севиб қоласан. Севганингдан кейин елкангга ўлим қузғуни қўнади. Қалбингни ўғирлашни истайди. Кураш, уни бериб*

қўйма. Жангни енгсанг – мукофот оласан.» Довди-
райман. Нега бунча жумбоқли гапиради? Сўнгги
саволимни тилга оламан деган пайтим фолбин
аёл ёпинчиқни кўтариб ташлайди ва Куръонни
ёпади, оёққа қалқади: «Қизгинам, келажакдаги
бахтинг учун бахтсизликлар билан ҳақ тўлайсан.
Бунга бошқа ҳеч нарса қўшолмайман. Аллоҳ
ёрлақасин». У хонани тарк этади, кўрқоқ Даша
ҳам унинг изидан қочиб чиқади. Мен ёстикқа ўн
доллар ташлаб, уларнинг ортидан чиқаман...

Мен Маъсуда ҳақида тез-тез фолбинга қат-
найдиган Жамолдан билиб олдим. «Бизники-
дай хатарли ишда уларнинг ёрдамисиз кийин.
Улар душманлар ҳамла қилмасидан бурун биз-
ни хабардор қилади. Маъсуда ўнлаб марта мени
қутқарган. Мана, қўшни кварталдаги Али катта-
гина қарз сўради. Мен рад этдим, у ғазабланди.
Кабинетимни тунаб, меҳмонхонага ўт қўймоқчи
бўлди. Маъсуда мени огоҳлантирди. Мен Али-
нинг олдига бориб, кўзлаган қабих ишларидан
хабардорлигимни айтдим. Агар мусофирхонам-
га ўт қўядиган бўлсанг, иккала қизингни ҳам

ўлдираман дедим. Али оғзини очганича писиб қолди».

Жамол менга кўп бор фолбинга боришни маслаҳат солган, аммо рад этгандим. Хаёлимга дарҳол бувимнинг гаплари келди – у тақводор эди, черковга қатнарни, қийин пайтлар авлиё ота билан маслаҳатлашарди. Мана шу бувим айтганди: фолбинлар тез ўлишади, элликка ҳам боришмайди, ҳар бир очган фоли умрини қисқартиради. «Келажакка қараш мумкинмас, аксинча айна дамингдан айриласан...» Фолдан кўрқиш менга абадий жойлашиб олганди. Катта синфларда ҳам дугоналарим Леранинг далаҳовлисига фол кўргани бормоқчи бўлганларида баҳона қилиб уйда қолардим...

Яқинда Босфор соҳилида ўтирганимда ҳаётим ҳақида хаёлга ботдим. Бошимда саволлар кўтарилди... Шу пайт Жамол кўнғироқ қилиб қолди: «Маъсуданикида бирор соат бўламан. Сен тезроқ меҳмонхонага қайт, еттиларга меҳмонларинг келади...» Жамолни тингларканман, ҳар бир сўзидан кейин «о`кей» дер, ичимда фолбинга борадиган кунни танлардим. Охири бир

қарорга келдим. Қизик, у нима деркин? Менинг келажагим эса – тамоман туманли...

...Маъсуда одам тақдирини Куръондан фол қилади. Илоҳий битик сатрлари орасидан сирли арабча жумлаларни кўради. Башоратлар моҳиятини илғаш, уларни бугунги воқеалар билан боғлаш керак. Жамолнинг айтишича, фақат товламачиларгина барини тўғридан-тўғри очик айтишади, чинакам фолбинлар эса асл исмларни камдан-кам тилга олиб, фақат биринчи ҳарфларни айтишади. Аммо ташқи кўринишларини аниқ таърифлашади. Тез-тез саналарда адашишади – юз бериш вақтинимас, воқеанинг ўзини башорат қилишади. Жамолга аёнроқ – у Истамбулдаги барча фолбинларга бориб кўрган. Гарчи тақводор турклар кўзига ромчилар иблис элчисидек кўринса-да, Туркияда уларга қизиқиш жуда баланд... Бу ерда Россиядагидек газеталарда фолбинлар ҳақидаги рекламаларни кўрмайсиз: бирор фолбиннинг иқтидори ёки товламачилиги ҳақида оғиздан-оғизга ўтувчи миш-мишлардангина билиб олиш

мумкин. Танишлар танишларидан, бу танишлар эса танишларининг қариндошларидан библиб олишади. Занжирнинг ўзгинаси. Менга осон бўлди: Жамолдан манзилини олдим, Дашани ёнимга қўшиб шаҳарнинг ғарбий томонига йўл солдим...

Барибир Маъсуданинг сўзларидан ҳаяжонга тушдим. Аввалига ишонмадим, аммо Жамолнинг бу жувондаги иқтидор ҳақида айтган гапларидан кейин ўйланиб қолдим: «...Кўзёшлар кўряпман. Ҳаёт дарахтинг йиғлаяпти. Қоп-қора ҳовузга томяпти. Сен унда яланғоч сузиб юрибсан. Ёнингда икки эркак. Улардан бири иблис...» Олдимда қандай бахтсизлик? Мижозлар оқимидан иблисни қандай фарқлай оламан? Қўйкўзлилар Туркияда тикилиб ётган бўлса. «...Жангни енгсанг – мукофот оласан...» Қанақа жанг? Ким билан? Ҳозир бу жумлаларни Кундалигимга ёзиб қўяман, маъносини англашга уринаман. Беҳуда. Ҳеч нарсани тушунмайман. Жангни, қора ҳовузни, иблис-эркакни кутишга тўғри келади. Мана сенга йўқ жойдан ташвиш! Маъсуда

олигарх эр ва «Феррарри» ёки Ниццадаги ҳовли ёхуд ҳеч бўлмаганда ўлимни башорат қилганида яхши эди. Мен жанг қилишдан чарчадим. Мукофотни ҳам истамайман...

20

...Алька олдимга келиб, «блютуз» орқали ўзиникидан менинг «Нокиам»га видеофайл ташлайди. Қандайдир бир жуфтлик Туркияда нозик видеони тасвирга олганга ўхшайди. Давомийлиги 2 дақиқаю 12 сония. Ҳажми 2.3 МБ. «Алекса, уч кундан бери буни сендан яшириб юрибмиз. Кўрсатишга қўрқдик. Барибир, билиб қўйганинг яхши... Ташвишланма, жоним! Бу ҳайвон эркаклардан яхшилик кутиш аҳмоқлик». Титраб кетдим. Дастлабки ўн беш сониясини томоша қиламан. Баданимга чумоли ўрмалагандек бўлади. Ошқозоним ғижимланади. Томоғим қуруқшайди. «Бу қаердан?!» – «Қизлар Интернетдан кўчириб олишибди». Вужудим бирдан оғирлашиб, уни бошқариб бўлмай қолди...

Менга уятмас, ўз ишимни бажарганман. Аммо қанчалар оғир! Бири курд, бошқаси ўзимиз томондан бўлган тўнғизлар мастлигимдан фойдаланиб қаршилигимга қарамай, «Ўзимиз учун оляпмиз» дейишганча, телефонда тасвирга олишиб, тармоққа ташлашган. Нима мақсадда? Хафа бўлишга ҳақим йўқ, шундоғам бизни ҳурмат қилишмайди. Одамлардан ниманиям кутардим? Қарсак чалишмасликлари, қойил қолмасликлари тайин... Аммо буни турк, немис ёки араб тасвирга туширмаган. Рус йигит. Ўз ватандошим. Буни маҳаллий кишилар тасвирга олса хафа бўлмасдим. Бунга нима учун керак? Алекса, бас қил, сенга қонун ҳақида гапиришни ким қўйибди?..

Алька кетгач ваннахонага қамалиб ёш боладай роса йиғладим. Ойимни қучгим, унинг қадрдон исига бурканган кўйлагига кўзёшимни тўкким келди... Тасвирни яна кўриб чиқдим. Ғазабим қўзиб телефонни деворга отдим. Аквариумидаги Хаёл ҳам чўчиб кетди. Одамлардан тамоман ҳафсалам пир бўлганди. Ўзимдан ҳам.

Алексага четдан қарадим, бир умрга ёмон кўриб кетдим...

Орадан бир неча кун ўтди. Ишимда давом этяпман. Қизлар ҳеч нарсани билмагандай тутишади ўзларини. Фақат мени клубда учратган ҳасадгўй Валягина коса таги нимкоса қабилида: «Жонгинам, жуда экранбопсан-да! Балки, Истамбулдан Голливудга ўтиб кетарсан, а?» – деди. Ароқни симирганча индамай ўтиб кетдим... Хафа бўлиш, изтиробга тушишни менга ким қўйибди. Истамбулдаги ҳар бир кун – пул. Агар мен пул келтиришдан тўхтасам, ҳаётимнинг шарқона китоби ёпилади...

Хотиранинг иммунитети бор – нимаки оғриқ берса, уни ўчириб ташлайди. Ролик билан боғлиқ гаплар тезда хотирамдан ғойиб бўлди. Бу ҳодисани Кундалигимга қайд этиб қўяман ва бари тамом... Бошқача бўлиши мумкинмас. Агар хотира бундай лавҳаларни тўплайверадиган бўлса, ўзингни осиб қўйишинг ҳеч гапмас. Хотиранинг иммунитети қанчалар кучли бўлмасин, бари қалбингда қолаверишига аминман. Унинг

юзасида оғриқ ювилмайдиган қора доғдек тура-
веради... Фолбин нима деганди? «Улардан бири
иблис... унинг қўлида сенинг шарминг... Уни бутун
дунёга кўрсатади...» Маъсуда ҳақ бўлиб чиқди!
Бу ҳолда олдинда «ўлим қузғуни» «қалбимни
ўғирлашни хоҳлаб турибди». Тақдир яна бир бор
мени ўз синовларига ташлаш арафасида.

21

Ўзан

Мен унинг ҳаётида биринчиси эканман. У эса
менинг ҳаётимда нечанчиси эканини ўзим ҳам
билмайман. Мен учун бари оддий, унга эса ми-
соли мўъжиза.

Ўзан 17 ёшда. Оёқ кафтлари катта, қора-
мағиздан келган ўспирин. Сочлари ҳўл тутувчи
гелдан ялтирайди. Лаблари юпқа, бурни бежи-
рим, меҳрли кўзлари ўйинқароқ тулкичаники-
дай. Қошлари пайваста. Қўллари бақувват, елка-
лари кенг. Футболни яхши кўради. Юзига эркак-
лик нуқси уриб қолган бўлса-да, болаларга ҳос

ёқимтойликни ҳалигача сақлаб қолган. Индамас, жиддий. У ғалати чекади – ҳар бир тортимдан кейин йўталиб олади. Никотинли «чойнак». Унинг ёнига келаман, дераза рафига ўтираман, бармоқлари орасидан сигаретани оламан. Кўриб қўй ва ўрган дегандек имо қиламан. Анчагина тортиб, тутунни бўлак-бўлак ҳолда чиқара бошлайман. Узан қойил қолиб қарсак чалади. Ажибгина, онасининг арзандаси.

У ҳафтасига икки марта мактабдаги охирги икки дарсдан қочиб келади. Икки соатлик эрк. Тўғрироғи, бир соату 45 дақиқа. 15 дақиқа кийиниши ва югуриб мактабга қайтишига кетади. Мактаб дарвозаси олдида ҳайдовчи Левент уни кутиб туради. Ўзан машинага худди мактабдан чиқиб келаётгандек яқинлашади. У нафақат оила ҳайдовчиси, шу билан бирга Ўзаннинг онаси – Беналнинг «Сотти»си. У яккаю-ягона ўғлининг ҳар бир қадамини назоратга олган. Онанинг қарори такрор кўриб чиқилмайди – «ҳукм қатъий, эътирозга ўрин йўқ!» Ўзаннинг айтишича, онаси унинг ким билан мулоқотда бўлишини ўзи танлайди: «Менинг ўртоқларим

орасида оддий оила боласи йўқ. Энг оддийлари профессорларнинг фарзандлари. Ойимнинг айтишича, бадавлатлар фақат бадавлатлар билан гаплашиши керак. Ўртаҳоллар ўртаҳоллар билан... Ҳасад бўлмаслиги учун». Бенал ўғлининг қизлар билан гаплашишига қарши эмас: «Қизлардан дўстларим онамнинг дугоналарининг қизлари – бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Бу қизлар ошкора намоз ўқишади, шу билан бирга ҳеч нарсадан ўзларини чеклашмайди. Нашаям чекишади, Интернетда кўнгил хушлашади». Ўзаннинг отаси – етакчи телеканаллардан бирининг бош продюссери. Унга ўғлимас, рейтинглар муҳим. Ишдан кейин тунгача кабинетида ўтирволиб навбатдаги ижтимоий сўров натижаларини ўрганади. Агар каналнинг рейтинги тушиб кетса, тинчланмоғи учун столдаги қоғозлар ёнида ароқ шишаси шай туради. Агар рейтинг ўсган бўлса, буни ювиш учун виски шишаси пайдо бўлади...

Ўзаннинг опаси бор – Гулшан. Бенал у билан гаплашмайди. Гулшан оиласига қарши бориб

шоу-бизнесга аралашиб кетган: қўшиқ айтади, икки диски чикди, машхур эркаклар журнаи учун ним-яланғоч суратга тушди, ярим йил машхур хонанда Мустафо Сандаи билан бирга яшади... Отаси хотинидан яширинча қизига ёрдам бериб туради. Бошқа каналларда айлантиради, пул билан таъминлайди, турлича ҳомийлик кўрсатади. Ойиси Ўзанга опасини эслашни ҳам таъқиқлаган. «Мактабда Гулшан ҳақида кўп сўрашади, ойим эса бошқаларга у билан қариндошлигимизни тан олишимни таъқиқлайди. Ёлғонлашга мажбур бўламан. Синфдошларим эса кулишади...» Ўзандан сўрайман: «Ойингдан қўрқасанми?» – «Қўрқмайман, ҳурмат қиламан. Унинг юраги чаток, асабийлашиш мумкинмас».

Ўзан катта синфдаги ўртоғи орқали мени топган: «У бизнинг мактабдаги кетворган бола! Мен билан дўст. Тўғрироғи, пулим бўлгани учун. Мен унга бирорта аёлни топиб беришни илтимос қилдим. У Жамол билан гаплашди».

Менга Ўзаннинг очиқлиги ёқади: унда ясамалик, серзардалик, манманлик йўқ. У билан танишганимдан бери Анна Курниковани ёмон кўриб қолдим. Болакайим уни рус қизларининг гўзаллик бўйича эталони деб ҳисоблар экан: «Бениҳоят гўзал. Россияда ҳамма қизлар шунақами?» Ғазабим кўзиганча заҳарханда қиламан: «Унданам чиройлилар бор. Масалан, мен!» – «Бунга шубҳа қилмайман. Сен ўзига хоссан. Айниқса, товонларинг бетакрор» – «Оддийгина товонлар. Пошналардан қийшайган» – «Йўқ... Улар худди ёстикчадек – юмшоқ, оппоқ». Мен қизарганча жойимдан туриб минералка қуяман.

Ўзан соатни кўриш учун қўл телефони қўлига олади. «Айтгандай, Аннанинг суратларини соткамга кўчириб олганман. Кўришни хоҳлайсанми?» – «Йў-ўқ, Ўзан! Уйда ёлғиз қолганингда томоша қиларсан. Мени тинч қўй». Нима бало, рашк қиляпманми? Унинг телефондаги соатга қараб қўйганини кўриб, ўйнашгим

келади. «Майли, кўрсак-кўраверамиз. Қани, очгин-чи!» – «Азизам, ҳадемай Левент мактаб дарвозасига етиб келади». Кўйлагини шоша-пиша кияди...

Мен Ўзан билан жон деб суҳбатлашиб ўтираман. Ўзанда ўсмирлик максимализими йўқ. Тинглашни, маслаҳат беришни билади. Шу билан бирга болаларга хос шумлиги ҳам бор... Орамиздаги катта ёш фарқи унчалар билинмайди. У мен каби лимонли чойни яхши кўради. Мен каби хўл ликопда таом емайди. Мен каби қора шоколадни жонидан ортиқ кўради, сутлисига қайрилиб ҳам қарамайди. Ёзда туғилганига қарамай, мен каби кузни сабрсизлик билан кутади. Буржимиз қарама-қарши. У – Саратон, мен – Ўқотар. У – Сув, мен – Олов. Аммо астрологик қарама-қаршилиikka тупурамиз – агар ёнадиган бўлсак, бирга ёнамиз...

Ўзан ошпаз бўлишни орзу қилади, аммо Бэкхемнинг оламшумул муваффақиятидан сўнг фикридан қайтди. Футболчилик шуҳрати унинг кўп йиллик орзусига айланди: «Тушимда ўзимни Дэвид билан бир майдонда ўйнаётганимни

кўраман. У менга тўп узатади. Зарба! Тўп учиб боради... Мана шу ерга келганида уйғониб кетаман! Қизиқ, мен гол уролдиммикан?» Жилмайганча унинг қулоғига шивирлайман: «Албатта, ургансан! Ўзингга ишон...!»

23

У ҳамёнидан пул чиқарган пайти хижиллигимни лоқайдлик ниқоби ортига яшираман. Тирноғимни эговча билан текислай бошлайман, тумбочкамни титкилашга тушаман, каравот остига кириб кетган шиппагимни қидираман. У лираларни ёстиқ устига қўйгач ҳамёнини рюкзагининг орқа чўнтагига тикиштиради. Ҳар гал келишилганидан ошиқча ташлайди. Меҳмоннинг мавқеидан қатъий назар, пулдан воз кечиш – ғирт аҳмоқгарчилик. Алекса учун у қадрли бўлиши мумкин, аммо Жамол учун ҳар қандай ҳолатда мижозлигича қолаверади. Ўзан орадаги инсоний муносабатлар учунмас, кўрсатилган хизмат учун тўлаяпти, дея ўзимни юпатаман. Аммо кеча барибир чидай олмадим, пулини

қайтариб бердим: «Менга сен билан бирга бўлиш ёқади, кейин сенга бўлган муносабатим пулга чақилиши ҳақидаги фикр менга ёқмайди».

Ўзан яқинимга келиб пешонамдан ўпди: *«Миянгни бундай тентакона фикрлар билан банд қилма. Бу шунчаки қоғоз. Бизнинг оила учун – майда чақа. Ойим дўконга кирса бундан ўн баравар кўп сарфлайди».*

Ўзаннынг пулларини шундоғича Жамолга тутқазаман, ўз улушимдан воз кечаман. Ҳомийим шубҳаланиб тикилади, сабабини сўрайди. «У ҳали бола-ку. Ҳеч нарсани эпллолмайди. Мендан хайрия деб ҳисобла». Жамол пулларни чўнтагига уради. Энди менинг виждоним тоза, Ўзандан пул олмадим.

* * *

У менинг ёлғизлигимни чинакам туйғулар ранг-баранглиги билан безайди. Йиллар бўйи чанг босган эски суратга 17 ёшли болакай жон ато қилди! Ўзан умидга тўла. Мен ҳам, гарчи ёлғон бўлса-да, ўз умидимга эга бўлишни ис-

тайман. Ёш юракнинг уришини тинглайман. Нега мен оддий аёл бўла олмадим? Нега ҳаётим бошқаларники каби эмас? Ҳаммасига тупуриб, болакайим билан дунёнинг у четига, бизни ҳеч ким танимайдиган жойга қочиб кетиб оддийгина ҳаёт кечиргим келади.

Ўзан ёнимдалигида ҳам тушга ўхшаш ширин хаёллардан қутилишим қийин. Воқелик худди ожиз ўлжага отилган оч шердек менга ташланади. Ўнгимда унга зарба бермоқчидек бўламан, аммо шу заҳоти ўзимни тутиб худди унинг сочларини силамоқчи бўлгандек иш тутаман. Ўзан хушёр тортади. У нималар рўй бераётганини англолмайди. Мени маст деб ўйласа керак. Шифтга боққанимда оппоқ сатҳда болалигимдаги манзара пайдо бўлади: мен – миттигина қизалоқ бувимнинг боғидаги қирмизи атиргулни узишга уринаман. Гул пояси бўйсинмас, тиканаклари бармоқларимни яралайди, мана қон оқди. Гулни узолмайман. Ноумидлик...

...Ёз келиши билан ёлғизликни теран англай

бошлайман. Тез-тез марказга чиқаман, одамларни кузатаман. Соҳилда кезаётган жуфтликка қарайман, гапларини сездирмай эшитаман. Ҳар ким севги саҳнасида қаҳрамон бўлгиси келармикин ёки битта менми? Ўзанни эслайман. Эҳтимол, унга сўнгги умид каби ёпишаётгандирман? Ўзаро дўстлигимиздан юксакроқ муносабатларни ясаётгандирман? Нима учун? Кимни алдамоқчиман? Ўзимними? Менга нима кўпроқ керак, севишми ёки сеvimли бўлмоқ? Қанақа аҳмоқгарчилик... Барига ўзим айбдорман. Бунга йўл қўймаслик керак эди...

...Ошқозон ярасидан қийналаётган бўлсам ҳам, аччиқ нарсаларни кўпроқ ейдиган бўлиб қолдим. Турк қаҳваси қон босимимни кўтаради. Ўзимга ўзим гўр ковлаяпман. Аммо бошқа чиқиш йўлини изламайман. Кўп нарсадан воз кечдим, энди Ўзандан ҳам воз кечишим қийинмас. Ёнимда бўлса етарли. Ортиғига умид қилмайман. Озодликни орзу қиладиган ҳайвонот боғидаги ҳайвон кабиман – у ҳеч қачон, ҳеч қачон келмайди...

Сарик рангли деворий тақвимдаги кунларнинг Ўзан билан ўтганларини кўк фломастерда айлана қилиб қўйганман. Кўк ранг мен учун бахт ранги бўлиб қолди, кўк фломастер ишлаб чиқарадиган корхонани сотиб олиб кўчаларда тарқатишга тайёрман. Ҳар кимга озгинадан бахт тегсин...

Унга аста-секин бемор бўляпман. Кўз ёш уммони тубига шўнғимоқдаман. Ошқозонимда нола чекаётган оғриқдан азобланаяпман. Ошқозонимга оғриқ қиряптими, демак севиб қолганман. Яқин-яқингача бу симптомни эсламай қўйгандим, охириги кунларда чеккан изтиробларим уни эсимга туширди. Қўрқинчли... Хаёлларим унинг изига тушган. У қаерда, нималар қияпти, қачон келади... Унинг ҳиди ўтириб қолган чойшабларни жавонга яшириб қўйганман. Кирхонага элтмайман. Бу чойшаб ва ёстиқ жилдини тез-тез қўлимга оламан. Ҳидлаб ўтган кунларнинг жозибали лаззатига шўнғийман. Ўзимнинг ширин болакайим... Унга

қўшилиб кетишни, унинг соясига, у нафас оладиган ҳавога айланишни истайман. Ўзаннинг қўлларини қўлимга олишни истайман. Мен у билан кечалари бирга чекканча ҳорғин Босфор устидаги юлдузли осмонни кузатишни истайман. Яна унга кабутарлардан романтик хабарлар етказишни истайман. «Ўзимнинг болакайим, сени кутяпман...»

Ишлаш енгил кўчмоқда. Энди бошқаларда Ўзанга хосликларни излайман. У мени смсларга кўмиб ташлади – уларни ёқтираман, яна нафратланаман ҳам. Бўлмағур хабарлардан менда уйғониши керак бўлмаган нарсалар бош кўтаради. Энди «Нокиа»мдаги хабар келганини билдирадиган қўш сигнални кутадиган бўлиб қолдим. **«Нега сени ўйлайдиган бўлиб қолдим? Нега сенга тўймайман? Алекса, ўзим бу ердан, кўнглим сендадир! Сени ўйламай туролмайман».** Ўқиб бедаво аҳмоқдек йиғлайвераман. Бармоғимни «Хабар йўқ қилинсин» клавиши устида тутганча ўқийман, аммо ўчирмайман. **«Кўзларим сени излайди. Мен ҳаводан сенинг**

исларингни излайман. Кўзларим кўзларингни излайди... Сенсиз кунларим кул босган гулхан. Наҳот, севиб қолдим?» Хабарларга жавоб қайтармайман, туйғуларга чўкиб кетишдан қўрқаман. **«Ҳозир ким билансан? Кимларга ўзингни баҳшида қияпсан? Кимни ўпаяпсан? Рашкдан қовриламан. Айнан шундай. Рашикми ни ўзимда тутишга мажбурман. Менинг сенга ҳаққим йўқ. Меники эмассан. Афзу эт».** У ҳақда Кундаликка ёзишим қийин. Туйғуларни қоғозга тушираркан, уларнинг аҳамиятини бўрттириб юбораман. Ҳиссиётлар... Унга бағишланган саҳифалар йиртилган ва ғижимланган – бир неча марта уларни йўқ қилиб ташламоқчи бўлдим, аммо нимадир тўхтатиб қоларди. Қайта елимлардим, ҳатто дазмоллардим. Нималар қияпман?

Мабодо биз кабилар севиб қолса, ўзини муқаррар оғир жазога маҳкум қилади. Боз устига бегона юртда, мусофирчиликда. Ҳушёр фикрлаш керак. Ўзан – бола. Ўзан онгига қулоқ солмайди. Алекса, сен эса бола эмассан. Ҳисларингни

кўрсатишни эсингдан ҳам чиқариб юборгансан. Ўзинг бу муносабатни тўхтатишинг шарт. Эшитдингми, ўзинг!

...Босфорга чошиб келаман. Ўриндиққа ўтираман. Кўзёшсиз йиғлайман, жим бақираман. Сўзсиз ҳикоя қиламан. Босфор, қутқар, севмасликни ўргат, юрагимни юлиб ол, токи ҳис қилмай! Ўзан ҳақида ўйламасликни истамайман. Мен ўйламаслигим керак... Босфор чаппа қарайди. Айт, бирор нарса де, жим турма! Агар мен Ўзан билан боғлансам, жуда кўп нарсадан айриламан.... Истамбулдан, Хаёлдан, сендан, сенинг қушларингдан. Босфор қовоғини солади: «Алекса, севмасликни ўрганиб бўлмайди. Тушун.» – «Аммо ҳар қандай вазиятдан чиқишнинг иложи бор!» – «Севги – вазият эмас. Севги – мукофот. Ундан воз кечилмайди. Қабул қил, фахрлан ва ишон!» Босфор, кимлигимни унутдингми? Мен – мусулмон мамлакатада ҳеч кимга кераксиз рус қизиман. Нолегал, қочоқ, пулга сотиладиган. Бундай севги менга азоблардан бошқа нима беради? Агар Ўзаннинг оиласи билиб қолса, мени

осонлик билан йўқ қилиб ташлашади... Босфор тинчланади. Ёрдам йўқ.

«Севги – вазиятмас. Севги – мукофот.» Булар нимани ифодалайди?...

25

Эрталаблари кўтаринки кайфиятда уйғонаман. Қовоқларимга кўрғошин қадоқтошлар осилмаган, кўзларим остидаги халтачалар йўқолди, ланжлик ва уйқусирашлар ғойиб бўлди. Кечаги кун қандай кечган бўлмасин, янги кунга қувонаман. Юрак севги шуъласига ювинади. Бу туйғунинг ибтидоий чиройини асраб қолиш учун уни ботинимга яшириб қўйдим. У ўша ерда, муҳофазада бўла қолсин. Ташқарига чиқарсам, барчасини вайрон қиламан.

Аввалгидек иззатимни билиб юрибман. Тақдирга тан бериб ўзимга Ўзанни севишга изн бердим. Ўзан жавоб туйғуни кутиш билан азобланмоқда, аммо мен ўзимни тутиб турибман. Ўзан мендан «сени яхши кўраман»ни

эшитмайди. Шундай бўлса иккимизгаям яхши бўлади... Аммо нигоҳимдаги «севаман»ни кўра оладими?..

Оч қоринга миср бозоридаги араб аёлдан сотиб олинган хризантема гулбарглари, лайм барглари, лаванда, чабрец ва ванил қўзоғи ара-лашмасидан дамланган чой ичаман. Савдо-гар кунига икки маҳал ичишни тавсия қилди: «Ланжликни даволайди, дадил қилади жасур-ликка тўлдиради, ишонч бахш этади, қора куч-лардан халос этади. Араб мамлакатларида ке-линчаклар биринчи никоҳ кечасидан кейин саҳарлаб ичишади: оилавий ҳаёт арафасида қизлик қўрқинчларини ҳайдайди». Ичимлик-нинг мазасига гап йўқ, яна янги қувват қуйилиб келаётганини ҳис қиламан...

Кеча кечгача дўконлар айландим. Яширган жойимдан ўнта юзталиқни чиқариб, ўзимни хур-санд қилишга аҳд қилдим. Дастлаб косметика дўконига кирдим: иккита янги лаб бўёқ, тирноқ учун лак: ложувард, кумушранг, қаймоқранг, қирмизи, беҳитус ва олуранг... У ердан чопиб арзонроқ бутикка ўтдим. Турк тикув фабрика-

ларининг турли либослари. Истамбулда хориж либосларини сотиб олиш аҳмоқлик, туркларнинг ўзи сифатли, арзон, урфдаги кийим-кечак тикишади. Ажабтовур кийимларни танладим: қизилча тусидаги майка, икки жуфт замш туфли, эластик пахтадан сиёҳранг юбка, крепдешин олуранг кўйлак. Кузда кийгани ангор жунидан тўқ-зарғалдоқ берет. Ботинкаларни ҳам чамаладим, аммо пулим етмади...

Меҳмонхонага қайтишда қаҳвахонага кирдим. Харидларим солинган қоғоз пакетларни кичкина столча атрофига териб қўйдим. Анбар-жасминли чой, пудинг, ёнғоқ қўшилган ўрик мураббо буюртма қилдим. Буюртмам келгунча катта ойналар ортидан ўтаётган одамлар оқимини кузатдим: турли қиёфалар, турли тақдирлар, турлича таъминот, турлича қарашлар. Нега барча одамлар бирдан бахтли бўла олишмайди? Нега барча кишилар дарҳол севгисини топмайди? Официант буюртмани олиб келиб столчага теради: «Ош бўлсин!» Жилмаяман, қўл телефонимни олиб Ўзанга биринчи хабаримни тераман: «Кўзларимга боқ.

Тилаганингни улардан топасан... Ўзингни асра. Кўришамиз. А. Айтгандай, хабарни ўчириб ташлашни унутма». «Хабар жўнатилди». Чой қайноқ ва хушбўй. Сопол пиёладаги мураббони тотиб кўрдим – беқиёс! Зўр кун бўлди.

* * *

У билан қўл тутишиб балоғатга қадам қўяман. Катталар ҳаёти озодлигининг биринчи куни-ни баҳам кўраман. 12 июль куни Ўзан 18 ёшга тўлади. Мени яна севгига ишонишга мажбур қилган болақайимнинг туғилган куни. Бу куни унга ўзимни тамомила бахшида этаман – Жамолдан ўша кунни тўлиғича ўз-ўзимга сотиб оламан. Бу катта пул туради. Ҳомийим хурсанд бўлади. Бундай кунлар у фақат омаддан дарак берадиган мунажжимлар башоратига ишона бошлайди: Алексанинг мижозларини кузатиш, савдолашиш, «янги чойшаблар» учун чойчақа тиланишга ҳожат йўқ... Ҳозирча бундай тарихий кунни қаерда ўтказишимизни билмайман. Ол-

динда яна ўйлаб олиш учун беш кун бор. Битта нарсани аниқ: уни биргаликда ўтказамиз. 12 июль куни Ўзаннынг ота-онаси жиянларининг тўйи учун Анқарага кетишади. Шу сабабли оилавий тадбирни 11 июлга қўчиришган. Шундай экан, 12 июль, душанба куни Ўзан иккимиз кичкина байрамимизни бирга нишонлаймиз. Тўғри, 11 июль кунига чекимга золим оқшом тушган, миршаблар бўлинмаси бошлиғи ўринбосари билан тунни ўтказишим керак. Аммо бу ҳақда ўйлашни истамайман – ахир, эртаси куни болакайим билан бирга бўламан...

...Совғани кўз остимга олиб қўйганман: бир спорт дўконида Дэвиднинг ҳақиқий дастхати туширилган футбол тўпи борлигини билиб қолдим. Сотувчининг гапига кўра, Бэхемнинг фанати ўз тўпини савдога қўйган. У Лондонда собиқ кумирга дастхат қўйдириб олган экан. Тўп учун икки минг доллар сўрапти. Мен нархни 1500 гача туширдим. Сотувчи мижозларимдан бири бўлиб чиқди... Қўл телефоним 12 июлга ўтадиган тунда огоҳлантириши учун вақтни созлаб қўйдим.

Худди унутиб қўйишим мумкиндай! Ўзаннинг туғилган куни юрагимга ўйиб ёзилган...

26

Кеча Ўзан гултувак кўтариб келди. Ўртача катталиқда, шарқона нақшлар солинган. Дераза рафига қўйди. Қуёш нурлари шу заҳоти унда кўкариб турган нотаниш ниҳолнинг зангори-сиёхранг баргларини эркалай бошлади. Хонам шу дамдаёқ қандайдир ўткирроқ, жуда таниш хушбўйга тўла бошлади. «Ўзан, – дедим унга, – хонамда энди мана шу ўсимлик етмай турганди. Гулни ўстиргандан тайёрини сотиб олган яхшироқ.» Болакайим қўлидаги қумни қоқиб, креслога ўтирганча чуқур хўрсинди. Қўлларини узатди. Мен ҳам қўл чўздим. «Азизам, хато ўйлаяпсан. Бу ўсимликмас. Бу ҳақиқий муҳаббат тумори.» – «Ўзан, мени қўрқитма, одамдай тушунтир...» Кулади: «Қачондан бери оддий райхондан қўрқадиган бўлиб қолдинг?»

Бу хиднинг танишлиги шундан экан-да!

Райҳонни яхши кўраман. Тўғри, Истамбулда уни топиш қийин, кўпинча қуритилгани сотилади... Бундай ширин майсани хонада ўстиришнинг нима кераги бор? Салатлар учунми? Ўзан хаёлимдан кечганни ўқиётгандай: «Биринчидан хушбўйи димоғингни эркалайди. Зангорисидан кўра сиёхрангги майинроқ ҳид таратади. Иккинчидан, бу ўсимлик туфайли сен мени севиб қоласан дея умид қиламан». «Қанақасига?» – «Шарқда эркак аёлга тувакда ўстирилган райҳон совға қилса, уни севиб қолади деган ирим бор». Мен ҳатто қизариб кетдим. Шу тобда болакайимга ачиниб кетдим. Унга «сени севаман» деб айтолмайман, шундай бўлиши керак. «Болакай, наҳотки шунга ишонасан?.. Мен сени қадрлайман, сен билан бахтлиман, булар етмайдими?» – «Алекса, мени севишингни истайман, яхши муносабатларнинг ўзи кифоя қилмайди... Бунинг устига, райҳонни етарлича баҳоламаяпсан. Унинг сеҳрли хислатлари ҳақида Каппадокияда яшайдиган пазанда ва ромчи Ойну́р бувим гапириб берган. Мен ҳар ёзни уникида ўтказардим. Бувим билан фол очиш учун

райҳон ўстирардик. Айни ҳидга тўлган гуллаш арафасида кесиб олардик, уруғларини шойи халтачаларга йиғиб қўярдик...»

Ўзан Ойнур бувисининг ромчилик иқтидорини хотирларкан, мен ҳар эҳтимолга қарши унинг «райҳонли» фолчилик усулларини эслаб қолардим. «Ён-атрофдаги ёш севишганлар муносабатлари келажагини текширтириб олиш учун бувимнинг олдида келишарди. Ойнур бувим иккита янги райҳон япроғини чўғ устига қўярди. Агар улар қўйилган жойида қовжираганча кулга айланса, икки севишганнинг муносабатлари юқоридан ҳам қўллаб турилади. Агар барглар жойидан учиб тушса, уларнинг муносабатларига дарз тушади». Райҳоннинг илоҳий кучи шарофати билан Ўзаннынг бувиси бўлғуси ёш келинчакларга ортиқча вазндан қутилишларига ёрдам берарди: «Семизларнинг оналарига фенхел дамламаси сепилган райҳон барглари берарди. Уйга қайтгач, қизининг таоми солинган коса тагига яширинча баргнинг биттасини қўяди. Кўҳна иримларга кўра, тагига райҳон барги яширилган ликопадан одам сира

овқатлана олмас экан – иштаҳаси йўқоларкан. Бувим яна шуни такрорлардики, унинг барглари чўнтагида олиб юрадиган одамга бойлик келаркан». Мен нафас ютганча Ўзанни тинглардим, яхши англолмай қолган жойларимни қайта сўраб-суриштирдим, уни қандай ва қанча суғоришни сўрдим. Ҳисоб-китобимга кўра, сентябрь охиригача у анчагина ўсиши керак эди. Шундай экан, Ўзан иккимиз учун албатта фол очиб кўраман. Балки, шу баҳонада бир-икки кило вазн ташларман...

* * *

У кетаётганида ҳамиша орқасидан қараб қоламан. Худди хўжайинини кузатиб қўяётган вафодор итдай. Ўз устимдан куламан: 17 ёшли ўсмирга ошиғу шайдо бўлиб қолганимни қара! Қанча-қанча эркакни қўлдан ўтказиб, соддадил мактаб ўқувчисини танлаб ўтирибман. Ўзан мендан ўнлаб километр олисда бўлган пайтидаям худди ёнимдагидек туюлади. Энсамда унинг иссиқ нафасини ҳис қиламан. У эса бирга бўлмаган кунларимиз юрак дукуримни эшитиб

тургандек бўларкан. Биз боғланиб қолганмиз – бу узоққа чўзилармикин? «Алекса, кун ўтган сари сени кучлироқ ҳис қиляпман. Кеча математика дарсида, бир ўзим ўтирган бўлсам ҳам, сени ёнимда ҳис қилиб дарсни умуман тингламабман. Қўнғироқ товушигина ўзимга келтирди. Бу қандайдир сеҳрли...» Куламан: «Балки, тенгламани бошқа бир нарса билан алмаштириб қўйгандирсан?» Бурним учидан ўпади: «Сени ҳаётимдан ҳам ортиқ кўраман. Сен-чи?» – «Барини ўзинг яхши биласан, азизим». Ўзан айтганида туриб олади: «Йўқ!!! Мен ҳам сени севаман, дегин» Мен эса севгимни сўзлар биланмас, ҳаракатларим билан ифодалашга ўтаман...

27

Эминён кварталидаги паромлар пристани бўйлаб сайр қилиб юрибман, осмон сатҳига баллончадан сиқиб чиқарилган қаймоқдек булутларни кузатаман. Соат 13:07. Тушлик маҳали Истамбул бамисоли ари уяси – сершовқин, серҳаракат. Одамлар шошганча гавжум қаҳва-

хоналарга югуришади, Босфор қўшиғи идишлар шовқинига қўшилиб кетади. Истамбулнинг оҳангини севаман: қаттиққўллигига қарамай, у майинлик ва кўнгилчанликка ҳам эга. Унда Москванинг дағал ҳаракати йўқ...

Очиқдим. Одам тўла муассаларда қорин тўйдириш кўнгилга ўтирмайди, яхшиси кўчанинг ўзида тановул қила қоламан. Нигоҳим қизил-сарик павилъончада тўхтайди: у ерда ўткинчилар кўзи олдида Босфордан балиқ овлаб ажойиб таом тайёрлашади – тозалашади, тагида чўғ лангиллаб турган манқалда кабоб қилишади. Балиқни юмшоқ нон устига қўйиб, ёнини салат барглари, помидор тиликлари, ширин пиёз ҳалқалари билан безашади, сумак ёки лимон шарбати сепишади – умммм!

Ўриндиққа ўтириб туркча фаст-фуддан роҳатланаман, ҳам бир кўзли малла мушукни сийлайман. У баланд товушда миёвлайди, нонга қарамай тутун иси урган балиқ бўлагини талаб қилади. Бўлишаман. Кўча мушуклари шунақа мулойим, ташландиқ, мажбурликдан таъмагир. Жинсимнинг орқа чўнтагидаги

телефоним зинғиллаб қолди – хабар келди. Бармоқларим учини ялаб, қўлсочик билан кафтимдаги помидор шарбатини артиб телефонни оламан. Ўзандан. **«Сан атайлаб мана азап берюرمىсан? Маним қийнашим сана ёқаюрми? Санин ҳаёсиз видеонгни кўрдим... Сен бундан фахр этармисан? Алекса, ўзингни ўзинг шармисор қиялпсан. Сени кўришга кўзим йўқ».** Бошқача муносабат кутмагандим. Суйгани иштирокидаги ифлос тасвири кўрган эркак яна қандай фикр билдириши мумкин?..

Кеча, Ўзан душда ювинаётган маҳал телефонига ўша тасвирларни ташлаб қўйгандим. Оқибати қандай бўлишидан қатъий назар, қўлимдаги қарталарни ўзим очиб ташлагандим. Уни Ўзанга бошқалар кўрсатганидан кўра, ўзим билдирганим яхши. Яшириш беҳуда. Қора оқдан кўра тез кўзга ташланади. Болакайнинг олдида очик бўлишим керак. Мени фақат ўзигагина тегишли эмаслигимни кўриб қўйсин. Бир куни шундай ёзганди: «сен – меникимас, сен – хамманики». Энди у бунга юз фоиз амин бўлди.

Юзим ўзгармадию, ичимни оғриқ эзди. Босфор – оғриқларимнинг ягона гувоҳи.

Хабарга жавоб жўнатмадим. Жавоб қандай бўлиши мумкин? Узр сўрашми? «Сени севаман» деб ёзайми? Кулгили. Баъзан айрим саволларга жавоб бермаган маъқул. Айрим саволларнинг жавоби эса олдиндан маълум... Телефонимни сумкага ташлайман. Мушук ҳалигача ёнимда. Менинг эса иштаҳам йўқолди – егуликнинг қолганини унга бераман: «Тўппа-тўғри, гўзалим. Қорнинг тўйиб кетган бўлсаям, ортиқчаси зарар қилмайди, ахир ҳаёт бир кунликмас. Биласанми, сенга ҳавасим келади: ҳужжатсиз ҳам кунингни кўраверасан, севиш таъқиқланмаган, пул топишнинг кераги йўқ. Бу ерликлар сиз мушукларга ҳурмат билан қарашади, бир маҳаллар сизларнинг бирингиз пайғамбарнинг ҳаётини сақлаб қолгансиз. Омадингиз келган. Қўшиқда нима дейиларди, кейинги ҳаётимда аниқ мушук бўламан...» Ҳамсухбатим тиззамга сакраб чиқади, худди хафа бўлма, сенинг кўчангдаям байрам бўлар, дегандек бўйнимдан ялайди. Байрамни нега кутиш керак?..»

Яна телефоним ғинғиллаб қолади. Ўзандан яна смс: **«Нима учун жавоб бермайсан? Нега бундай қилганингни тушунтир? Буларни кўришимга нега мажбур қилдинг? Ҳеч қачон сендан уялмаганман. Сени қалбим, вужудим билан севаман... Сендан бирор нарсани талаб қилишга ҳақим йўқ, узр. Хабарларимга жавоб беришингниям. Сен – меники эмас. Бугун бунини тўлиқ тушундим»**. Яна жавоб қайтармайман. У воқеликни англаши, танлов қилиши учун вақт керак. Бу билан мен Ўзандан воз кечмайман, у билан бирга бўлиш истагимни қатъийлаштираман. Ёлғонлар ғорига биқинмай, ҳақиқатнинг очиқ осмони остида бирга бўлмоқ учун...

Сигарет чекиб олгач, мушук билан хайрлашаман. Мендан ажралган мушук шу заҳоти пахтақанд еб ўтирган қизалоқнинг кучоғидан жой олади. Бароқвой ширинлик билан меҳмон қилишларини истайди... Меҳмонхонагача автобусда етиб оламан. Соат 15:12. Душга тушиб кечки 6 гача ҳордиқ чиқаришим керак. Мана, Ўзандан учинчи хабар келди: **«Нега сендан воз кечолмайман? Нега унутолмайман?»** Бу сафар

жавоб йўллашга қарор қилдим: *«Нимани унутишни истасак, ўшандан қутулолмаймиз... Мени тушун... севгилим».*

28

Тушкунлик кунлари мен ранг-баранг идишлар оламига тушаман. Ёпишқоқ изтироблардан ясси лycopлар, қориндор кружкалар, пакана қаҳва финжонлари, оғир салат идишлари ортига беркинаман. Тушкун кайфият билан уйғонган тонгимда шу захоти йўлга отланаман. Юзимни мойчечакли муз бўлаги билан ишқалаб, тартибсиз сочларимни йиғганча тўғноғич-тароққа михлайман, майка ва едирилган жинсимни кияман, оёғимга енгил шиппакни илиб мусофирхонадан отилиб чиқаман. Бундай пайтлар ташқи кўринишимга парво қилмайман. Муҳими тушкунликдан қутулиш. Унинг кучайишига йўл қўймаслик. Ишчанлигимни сақлаганча, ўзимни асраш... Шундай пайтлар ҳамиша ғаройиб идишлар камтарона нархда сотилувчи дўкончага бораман. Сочлари калтагина татар аёл Роза у ерда

сотувчилик қилади. Ёзда Туркияда ишлайди, совуқ тушиши билан мактабда ўқийдиган икки қизи ва кекса онасининг ёнига, Бокуга қайтади. Розага қойил қоламан – у ўзининг машаққатли ҳаётини ирода билан ўтаяпти... Мен-чи? Ҳар ҳолда, ҳамманинг ўз йўли бор.

Чинни ва сопол буюмлар орасида нақ уч соат вақт ўтказаман. Симпсонлар оиласи аъзоларининг сариқ юзлари тасвирланган кружкалар, неон шишадан ясалган кулдонларни томоша қиламан, дағал тупроқдан ясалган ғаройиб косаларнинг ғадир-будур ёнларини силайман. Роза янги маҳсулотларни кўрсатади: япон услубидаги сакура гуллари туширилган қаҳва сервиси ва қўлида футбол тўпи тутиб олган бола шаклидаги туздон. Уни кўрган заҳотим кўзларим ёшга тўлади. Ўзан! Соф нигоҳ, кучли қўллар, майин овоз, ширин энтикиш, ўсмирона самимият – о, қанчалар соғиняпман... Бошимни эгиб бошқа бўлимга ўтиб кетаман. Эсанкираб қолган Роза кассага қайтади. Қўл телефонимдаги тақвимни очаман – болакайимнинг туғилган кунига ҳали

уч кун бор. Наҳот, у балоғатга етган кунни айрилиқда ўтказсак?..

Кечадан бери Ўзан бирорта хабар жўнатгани йўқ. Ишонгим келмайди. Қўл телефонимнинг соз-носозлигини текшириш учун Turkcellга қўнғироқ қилдим. Эҳтимол, техник носозликлар туфайли хабарлари етиб келмаётгандир? Оператор қиз телефоним ва тармоқда узилишлар йўқлигини айтди. Демак, менинг болакайим йўлини танлаган. Алексадан воз кечган... Мен аҳмоқ эса бошқача якунга ишониб ўтирибман... Роза менга кружка ва ўша туздонни ўраб беради. 9 доллар тўлаб дўкондан чиқиб кетаман. Ортга қайтишда шампан шароби сотиб оламан. Мағлубиятни ҳам нишонласа бўлади.

Қўл телефонимдаги Ўзаннинг хабарлари солинган жилдни ўчириб ташлайман, унинг рақами, туғилган куни ҳақидаги эслатмани ҳам. Унутишни истайман. Биринчи мартамас бу... Ваннахонадаги туз ўрамига шундай ёзилган: «Табиий туз ўз минераллари билан терингизни авайлаб парваришлайди, чарчоқдан халос этади, Ўлик денгиз қуввати билан тўйинтиради».

Юрак изтиробларидан халос этадиган тузни қаердан олиш мумкин? Сувга бошим билан кўмиламан. Оғзимдан чиққан ҳаво тепага интилади. Ёйилган сочларим худди сув ўтларидек оқ-мовийликда қалқийди. Сув остида жоним борича қичқираман. Томоғимда ўкинч ўрмалайди, ўпкамни ҳаво тарк этади. Қалқиб чиқиб йиғлаб юбораман...

Шампан совиб бўлди. Ваннахонага терлаган яшил шиша ва бокал билан қайтаман: зарҳал ичимликни қуяман. Ошиқча кўпиклар кўлимдан кафелга оқиб тушади. «Алекса, табриклайман! Эски ҳаётингда янги мағлубиятинг муборак...» Дастлаб бокалдан ичаман, кейин шиша бўғзидан. Ўзимни қўлга ололмайман: оғир йўқотиш ва бунга ўзим, лаънати аҳмоқ, айбдорман! Хотираларга чидаб бўлмайди: кулупнайдек бўсалар. Унинг лабларидан учган илк иқрорлар. Вужудидан таралган хушбўй. Ойнур бувиси ҳақидаги ҳикоялари. Дераза рафидаги райҳон. Энди бизнинг бир лаҳзалик ишқ ҳикоямизни, бизнинг «долче вита»мизни унутиш зарур. Бир нар-

са қийнайди – харид қилинган футбол тўпини нима қиламан?..

Хотираларнинг алкоголь билан қоришмаси эҳтирос уйғотади... Алвидо, Ўзан. Хайр, менинг долче витам...

29

...Ўзансиз ўтган 34 соат. Бутун бир абадият. Ичим совиб кетган, шамолли. Кўрпага ўранаман, игнали қор бўрондан яширинаман. Об-ҳавони эшитдим: ташқарида +32. Мен эса совуқдан қақшаяпман... Хаёл тунда ёнимдаги ёстикда ухлади – аквариумдан менинг изтиробларимни кузатишни рад қилди, олд панжаларидаги тирноқлар билан аквариумни тирнаганча озодликка интилди. Ўзансиз соатларнинг барида у мен билан ёнма-ён бўлди. Овқатланишдан бош тортди.

...34 соат Ўзансиз. Ёзнинг ёрқин мавсуми кўзим олдида хиралашди. Гардеробни очиб кайфиятимни кўтариш учун найкамалак тусидаги майкаларимни ахтардим. Буюмлар жойида,

аммо улар тусини йўқотиб қўйгандек. Райҳонга сув қуйдим, у ҳам тусини ўзгартирган, ранги қорага айланган. Деразадан қуёшга қарадим – у оқариб кетган. Ҳаётим оқ-қора сувратга тўла семиз фотоальбомга ўхшаб қолган. Ҳаммаси бир хил, зерикарли ва фарқсиз...

...Ўзансиз 34 соат. Бир қўрқинчли тушки, ундан уйғониб бўлмас. Бир маҳаллар ажойиб бўлган Морфейнинг салтанати қоронғу, ерости оламига айланди. Ифлос, ботқоқли, улкан каламушлар босган дунёга. Уйқуга кетарканман, шундай даҳшатли ер ости оламига кўчиб ўтаман, зах ва чалкаш ғорларда қўрқувдан терга ботганча, негадир оёқяланг дайдийман. Оёқларимга очофат зулуклар ёпишади, елкамда тукли қўнғизлар ўрмалайди, томоғимга қандайдир тубан, аччиқ нарсалар кўтарилиб келади. Тушимда Ўзан, Ҳаёл ва Босфор макон этган Истамбулга йўл ахтарардим... Ғалати: воқеликка чиқадиган йўлни топишга бўлган ишонч мени тарк этмасди. Уни излаб топаман...

...Ўзансиз 34 соат. Кўз ёшларсиз. Оғриқни пинҳон тутаман – Жамол ҳеч нарсадан шубҳа-

ланмаслиги керак, йўқса Истамбулдан ҳам жудо бўламан. Ўзандан кейин яна Истамбулни йўқотиш... Худо асрасин! Кундалигимнинг охириги ўн саҳифасини қайта ўқиб чиқдим. Битиклар Ўзаннинг муҳаббатига лиммо-лим – ўқиб енгиллашавераман. Болакай билан видолашаман. Унга хат ёзмоқчи бўлдим. Қисқагина. Смс ёзишим ҳам мумкин. Тортиқ қилган севгиси учун, ниҳоят, севгимга иқрор бўлиш учун. Аммо бу жуда маънисиз. Қандайдир чучмал. Бу иқрорни, яхшиси, ичимда сақлайман...

... Ўзансиз 34 соат кутилмаганда, бирдан узилиб қолди. Менинг қийноқларимга смс нуқта қўйди. Қўшсигнални эшитиб қулоғимга ишонмадим. Бирор навбатдаги реклама хабари бўлса керак деб ўйладим. Янглишибман! У қайтибди! Мени бахт тўлқини кўмиб юборди – ва барча ранглар ўз жойига қайтди...

Меҳмонхонага эзилган ҳолатда қайтаётгандим, сумкамдаги телефонимнинг таниш сигнаolini эшитдим. Ҳайрон бўлдим. Қотиб қолдим.

**«Бошингни кўтар. Олдинга қара... Мен шу ер-
даман...»** Смс Ўзаннинг рақамидан келганди. Аммо олдинда ўткинчилардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Балки, Ўзаннинг ўртоқларидан бирор-таси ҳазиллашмоқчи бўлгандир? Йўлда давом этаман – яна хабар: **«Сени дунёда ҳаммадан кўпроқ севаман. Кимга тегишли эканинг менга муҳиммас. Сени ҳар кимдан тортиб оламан... Ўпаман.»** Рақамларни яна бир бор текшириб олдим – ҳа, аниқ Ўзанники. Ёзиш услуби ҳам уники – кўпнуқталардан билса бўлади. Болакайим қайтдимми? Омад бунақа келиши мумкинмас. Телефон яна пишиллади, яна хабар: **«Сен – менинг қуёшимсан. Ҳеч ким қуёшсиз яшолмайди... Айниқса, бу қуёшни севиб қолган бўлса... Сен шундоққина ёнимдасан».** Довдираганча алангладим. Ўзан, қаердасан? Унга қўнғироқ қиламан, аксига олиб сим-картанинг пули тугабди. Нима қилиш керак? Бақариш керак. Ўзан қайдадир ёнимда, қаттиқроқ қичқириб чақариш керак уни. Жамолнинг эшитиб қолиши аҳамиятсиз. Энди қичқираман деб турганимда тўртинчи смс келиб қолди: **«Орқангга боқ. Мен**

қуёшни кўришни истайман...» Аста ортимга ўгириламан – қаршимда у турибди. Ўн қадам нарида. Ўртамиздан одамлар ўтишади. Орамиздан шамоллар учиб ўтади. Аммо улар бизга тўсиқмас. Биз бирга бўламиз. Унга чопаман. У менга қараб чопади. Қучоқлашамиз. «Ўзан, сени севаман!» Бу сўзларни бир умр такрорлашга тайёрман.

30

...Товада қалампир сепилган майда товук филеси бўлақларини ора-сира бир қошиқ сув қўшганча димлайди. Терга ботган шиша қопқоқ остидаги гўшт вишиллайди, шишади, сели ажрайди. Товук гўштира пичоқ учини тикиб олади. Тайёр. Товадаги сувни буғлатади, тўрт қошиқ зайтун ёғи ва бир стакан майдаланган бодом қўшади. Яхшилаб аралаштириб қовуради. Тайёр бўлишига яқин бодомли товук гўштира майда тўғралган шафтоли қўшади, устидан лимон шарбати қуяди. Плитани ўчириб, тованинг қопқоғини маҳкам ёпади. Хорғин хўрсинади ва пешонасидаги терларни қўл сочиққа арт-

ганча мендан идишларни теришимни сўрайди. Шарқнинг машҳур таоми – товук фисинжон – иштаҳани қитиқлайди...

Ошхонада эркак жуда ёқимли кўринади. Ўзан ярашганимиз шарафига таом тайёрлагунича, мен салат баргларини тўғрарканман, зимдан унинг ҳаракатларини кузатардим. Унга дам-бадам ҳазиломуз гаплар отардим. У эса қизарганча афтини бужмайтирар, пазандалик жараёнига ҳалал бермаслигимни илтимос қиларди: «Алекса, таом хафа бўлиши мумкин. Ҳар қандай маҳсулот ўзига алоҳида эътибор талаб қилади: масалан, товук гўштини пиширишдан олдин туз сепилмайди, оловдан олишдан беш дақиқа аввалроқ сепиш керак. Аксинча қилинса, гўшт тиришиб қаттиқ бўлиб қолади». Мен қойил қоламан: «Буни қаердан биласан? Футболчидан кўра ошпаз бўлганинг яхши.» – «Ойнур бувимнинг тарбияси. Жуда пазанда эди. Айтгандай, бувим асосан балиқ ерди. Бошқа ҳар қандай гўшти рад этарди – уларда қийналган жониворнинг руҳи бор. Масалан, сигир ўлимини

бир неча соат олдин ҳис қилиб ўз этини қўрқув билан заҳарлайди. У шунақа дерди. Мен ҳам бир пайтлар фақат балиқ еганман – узоқ чи-долмадим, машғулотларга қатнаш учун кучим қолмаганди...» Ўзан уйларида тез-тез таом тайёрлаб туради. «Кўнгил учун. Жуда лаззатланаман, қайтадан туғилгандек бўламан... Айниқса, сен учун, севгилим, таом тайёрлаш ғоятда ёқимли». Мен унга яқинлашаман. Фисинжон бизни кутиб совий бошлайди...

Келажак ҳақида сўзлаша бошладик. Аллақандай беихтиёр тарзда. Бугундан эътиборан ўтмишни эсламаймиз, фақат олдинга қараймиз. Мен Ўзаннинг кўмаги билан келажаким сувратини чизаман. Ҳозирча унда ким бўлиши, ўзим қандай бўлишимни айта олмайман. Ҳали эрта. Келажак борлигининг ўзи одамни қувонтиради... Ўзани Босфор билан таништираман: улар шунча йиллардан бери ёнма-ён яшаган бўлишса-да, мулоқот қилишмаган. Ўзан Босфорга юзма-юз келиб сукут сақларди, Босфор ҳам Ўзан дуч келганда индамаган. «Алексанинг

дўсти – менинг ҳам дўстим», – Босфор болакай-имга хайрихоҳ жилмайди: «Ўзан, сени эслайман. Сен, қизиқувчан болакай, соҳилга қандайдир бир қизча билан тез-тез келиб турардинг. Иккин-гиз балиқчиларнинг челақларига боқиб шўрлик чавоқларга ачинардингиз...» Ўзан чекади. «Ҳа, шунақаси бўлганди. Ўша беташвиш кунлар энди йўқ. Гулшан уйдан кетиб қолган. Эҳҳ...» Босфор энди менга мурожаат қилади: «Ёдингдами, ўтган ҳафта келиб севмасликни ўргатишимни сўраган эдинг? Ёрдам беришни рад этганим-да хафа бўлдинг. Севиш қанчалар ажойиблигини энди англагандирсан? Бу туйғуни сақла». Мен қизараман. «Кечирасан. Ваҳимага тушиб қолгандим...» Босфор салқин эпкини билан юзларимизни силайди. Чин дўст у...

...Ўзан билан креслода ўтирибмиз. Бирга ошпазлик китобини варақлаймиз: осонроқ тайёрланадиган гўштли таом излаяпмиз. Туғилган кунга тайёргарлик кўряпмиз. Мен салатлар билангина кифояланишни таклиф қиламан. «Гўштсиз қолишни истамайман, севгилим. Тре-

нер кўпроқ оқсилли таом ейишни маслаҳат берган. Сентябрда бизнинг ёшлар жамоаси Грузиядан келганлар билан ўйнайди – формамни сақлашим керак». Унинг пинжига кираман: «Биласанми, азалдан футболчиларни ёқтирардим. Шунақа учқур, оёқлари бақувват... Тақдир сени бекорга учратмаган менга». У ҳозирги футболчилардан кимни ёқтиришимни сўрайди. «Мен футболни кўп кўролмайман. Бунга имконим йўқ. Журналлардан улар ҳақида ўқиб тураман. Айниқса, Матерацци! Жуда келишган, занғар – бундайларни шундай атайман». «Ҳа, уми, аммо Зидан унга боплаб калла қўйганди!» Эсимга Германияда 2006 йили ўтказилган мундиалнинг финал учрашуви тушади. «Барибир Марко жаҳон чемпиони бўлди. Асосийси – натижа! Мен учун энг муҳими – сен! Ўзан ҳали кўп қизлар сендек футболчига ошиқ бўлиб қолишади, мана кўрасан!»

Дўконларни айланиш – шопинг мендан бошқа ҳар қандай одамни бўшаштиради. Бир дўкондан бошқасига санғийвериш, дим кабиналарда либосларни кийиб кўриш, сотувчи жувонларнинг қўллаб-қувватлашлари – вақт ўлдиришнинг энг ёмон усулларида бири. Шунинг учун бирор кийим зарур бўлса, айнан ўша сотиладиган дўконга бораман. Қўшни бутиқда уни сал арзонроққа харид қилиш имкони мавжуд бўлсаям, барибир. Ахир латта-путталарни титкилашга кетадиган вақтни Ўзан ёки Босфорга бахшида қилганим афзалмасми?

Бугун тўрт ярим соат вақтимни болакайимнинг туғилган кунида кийиш учун кўйлак танлашга сарфладим. «Жавоҳириёт» савдо комплексини изғиганча шопингга бўлган салбий муносабатимни ҳам эсдан чиқардим. Агар севсанг, ҳамма нарсани, энг аввало ёмонини унутасан... Ўша куни жуда гўзал кўринишим керак – шундай фикр билан марказнинг барча дўконларини кезиб чиқдим. Нархининг аҳамияти йўқ, муҳими

бетакрор бўлсам бас... «Жавоҳириёт»нинг учала қаватини айланиб чиққач, ниҳоят Заранинг янги коллекциясидаги баданга ёпишиб турадиган кўйлақни танладим: қора юпқа шойи, очик кўкрак ўйиғи қирмизи тўруқа билан жиякланган, елкаси – майин шифондан. Кийиб кўрдим, кўзгу олдида айландим, ечиб кассага жўнадим. Ўзанга ёқишига ишончим комил. Дўкондан олдиндаги байрамни ҳис этганча тўқ-мовий пакетни кўтариб чиқдим: бор-йўғи 48 соатдан кейин менинг болакайим 18 га тўлади... Фақат бир қават пастга тушганимдан кейингина қанчалар чарчаганимни, бунинг устига роса очикқанимни ҳис қилдим – эрталаб олмали чой, бир бўлак пашмак холвадан бўлак нарса емагандим. Дам олволиш учун «Кентаки» ошхонасига кирдим, қалампир сепилган товуқ қанотчаларини анчадан бери емагандим. Қоринни тўйдириб, чекиб олгач меҳмонхонага отланаман.

...Кўшни столда икки малласоч аёл олтиетти яшар болакай билан кола ичиб ўтиришганди Руслар. Ингичка «Бор» сигаретасини чекишмоқда. Туркияда ингичка сигаре-

таларни деярли чекишмайди – асосан ўтқир «Мальборо»лар танланади... Ихтиёрсиз равишда суҳбатга кулоқ осаман: бири Истамбул марка-зидан чармдан тикилган либос сотиб олмаслик кераклигини айтади: «Сашканинг айтишича, бу ердаги махсус районда энг яхши чармларни сотишаркан. Зейтинбурну дейиладиган жойда. Ўша ёққа бориш керак – сумка, пўстинча сотиб оламиз, мен яна Гришкага куртка кўришим ҳам керак. Эртага эрталаб ўша Бурнуга ўтиб келсак. Якшанбада учамизми? Қани, яхшилаб қараб олай-чи, қайси соатда экан...» Ўйга толган бола-кай стул суянчиғига ўзини ташлайди. Оғзидаги сақичдан сариқ шар шиширади, атрофга аланг-лайди. Кутилмаганда Зейтинбурну ҳақида га-пирган аёлга мурожаат қилади: «Ойи, Мосвага қачон қайтамиз?» Аёл қишки либос ҳақидаги гаплардан бир лаҳзага тўхтаб жавоб бера-ди: «Икки кундан кейин, Влад». – «Ойи, мен-га бу ер ёқмади. Уйга кетгим келяпти. Бу ерда қандайдир кулгули тилда гапиришади». Аёл эъ-тибор бермайди. «Ойи, Москвада буларни олиб бўлмайдими?» Малласоч хўрсиниб гапидан

тўхтайди. Кўлсочик билан ўғлининг оғзини артади. «Яхшиси е, камроқ гапир. Сенга яна кола олиб берайми?» Болакай бош ирғайди, сақич шар ёрилади...

Ватандошларимдан нигоҳимни узаман, сигеретани ўчираман. Эшикка томон жўнайман. Мосвага ҳеч қачон қайтмайман. Мен у ердаям, бу ердаям бегонаман. Шундай бўлса қайси қитъага мансубман? Истамбулдан ташқаридаги ҳаётни тасаввур қилолмайман. Баъзан Босфор устидаги кўприкдан ўтаётиб, кўзларимни юмаман. Ўзимни бошқа бир шаҳарда, бошқа бир вақтда тасаввур қилишга уринаман. Масалан, яна Москвада. Болалигимдаги квартирада, ўша торкўчаларда. Беҳуда. Фақат қоронғулик. Кўзимни очаман: атрофимда Истамбул. Бошқача бўлиши мумкинмас. Бошқачасини истамайман ҳам. Юрагинг қайда бўлса, ватанинг ўша. Менинг юрагим бир умр шу ерда қолди. Қайтишнинг кераги йўқ. Москва – ўтмиш, Истамбул – ҳозирим. Келажакни вақт кўрсатади...

...Меҳмонхонада турк каналлари орасида

Россиянинг биргина «РТР Планета» каналини учратиш мумкин. Баъзи-баъзида уни қўяман, она тилим, таниш чехраларни учратаман. Кўпинча «Шанба оқшоми»га тўғри келиб қоламан: Басков, Киркоров, Ротару, Варум Агутин бўлади. Экранга қарасам, ундан қўллар чиқиб келадию, мени ўтмишга тортиб кетадигандек туюлади. Нафасим бўғилади. Дарров пулт тугмасини босиб бошқа каналга ўтқизаман. Жамолдан бу канални қандай қилиб ўчириб ташлашни сўрашим керак. Келган жойимга қайтишдан қўрқаман. Қайтишнинг иложи йўқ ўша маконга...

32

ОИТСга чалинсанг, автоматик тарзда «яроқсизлар» рўйхатига тушасан. Бахтимизга бу шафқатсиз рўйхат тез тўлавермайди. Охирги йилда учта рус аёли «яроқсиз»га чиқарилди. Улардан дарров ҳамкасабалар юз ўгиришади: улар билан мулоқот таъқиқланади, уларни кўчаларда «таниб қолишмайди». «Яроқсизлар» рўйхатига тушиб қолмаслик ҳам омаддан. Минг эҳтиёт бўлма, омадинг келмаса қийин...

Ларада ОИТС аниқлашди. Эрталаб таҳлиллари ижобий чиққанди, кечга бориб уни кўчага улоқтиришди. Фойда ўрнига зиён келтирадиган қўғирчоқ энди кимгаям керак? Лара қизлардан ёрдам сўради, мени излаб келди. «Жавоҳириёт»да ушланиб қолишим учрашишимизга монелик қилган. Вой аҳмоғ-эй. Ортиқча дахмазага кимнинг кўзи учиб турибди? Ҳамма ўзи учун. Эртага ўзим «яроқсиз»га чиқарилсам, бошқалар ҳам мендан юз ўгиришарди. Ларанинг ўзи ҳам шундай қиларди... Ростини айтганда, унга раҳмим келади. Лара – яхши қиз, тентакроқ, аммо кўнгли тоза. Яхши қизлар ёмонларидан кўра кўпроқ омадсиз. У Истамбулга Саратовдан келган: истараси иссиқ, кўзлари тиниқ қорамағиз қиз, қомати расо, кифтлари кенг, бир пайтлар сузиш билан шуғулланган, умидли спортчи саналган. Вақти келиб бадавлат туркка эрга тегиши, болалар учун бассейн очиб мураббийлик қилишига ишонарди у. Энди нимаси қолди? «Яроқсизлар» орзу қилиш ҳуқуқидан айрилишади. Уларга ҳаёт тубидаги чўкиндиларгина қолади. Ҳар биримиз «яроқсизлар» рўйхатига тушиш эҳтимоли билан

яшаймиз. Ҳар биримиз ойда бир марта Истамбулнинг Осиё қисмидаги ОИТСга чалинганларни аноним текшириш марказига бориб келамиз. Ҳомийларимиз билан. Агар вирус бўлмаса, демак ой омадли ўтган. Аниқлангудек бўлса, ҳаётинг чаппасидан кетди деявер. Оддий фалсафа...

Сутенёрлар «яроқсизлар»га бешафқат. Энг енгили – буюмларингни йиғиштиришингга муҳлат беришади. Юқимли «капалаклар» сутенёри уларни ушлаб ўтирмайди – бу ҳақда давлат тузилмаси вакиллари хабар топиб қолишса жуда қимматга тушади. Ҳеч қандай пора ёрдам бермайди.

Лара ҳеч бўлмаса фаррош қилиб олиб қолишларини сўраб минг йиғлаб-додламасин, барибир кўчага қувилди. Биз эса бу ҳақда оддий ғийбатдек гаплашиб ўтирдик. Юрагимиз тошга айланган...

Аслида, бу ҳодиса ичимда ҳислар бўронини кўтарди. Даҳшат. Ахир кейинги ой текширувда «қора рўйхат»га мен ҳам тушиб қолишим мумкин... Ўзан пайдо бўлиши билан ҳар ойлик текширув менга даҳшатдек туюлади. Ҳар гал таҳлил

нусхасини қўлга олганимда худди чин мусулмон аёлидек Аллоҳдан кўмак сўрайман. «+» ни кўриб қолиш кўрқуви суяк-суягимгача етади. Ўзимнимас, Ўзанни ўйлайман. Севги менга жуда қимматга тушди...

...Ўзан иккимизнинг қандай келажагимиз бор? Бу қачонгача давом этади? Булар ҳақда ўйлаш аҳмоқлик. Барибир бирор жўяли гап ҳаёлга келмайди. Ўртамиздаги севгига қарамай, иккимиз бошқа-бошқа ўлчовларда яшаймиз. У меҳрибон куёш остида, мен эса қалдиरोқли булутлар тагида. Унинг ҳаётида келажак бор, меникида эса уфқлар хира тортган. У ўз юртида, мен – мусофир... Ғамгин ўйларни ҳайдаб соламан. Ўзаннинг туғилган куни арафасида кайфиятимни бузмайман. 24 соатдан кейин унинг оғушида бўламан. 24 соатдан кейин турли ширин егуликлар тайёрлаймиз ва ўша ондаёқ тановул қиламиз.

Бугун золим оқшомга боришим керак. Ундан эсон-омон қайтсам, Ўзан билан туғилган кунини нишонлаймиз...

...Нафасимга хириллаган хуштак жойлашиб олган. Ўпкам қизиган шағалга тўлгандек оғир. Кўзларимни очолмайман. Қовоқларим қуюқ шўртак кўзёшлар билан ёпиштирилган. Совук, қоронғу, зах. Мен қуриб бораётган қудуқ тубидаман. У қаерда жойлашган? Мени топа олишадими? Ким мени излайди?.. Бармоқларимни мушт қилиб тугаман: узун тирноқларим синган. Афсус. Уларни машаққат билан ўстиргандим, яқинда маникюр қилдириб, грейпфрут лакига бўятгандим. Энди ясама тирноқ сотиб олишга мажбурман. Нима ҳақида ўйлаяпман? Алекса, аввал қаердалигингни аниқлаб олгин. Бошим гувиллаб кетяпти. Мўлжал ололмайман. Атрофим – сув. Совуқ. Қайдандир, тепадан оқиб тушяпти. Демак, тепада кран бор. Оёқларимни қимирлатишга уринаман. Белимда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Умуртқамни қандайдир ўткир нарса тирнаётгандек. Нафасимни тўхтатаман. Хеч бўлмаса оғриқ тугаса эди...

Ойимни чақираман. Бизга оғир бўлса, ҳамиша

онамизни чорлаймиз. Қай ёшда бўлишимиз фарқсиз... Мен даҳшатли тушда қолиб кетганман. Ҳозир онам пайдо бўлади, хона чироғини ёқиб кучади ва барча даҳшат ғойиб бўлади. Лахза, дақиқалар ўтади. У пайдо бўлмайди. Бу қанақаси? Оналар доим ёрдамга келишади. Улар ёнингда йўқ бўлиши шарт эмас. Балки, жуда узоқдадирман? Эҳтимол, у Истамбулга етиб келолмас? Ҳафсалам пир бўлиб остки лабимни тишлайман. Оғзим қонга тўлади. У илиққина. Тузсиз. Енгиллашаман. Жуда чанқадим. Ойимнинг юзини эслайман: синчков нигоҳ, мовий кўзлар, оч-жигарранг киприклар, пешонасига тушган қўнғир соч толалари. У жилмаяди. Қўлини узатади. Ўзига имлайди. Унинг оғушига югураман. Унга етишимга сал қолганида қора чоҳ пайдо бўлади ва қулайман. Пастга тушяпман. Ойим тепадан қараб қолади. Йиғлайди...

Агар кеча бўлган жойимга қайтсам (аниқ кечамиди ўзи?), турли чироқлар сотиб оламан. Уларни меҳмонхона хонасининг ҳар жойига илиб чиқаман, бир пайтда ёқаман, хонани электр

ёруғига тўлдириб ташлайман. Ҳеч қачон қоронғу хонада ухламайман. Ҳеч қачон ёзнинг қуёшидан яшириниб пардаларни сурмайман. Ҳозир секинлик билан ҳаётимдан жудо бўлаётган балчиқли ботқоқ қоронғулигидан ҳамишага қутиламан. Чордоқдаги йиққан-терганимнинг барини ҳозир чироқ ёниши учун берворган бўлардим... Кеча бўлган жойимга қайтгудек бўлсам (чиндан ҳам бўлганмидим?) чордоқда ҳар куни қуёш ваннаси қабул қиламан. Баданимни намлантирувчи крем билан тўйинтириб, тонгги қуёшнинг эркаловчи нурлари остида ётаман. Терим тобланиб бронза тусига киради, ўзим эса изтироб чекмайман. Аксинча. Ғуллаб-яшнаётганимга шодланаман, ҳозиргидек ташландиқ қудуқ тубининг нам қоронғулигида жон таслим қилмайман... Ойи, мен қаердаман?..

...Вақт ҳисобини йўқотдим. Ҳушимдан кетаман, уйғонаман, йиғлайман. Қанча вақт ўтди? Неча соатдан бери бу ердаман? Қўлларим кишандамас. Мени уришмаяпти, қийнашмаяпти, зўрлашмаяпти. Унутишди мени. Қудуқ тубида-

ми ёки...? Билмайман. Синган қўғирчоқни ахлат уюмига ташлашди. Бундай ҳолда узоқ яшолмайман. Венамдан қон оқиб сувга қўшиляпти. Наҳотки шунчалар аҳмоқона ўлим топсам? Йўқ, ҳеч қачон иссиқ тўшакда ўлишни орзу қилмаганман. Кутилмаганда жон беришни истардим. Ёки ухлаб, кейин уйғонмасам дердим. Воқелик доим бошқача: мен номаълум бир ерда Босфор билан ҳам видолашолмай қон кетиб ётибман. Ўлимнинг энг ёмони шу... Сўнгги кучим билан қўлимни кўтараман, гирдимдаги нарсаларни пайпаслайман. Хўл кафел, чаноқ, ёнида ойнали нимадир бор, чамаси совун солинадиган идиш. Крангача чўзилиш керак. Совуқдан қақшаб ўлмаслик учун сувни совуқдан иссиғига алмаштириш лозим. Кранни пайпаслаб топаман. Уни маҳкам тутганча, қаддимни тутишга уринаман. Ниҳоят тиззалаб олдим. Яна озгина ҳаракат қилсам бўлди...

...Ваннахонадан ўрмалаб чиқаман. Остимда совуқ кафелмас, юмшоқ гилам. Тозалаш воситасининг иси. Ҳалигача кўзимни очолмайман, пай-

пасланиб ҳаракат қиламан. Бир вақт хонада телефон қўнғироғи янграйди. Қаердадир яқинимда. Ҳеч ким кўтармайди. Ҳеч ким йўқми? Телефонгача ўрмалаб бориш керак. Ёрдам сўраш керак. Ўрмалашда давом этаман. Яна оз қолди. Елкамга қаттиқ зарба келиб тушади. Мени яна уришдими ё оғриқ яна уйғондими? Оғзим яна қонга тўлади. «Қизик, Босфор Алексасиз зерикармикин?» Охирги фикр. Қоронғулик қуюқлашади. Телефон қўнғироғи узилади. Ҳаёт кўз ўнгингдан кинотасмадай ўтмайди. Бунақаси кино ёки арзон романлардагина учрайди. Воқелик бошқачалигига яна бир бор амин бўламан...

34

Базўр гапира оламан. Йиртилган лабларим ҳали битмаган. Шишиб, тўқ-қўнғир қобиқ қоплаган. Уларни дам-бадам прополис гели билан мойлайман. Ҳеч нарса емайман, иммунитетни ушлаб туриш учун найча орқали товуқ шўрва, янги сиқилган апельсин шарбати ичаман. Мен воқеалар хроникасини тиклашга

муваффақ бўлдим. Кундалигим саҳифаларига уларни ёзиб қўйдим. Ичимдагиларни тўкиб солдим. Агар бу ёзувлар бўлмаганида эсимни йўқотардим. Ҳозир биринчи навбатда оёққа туришим керак. Бировга юк бўлишни бас қилишим лозим. Мен билан ёнимда у. Ҳамкасабаларим дарров қочиб кетишди, бу мен учун кутилмаган ҳол эмас. Жамол тезроқ соғайишимни кутяпти. Олтин балиқча яна қачон пул келтира бошларкин? Ўзан вақтнинг кўп қисмини индамай ўтказди. Ёнимда ўтиради, ёстикни тўғрилайди, шўрва қайнатади, оёқ-қўлларимни уқалайди. У йиғламайди, мен йиғлайман. У ўзини қўлга олган. Тушунади, агар бўшлиқ қилса, иккимиз ҳам чоҳга шўнғиймиз. Бирга... Ўзан кўп ўйланади. Алланарсалар ҳақида. Унинг ўйларига кириб боришни, нималарни ўйлашини билгим келади. Ўзимга келганимдан кейин унга қоғозга ёздим: «Туғилган кунингни расвосини чиқардим. Кечир». Ўқиб кўрди. Фломастерни олиб, ҳар қандай ярани ҳам битказадиган сўзларни ёзди: «Сени севаман... Муҳими шу». Йиғлаб юбордим. У ўрнидан туриб ошхона столида янги пўртахол

шарбати сиқа бошлади. Шарбатнинг мазаси шўр эди, бечора болакайим беркитиб кўзёш тўккан...

...Шифокор яшаб кетишимга ишонч билдирди. «Алекса, осон қутилибсан. Аллоҳга шукрона келтир. Яралар битиб кетади, қонталашлар сўрилади. Вақт ва аниқ муолажа зарур». Мени резина дубинка билан шафқатсиз савалашган. Олган оғир жароҳатим – белимга қандайдир қаттиқ нарса билан зарба беришган. Ички аъзоларим бутун экан. Ўзан кунига икки маҳал яраларни антисептик эритма билан ювади, суюқ антибиотикли малҳам боғлайди. Ўзан шифокоримга икки карра кўп тўлайди: қатнаб даволагани ҳамда бировга айтиб қўймаслиги учун. Буни мен, Ўзан ва Жамолдан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак...

Шишалидаги торкўчалардан бирида жойлашган арзон мусофирхонада топишган мени. Золим оқшом учун полиция бўлинмаси бошлиғи шу жойни танлаганди. Ўша маст тўнғиз унинг ҳайвоний истакларидан бирини бажаришдан бош тортганимда калтаклашни бошлаганди.

Яхшиям, Шишали мусофирхонаси мутасаддиси Жамолнинг ўртоғи бўлиб чиқди. У тонгда мени ўша хонада беҳуш жонсарак ҳолда ётганим устига келиб қолган, Жамолга қўнғироқ қилган. Жамол мени меҳмонхонага олиб қайтган, шифокорни чақиртирган. Туш пайти туғилган кун учун ширинликлар кўтариб Ўзан келган. Унга ўласи қилиб дўппосланган жувон совғага айланганди...

...Иситма ва уйқусизлик қийнайди. Ҳарорат ўлчагич 36,3 дан 39,4 гача кўрсатади. Иситмани ҳапдорилар билан пасайтирамиз, Кундалигимни очаман, ёзаман. Кундалик – уйқусизликка яхши дори. Ора-сира уйқунинг лаззатли оғушига тушаман. Ўзимни Босфор қучоғида кўраман. Қирмизи чўмилиш кийимидаман, шарқлик дўстимнинг сув салтанатида қулоч отаман. Ёнимдан зарғалдоқ-олтин тусдаги тангачалар қопланган балиқчалар сузиб ўтади, бошим узра июль Истамбулига Мармар денгизининг олис соҳилларидан салқинлик келтирадиган чағалайлар чаппар уради. Қайдандир юрагимни ажойиб севгига тўлдирганча хонанда Ялин-

нинг «Жумхурият» кўшиғи кулоққа чалинади... Оғриқдан кўзимни очаман. Чамаси, белимдаги боғламлар қуруқшаган. Уйқусираган Ўзанни кўраман. У юзимга тикилади, қўли билан сочларимни силайди. Соат 3:37 ни кўрсатади. Тез орада тонг отади. Ўзандан Босфорнинг бир челлак сувини келтиришни илтимос қиламан – унинг сеҳрли томчилари теримга ҳаёт бахш этсин. Бекорга тушимга кирмади. Босфор, сени соғиндим...

35

...Бугун Ўзан устига кокос қириндиси сепилган беш пиёла ашура олиб келди. Музлаткичга қўйди. «Туркияда ашура десерт, бизнинг авлодда эса – табиий дори ҳисобланади. Агар оилада бирорта касал бўлиб қолса, ошпаз хотин тезда ашура тайёрлашга киришади. Илиқ сувда буғдой, нўхот, ловия туни билан ивитиб қўйилади. Эрта-лаб уни паст оловда қайната бошлайди, пишишига қараб унга майдаланган пўртахол пўчоғи, анжир қоқиси, қора кишмиш, анор доналари

қўшади... Бемор ўн қошиқ еса – бас, иситмаси тушиб қуввати тикланади. Қани, бошингни кўтар, сенга уни ўзим едираман». Орқамга яна ёстиқларни тираганча ўтириб оламан. Хаёлни кўрпадан кичкина ёстиққа оламан. Ўзан ёнимга ўтиради, кўксимга зангори қўлсочиқ тутиб, олиб келган ашурасини кичкина қошиқда едира бошлайди. Аллоҳга шукурки, лабимдаги шишлар қайтди. Энди қаттиқ овқатларни бемалол ея оляпман. Ашура жуда ширин экан. Уни бир марта қаҳвахонада татиб кўргандим, аммо унинг қанча калорияси борлигини билганимдан кейин бунақа ширинликдан узоқроқ юрадиган бўлгандим. «Сенга ёққанидан хурсандман. Кеча ошпазимиз Нозли билан атайин сен учун тайёрладик. Ота-онам ҳали Анқарадан қайтмагани иш беряпти. Ортиқча саволдан қутилдим. Уни чайнаш шарт эмас, ҳил-ҳил бўлиб пишган...» Мен ашурадан лаззатланаман, ундан яхшироқ ширинлик дунёда бўлмаса керак. У севгига омихта ахир. Мен учун. Севгилим қўллари билан тайёрланган. Кўз ёшларим қуйилади. Ўзан асабийлашади: «Белинг оғрияптими, азизам?»

Бош чайқайман. «Унда нега йиғлайсан?» – «Сени севаман, Ўзан... Мени ҳеч ким бунчалар папалаб парваришламаган».

У Жамолга ҳар куни ёнимда бўлиши, мени парваришлаши учун 500 лира берган. Жамол ҳатто севги олмасидан ҳам пул сиқиб чиқаришга тайёр. У олма дарахтини битта шарт билан суғориши мумкин – унинг бутوقларида барг ўрнида лиралар бўлсин... Жамолдан нафратланиб кетдим. Ҳайвон! Ўзан мени парваришлашини била туриб, болакайдан пул олиб ўтирибди. Наҳот, одамнинг бирор муқаддас нарсаси бўлмаса? Пул олдида тура олмаган. Энди мендан қочиб юрибди, мева-чевани фаррош орқали берворади. Соғлигимни шифокордан билиб оляпти. Юзига тупирсам дейман. Телефонда унинг асли кимлигини айтиб қўйгим келади. Ўзимни тутиб қоламан. Ҳозирча унинг меҳмонхонасида яшайман. Ҳозирча у менинг ҳомийим. Ўзаннынг олдида Жамолни сўкаман. Болакайим изтиробга тушади, асабийлашмасликни илтимос қилади: «Озгина сабр қил. Бари ўзгаради». Ўзан нима-

нидир мўлжаллаяпти. «Қадрдоним, сен Жамолни ўлдириб қўймайсанми?» У кулади. «Йўқ. Қўлимни ифлос қилиб нетаман?» Аллоҳ бари-ни кўриб турибди. У аблахни ўзи жазолайди». – «Унақада нимани ўйлайсан?» – «Буни муҳокама қилишга ҳали эрта. Сен оёққа туриб олишинг керак. Айтгандай, жароҳатингни ювиш керак...» Мен эса ғазабланишда давом этаман: «Унга пул тўлашни бас қил. Эшитяпсанми? Мен у билан гаплашиб оламан. Кетаётганингда унга айт, Алексага учрасин». Ўзан қон қотган эски боғични ечиб оларкан, хохолайди. Хаёл дорилар ҳидини сезиб, бошини косаси ичига тортиб олади...

* * *

Кўпинча ярим тунда ваҳимадан уйғониб кетаман. Тунчироқни ёқаман. Хонани кўздан кечираман. Аллоҳга шукур, бу туш бўлиб чиқади. Кечаги кундан бери сал мудрадимми, изимдан қолмайди. Золим оқшомдаги полиция бошлиғи Морфей салтанатидаги менинг худудимга жойлашиб олган. Тушимда у сарғайган тишларини

кўрсатиб тиржаяди. Қўрқаман. Қочаман. У ор-
тимдан қолмайди. Ёғ босган ёқимсиз башара-
си шундоққина кўз олдимда. Бу маҳлуқнинг
турқини бир умр унутолмасам керак. Қалин
қошлар, этдор бурни қора бўйдоқликларга тўла,
ёпишқоқ лаблар, чақчайган кўзлари атрофи-
да тўқ-кўк халқалар. Уни унутишни истайман.
Уни ухлаётган пайти ўлдиргим келади. Беҳуда.
Унга тегинишим билан ғойиб бўлади. Шифокор
тинчлантирувчи сироп тавсия қилди, аммо мен
дори ичмайман. Уйқуга кетишдан қўрқаман.
Олмос сотиб олдим. Унинг исқирт тиржайишини
тилиб ташлайман. Нега Аллоҳ бундай жирканч
маҳлуқларни ер юзига юборади?..

36

... Тез орада якун. Ички туйғум айтиб туриб-
ди. У ҳиссиётлар долғасини ёриб ўтганча он-
гимнинг муваққат эшикларини тақиллатади.
Огоҳлантиради. Кўзларимни қисаман. Бамисо-
ли чуқур жарлик бўйида тургандекман. Ёки ун-
дан сакраб ўтаман, ё зулмат қаърига қулайман.

Шамол киприкларимга тегади. Кўзимни очаман. Жарликнинг нариги ёғидан бошланадиган чангли йўлнинг адоғига қарайман. У қаёққа олиб боради? Қандайдир номаълумликка. Бир нарсага аминман: бу йўл ёруғликка элтади... Менда муваффақиятга бўлган ожизгина ишонч пайдо бўлди. Шуни хоҳлайман. Ўлишни ис-тамайман. Мен учун ўлим – Босфордан жудо бўлиш. Бу – дўзахнинг бош ошпази қозонида қайнаб пишиш дегани. Биз дўзахга биринчи тушувчи номзодлармиз. У ерда думи узун, бошида шохи бор ходимлар кутишади. Беш юлдузли хоналар ҳам тайёрлаб қўйилган. Кечирасиз, хоҳламаймиз! Беш юлдузли дўзахдан кўра энг қақшатқич воқелик тузук. Тез орада якун. Барига-мас – айна дамдаги умр бўлагига. Хонада аста-секин ҳаракатланаман. Дераза олдида соатлаб ўтираман, Босфор ҳавосидан нафас оламан. Ни-магадир, тобора бадиийлашиб бораётган Кунда-лигимни ёзаман. Оҳ, Алекса, бу кетишда ёзув-чиликка даъво қилмасайдинг. Бу сенинг ифлос воқелигингми ёки Остиннинг ғаройиб романи?! Буюк инглиз адибасини маст миршаб калтакла-

маган бўлса керак... Саҳифаларни қайта-қайта ўқиб чиқаман. Сатрлар орасидан чиқиб келадиган соддаликдан ҳайратланаман. Бундай ша-роитда уни қандай сақлаб қола билдим? У дағал қобик остида, воқеликнинг соҳилларидан тўпга тутишлар пайти қум тўлдирилган қоплар ортига беркиниб омон қолган...

Биринчи маротаба эртага мени нима кутаётганини билмайман. Юзлаб эркак шарпасига тўлган хонага аланглайман. Ўсаётган райҳон – менинг шарқона муҳаббатим тимсоли хушбўйини си-мираман. Ошхона столидаги нон ушоқларни сидириб оламан. Онгим остида кундалик турмушнинг қурамаси билан видолашаман – худди мени тезда барчасидан жудо қилишадигандек, кимсасиз оролга олиб бориб ташлашадигандек туюлади... Миямда фолбин жувоннинг сўзлари қалқиб чиқади: *«Севганингдан кейин елкангга ўлим қузғуни қўнади. Қалбингни ўғирлашни ис-тайди. Кураш, уни бериб қўйма. Жангни енгсанг – мукофот оласан»*.

...Ҳисларни бир четга суриб қўйдим. Жамол ясама табассум билан хонага кириб келганида

Ўзимдаги ғазабни босишга уриндим: ҳозир санманга боришнинг мавриди эмас. Менинг ожиз томонларим кўп. Жамол учун мени ҳайдаб юбориш – писта чақишдек гап. Албатта, фойдали ўринбосар топиши осонмас. Аммо, ишонаман, «муқаддас ўрин узок бўш қолмайди»: россиялик бошқа бир қизни топади ва у ҳам пешонаси ғуррага тўлиб «олтин балиқча»га айланади. Бўлиши мумкин...

Тилимни тия қоламан: биринчидан, бу ердан қаёққаям борардим. Иккинчидан, Жамол ўша жойдан мени олиб келиб, шифокор чақиртиргани туфайли ҳаётимни сақлаб қолди. Аммо, барибир, шундоғам барча ҳаражатларни қоплаётган болакайимдан «пора» талаб қилишини оқлолмайди бу... Жамол ёнимга келади. Юзимдан ўпади. Акаларча. Ҳайрон қоламан. «Бундай меҳрибонликнинг сабаби нима?» Креслога ўтиради, пўртахолни кўлига олиб шошилмай пўстидан тозалайди. Қорамағиз қўллари мева томчиларига беланади. «Майли энди... Мен дўстларча». Мени бирдан қаҳр измига олади: «Биз қачонлардан бери дўст бўлиб қолдик?!

Бир эслат!» Апельсин бўлагини оғзига солади. «Ўзан сени жа эркалатворяптими? Пўртахоллар ҳам ўзимизники эмас. Марокашдан... Заҳар сочишни бас қил, Алекса. Шунча йилдан бери бирга ишлаб келяпмиз, қадрдон бўлиб кетдик». – «Дўстлашдик, қадрдонлашдик дейсан... Ҳозир бу бозорда нархлар қанақа? Бир ҳафта дўстлик 500 лирами?» Жамол миқ этмай иккинчи бўлакни ҳам оғзига солади... Чекади. «Э-э, мана нега жаҳлинг чиқяпти экан... Мен сенинг Ромеонгдан пулни ўзим учун олганим йўқ, гўзалим», – «Ким учун бўлмаса? Африкалик болалар учунми? Қачондан бошлаб Жамолбей хайр-эхсон билан шуғулланиб қолди?» Жамолнинг кўзлари қонга тўлади – у сакраб туриб нам қўллари билан томоғимдан ғиппа бўғади: «Аввал ўйла, кейин сўйла! Огоҳлантиряпман...» – Жамол оғир-оғир нафас олади. Кейин ортига чекинади. Мен эса сув ичиб нафасимни ростлайман. «Агар пул керак бўлса, ўзимга учрашишинг керак эди. Нимага боладан оласан?» Жамол хотиржамлик билан мевани еб тугатади. «Зўрға нафас олаётган пайтинг сендан пул сўраб бўлармиди? Ёки

яширган пулларингни топиш учун хонангни тинтиб чиқишим керакмиди?» Бундай олганда, у ҳақ. Ўша пайти ҳеч қандай пул билан ишим бўлмайдиган аҳволда эдим. «Ундай бўлса пулни нега олганингни изоҳлаб бер?» – «Сени полициядан сақлаб қолиш учун эди, ношукур аҳмоқ! Бошлиқ сендан рози ҳолда кетмаганди-ку. Ўша учрашувни эртасига икки миршабини сени ҳибсга олиш учун жўнатибди. Аранг 500 лирага кўндирдим. Буям омадинг. Ё ўша ёқда ўлиб кетардинг, ёки қанчадир жарима тўлаб, яна сени мамлакатдан чиқариб юборишарди». Ичимда ваҳима қўзғалди. Жамол алдамаяптими? «Бу маҳлуқ нима қилганини эслай олармикин?» – дея йиғлаб юбордим. «Алекса, кимлигингни, қаердалигингни эслатиб қўяйми? Валдирашни бас қил! У сени ўлдириб қўйганида ҳам ҳеч ким билмасди. Сен бу ерда бегона, ёдингдан чиқмасин. Агар сенга бойваччанинг боласи эътибор қаратган бўлса, бу сенинг кетворган эканингни англатмайди. Мазангни сўриб бўлгач, сени унутади».

Ойнани очаман. Босфорга тикиламан. Чека-

ман. «Алекса, сенга душманлигим йўқ. Ишон. Сени, қанчалар қочма, реалликка қайтаришим керак». Бош ирғайман: «Биламан, Жамол, биламан, кечир». – «Тамом, окей, мен ҳам пастга туша қолай. Мижозлар келиши керак. Бирор нарса керак бўлса, қўнғироқ қил». У эшикни очади, остона ҳатлайди. Яна қайтиб келади: «Айтгандай, эсимдан чиқибди. Кеча кечки пайт бир йигит келди, сен билан қизикди. Шу ерда яшаш-яшамаслигини сўради». – «Жамол, ҳозирги аҳволимни биласан...» – «Гап шундаки, у мижозга ўхшамасди. Ғалати, бир нарсанинг ҳидини олгани келгандек...» – «Унут. Бирорта эсингдан чиққан эски мижозлардан бўлса керак... Бор энди. Ухламоқчиман». Жамол эшикни ёпади. Қанчалар чарчадим...

...Ёзги Истамбулда жала қуйиб берди. Кеча айни тушлик маҳали қанчалаб ходимлар офисларидан чиқиб севимли ресторанчаларига ошиқаётган пайти миллионлаб томчилар шиддат билан ерга урила бошлади. Жала хушбичим иш либосларини, тартибли соч тумакларини бир зумда ивитди-қўйди. Кимдир жаҳл билан сўкинди, кимдир ёмғирга юзларини тутаркан, бахт ҳис этди. Кимдир ёмғирга қўшилиб йиғлади. Мен ана ўшалар қаторида эдим... Деразага термулганча, ҳўл ойнадаги томчиларни санардим. Босфор тусини ўзгартиришини кузатардим: жала бўғозни савалаб кулранг-зангори тусга киритарди. Босфор кўниккан. У Арш элчилари билан қадрдон...

Ёмғир бўлғуси ўзгаришлар ҳақида сўзлайди. Куч бағишлайди: «Бу сенга керак бўлади». Ёмғир ёғса жуда кўнгилчан бўлиб кетаман. Кўз ёши ўз-ўзидан юзимга оқади. Яхши-ёмонлиги номаълум янги нарсаларнинг муқаддимаси олдидаги қўрқув ёшлари бу. «Кўз ёшингни яширма, Алек-

са. Кўз ёшни асраш эмас, тўкиш керак. Осмон аҳли ҳам йиғлаш учун ўзларига изн беришади. Уларнинг кўз ёшлари – мен, ёмғирман. Бугун улар бахтдан кўз ёши тўкмоқдалар. Қувончдан тўлиб-тошиб...» Беихтиёр мен ҳам жилмаяман. «Наҳот, Худо ҳам ер ва осмон орасида визасиз тартиб жорий қилиб, солиқларни бекор қилган бўлса? « – «Йўқ. Бари оддий. Бугун ерда миллион-та чақалоқ туғилди, ўлим ҳоли кузатилмади. Бу қувониш учун сабаб эмасми?» Ўйланаман. «Нега энди, албатта. Яхши-ку, болалар бўлса!» Ёмғир орасидан Истамбул радиосининг эшиттириши қулоққа чалинади. Ҳанда Ёнар лирик «Сўрама» кўшиғини ижро этади. Севимли оҳангларимдан. Ёмғир ҳам унга мос рақс этади. «Алекса, она бўлишни истармидинг?» – «Албатта. Ҳар бир аёл буни хоҳлайди» – «Сен етук аёлсан. Айни вақтимасми?» Сигарета тутатаман. Деразадан Босфорга қўл силкийман. У ҳам жавоб қайтарди. «Бола билан нима қила оламан? Аҳволимни кўр. Кўп нарсани ишташим мумкин, аммо воқелик бошқа. *Тасаввурингдаги ҳаёт билан воқеликдаги ҳаёт орасида ер билан осмонча фарқ бор.*». Ёмғир

киноя қилади: «Билмадим... Билмадим... Менимча, сен баҳона излаяпсан. Барчасини мавжуд воқеликка ағдарасан... Уни ўзгартиришга уришиб кўрарсан балки?» – «Сенга айтиш осон. Осмонда яшайсан, гуноҳкор заминга ора-сира тушиб турасан, муаммо нима, билмайсан... Аммо, таклифингни ўйлаб кўраман». – «Ўйлаб кўр... Куч тўпла. Майли, мен энди борай». Ёмғир хайрлашиш учун мени қучади. «Яна учрашамизми?» У очиқ деразадан жавоб қайтаради: «Албатта. Ёмғирлар ерни умид билан суғоради».

Каравотга ётаман. Қорнимни силайман... Бир пайтлар мен ҳам бола бўлганман...

...Ўзан ғилдиракчалари бор кўк жомадон олиб келди. Нэрхиям олиб ташланмаган. Бўм-бўш. Каравот тагига тикди. «Қаерга кетмоқчисан? Анқарага, ота-онанг олдигами?» Сигарета сўрайди, чекади. «Хеч қаёққа?» Совуқ беҳи шарбати устига сув аралаштириб Ўзанга узатаман. Ўзан қуюқ шарбатни ёқтирмайди. «Унда бу ким учун?» Менга ўйчан тикилади. Чамаси, кўринишим ёмон бўлса керак. «Яшавор, бемалол юряпсанми? Шифокор оқсашинг тезда ўтиб

кетишини айтганди...» – «Ўзан, мени қийнашни бас қил. Жомадон нега керак бўлиб қолганини айт?» – «Сен бу ердан кўчиб кетасан».

Илкис ўрнимдан турдим ва шу заҳоти букчайиб қолдим – тез ҳаракатимдан белим ушлаб қолди. У мени каравотга ётқизди. «Шифокор чақирайми? Жароҳатингни кўрайчи? Боғични ечмаганмидинг?» Оғриқ кўйиб юборади. «Эътибор беришга арзимаydi, Ўзан. Қўрқинчли ҳеч нарса йўқ... Нима қилмоқчисан? Мен қаёққа кўчаман?» У ёнимга ётади. Анча пайтгача оппоқ шифтга қараб ётамиз. Торшердан таралаётган шуълалар ўйнайди унда.

«Ойим телефон қилдилар. Эртадан кейин улар Истамбулга қайтиб келишади. Энди мен бу ерга тез-тез кела олмайман. Неча кун мактабга бормадим, бирор ёлғон баҳона ўйлаб топиш керак...» – «Ойинг сендан шубҳаланмаса керак дея умид қиламан». – «Уни яхши билмайсан! Директоримиз билан таниш. Аминман, ойим аввал-бошида унга қўнғироқ қилади...

Алекса, ота-онам иккимиз ҳақимизда билмай қолишмайди. Яширишнинг маъноси йўқ. Бир-биримизни севамиз. Амаллаймиз...» Мени ҳиссиётлар қамчилайди: «Ўзан, нима деяётганингни биласанми? Хаёли турк қизи эмасман. Оиланг мени қабул қилмайди. Мени мамлакатдан чиқариб юборишади. Ё бўлмаса умрим қамоқда ўтади...» – «Қабул қилишади. Сен билан бўлиш учун қўлимдан келганини қиламан. Сенга тазйиқ ўтказишса, ўзимни ўлдираман деб қўрқитаман». – «Оҳ, Ўзан, бас қил... Биз учрашиб турамиз... Вақти-вақти билан... Айтганингдек бўлса, севгимизни қандай келажак кутади?»

Йиғлайман. Дераза олдига бораман. Ўзан ортимдан қучади. «Кеча туни билан ўйлаб чиқдим. Айрилишимиз учун юзта, йўқ, мингта сабаблар бор. Улар ҳақда ўйлайдиган бўлсак, ундан осилиб ўлган яхши. Мен сендан воз кечмайман. Бизларни айиришларига йўл қўймайман. Эшитдингми? Йўл қўймайман!» Унга ўтириламан: «Ўзан, сенинг шижоатинг менда бўлсами...» – «Менга севишингни айт» – «Севаман». – «Мен

сени янада кучлироқ севаман! Менга ишон. Олдимизда қийин кунлар турибди. Иродали бўлишимиз керак...» – «Мени депорт қилсаларчи?» – «Отам билан гаплашаман, танишлари кўп. У Гулшан иккимизни доим қўллаган. Опам уйдан кетганида, энди унинг ҳаёти расво бўлади деб ўйлагандим: аммо, у оёққа туриб кетди – ҳозир яхши яшайди...» – «Ўзан, у билан қиёслама. Гулшан кимнинг қизилигини ҳамма билади. Қандай оиладанлигини. Мен-чи, мен кимман? Ҳеч кимга кераги бўлмаган рус аёли...» Гапимни бўлиб ташлайди: «Сен менга кераксан! Бу етарлимасми? Алекса, севгимиздан воз кечма. Кел, бирга машаққатларни енгиб ўтамиз... Ўтинаман».

Мен нимага бораётганимни билиб турардим. Бу болакайни севаман. Уни деб яшайман. Ури-ниб кўриш керак. Нима йўқотаман? Терга ботган миршабнинг қўлида ўлгандан, севги учун ўлмоқ афзал. «Яхши, Ўзан. Курашамиз.» Ўзан мени қучади.

Икки кундан кейин Гулшаннинг бўш квартирасига кўчиб ўтишга келишамиз. У ҳозир ўзининг суйгани билан яшаяпти. «Гулшан баридан хабардор, Алекса. Бизга ёрдам беришга рози бўлди. Тез орада сизларни таништириб қўяман... Эски ишингни ташлайсан, уларни кўрқинчли тушдек унутасан». – «Опангни қандай кўндирдинг? Сен унга кимлигимни айтдингми?» – «Ҳа. У ҳаммасини билади. Гулшан бизга ёрдам беради...» Бошимда ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Олдинда янги жанглار турганини хис қилардим. Бунга тайёрманми?..

38

...Охирги ашурани еб тутатдим. Бу ердан кетишдан аввал музлаткични тозаладим, қолган нарсаларни ахлат челагига ташладим. Меваларни қолдирдим. Апельсинлар, банан, олхўри ва нектарлар. Бир қути олма шарбати, учта «литр»лик ичимлик суви. Парҳез тута бошладим. Барибир ҳаяжондан иштаҳам йўқолган. Тўғри қиляпманми? Ҳозирги ҳаётимни бунча-

лар кескин ўзгартиришим шартмикан? Бола-кайим билан уруш сўқмоғида туриш бера ола-мизми? Фикрлар ҳамласи ора кўчишга ҳозирлик кўраман.

Ҳозирча лозим бўлган енгил кийимлардан бошқа ҳаммасини жомадонга жойладим. Буюмларим кўп эмас экан. Унча-мунча кийим, пойабзал, фен, магнитола, кружкалар ва бир қанча майда-чуйдалар. Кўп нарсалар Жамол-ники, идиш-товоқлардан тортиб митти теле-визоргача... Унинг чақимчиси бўлмиш фаррош хизматидан воз кечдим. Қаттиқ бош оғриқдан қийналаётганимни айтиб ёлғонладим. Шифо-кор менга хотиржамлик тавсия қилди, дедим. Ишонгандай бўлди...

Қочиш кунини белгилайман. Менимча, «қочиш» сўзи анча баландпарвоз. Шунчаки кета-ман. Соф виждон билан. Жамолдан қарзим йўқ. Мен пул ишладим, бегона юртда яшаб кетолдим. У эса мен туфайли ўзимдан ҳам кўпроқ пул топ-ди. Тамом. Шартнома муддати тугади. Худди чи-накам бизнесменлар каби ҳар ким ўз йўлидан кетади. Жамолнинг: «Йигитча сени алдаб кета-

ди», «Сен ҳеч кимга керакмассан, 18 ёшли болакайга айниқса», «Алекса, аттанглаб қолма. Эсингни йиғ!» – каби насиҳатларини эшитмаслик учун билдирмасдан кетиш керак.

Шуларсиз ҳам жуда изтиробдаман. Яхшиси, у билан хайрлашиб ўтирмайман. Мени изламаслигини тайинлаб хат қолдираман. Унга ўз ихтиёрим билан ўзимни қонун қўлига топшираётганимни ёзаман: депортация қилиниб ватанимга қайтаман, район мактабига фаррош бўлиб кираман, эрга тегаман, бола туғаман. Бу сўзлардан сўнг Жамол мени изламайди. Шунча йил ҳукуматдан рус муҳожир аёлини яширган, демак ҳамтовоқ. У ҳар ойнинг иккинчи жумасида оиласини кўриб келгани Измирга кетади. Кўчиб кетишим учун бундан яхши фурсат йўқ. Ўзанни чақираманда, жомадонимни олиб, Хаёлни сумкамга тиқиб, райҳонли гултувакни қўлимга оламан ва мусофирхонани бемалол тарк этаман... Бир неча кундан кейин янги ҳаёт бошлайман. У қандай изга тушаркин? Ҳеч қандай умидлар, тавсиялар, режалар. Аллоҳдан ёрдам сўрайман. Босфордан ёнимда бўлишини сўрайман. Қўллашни.

Бир нарсага аминман: Ўзанни севаман, у мени севади. Қутилиб кетамиз... Ўзимни яхшилик ёки ёмонликка тайёрламайман. Омадимиз келса, бахтли бўламиз. Бўлмаса... Нимаки юз бериши керак бўлса, юз берсин. Бошга тушганни кўз кўради.

...Ўртақўй! Ҳамиша у ерда яшашни истардим. Гулшаннинг икки хонали квартираси Босфор бўйидаги ажойиб посёлканинг нақ ўртасида жойлашгани маълум бўлди. Орзум вақтинчаликка бўлса-да ушалди. Илгари Ўртақўйда тез-тез бўлиб турардим. У ердаги мағрур шох отган каштанлар тагида ўтириш, кўча қаҳвахонасининг похолтўқима стулларида балиқли салатлардан лаззатланиш, сергап сайёҳлар билан тўла паромларнинг сузиб ўтишини кузатиб қолишни севаман. Совуқ ойларда Искели майдонида сайр қилишни ёқтирардим. Айни кузда. Иссиқроқ кийиниб автобусга ўтирганча Ўртақўйга етиб олардим. У ердаги кимсасиз пристанда соатлаб кезишим, шивалаётган ёмғирнинг сарин ҳавосини симиришим, Босфор кучоғига шамол-

лар учириб кетаётган чинорнинг ҳазонларига ҳасад билан қарашим мумкин. Ўртақўйдагина Истамбул билан қанчалар сингишиб кетганимни ҳис қиламан. Мен ва Истамбул – узоқ айрилиқдан сўнг бирлашган эгизаклар...

Гулшан моддий имкониятлар машаққатини ҳис қилмаса керак: Ўртақўйда яшаш кўплаб истамбулликлар учун қимматга тушадиган орзу. Ўзанининг сўзларига кўра, квартира Гулшанга биринчи эри – йирик медиахолдинг эгаларидан бўлмиш Танердан қолган. У уч йил муқаддам автоҳалокатда вафот этганди. Эрини йўқотиш Гулшанга қаттиқ таъсир қилган. Анқарадаги қимматбаҳо реабилитация марказида ярим йил даволанган, кейин Германияда ёлғиз яшаган. Бошқача бўлиб қайтган. Марҳум эрига бағишланган иккинчи дискини чиқарган. «Опам иккинчи бор туғилгандек бўлди».

Гулшан Ўртақўйдаги квартирасида яшамайди. Танер билан бир пайтлар бахтли бўлган гўшага қайтиш оғир. Уни сотиб ҳам юбормасди. Бир неча кундан сўнг мен севишганларнинг бахт ошиёнида яшай бошлайман... Кун-

дан-кунга ҳаяжоним ошиб боради. Болакайим оиласидагиларнинг тазйиқларига дош бера оламанми? Ўзан севгимизни ҳимоя қила оладими? Жамолнинг сўзларини эслайман: «*Сендан керагича фойдаланади-ю, бир куни ирғитиб юборади...*» Ёлғон! Ўзаннинг туйғуларига ишонман. Аммо улар қанчалар мустаҳкам? У 18 да, ҳали машаққат кўрмаган. Анойи. Ёки хато ўйлаяпманми? Севиклим, мени аро йўлда қолдирмайсанми? Нима фарқи бор... Йўқотишларга ўрганиб қолганман...

39

...Истамбулдаги ҳаво ҳарорати пасайиб бормоқда. Август куёшида эҳтирос йўқ. У июлдагига қараганда меъёрни билади. Ҳамма нарсда куз яқинлашаётгани билиниб туради: тез орада зарғалдоқ извош ёзнинг яримвайрона қасрига етиб келади. Мен кузни кутаман. Оёқ остидаги қирмизи ҳазонларнинг шитири тўла барқут фасл. Жазирама Шарққа маъюс романтика бахш этувчи дастлабки майин ёмғирлар. Хушбўй зан-

жабил исига тўла сарин ҳаволар... Ёз вужудимни чарчатиб ташлаганди.

Охирги кунлар ҳолим ёмонлашди. Аниқ бир нарсадамас – бахтимга жароҳатларим битиб кетди, қонталашлар хиралашди. Аммо қандайдир кучсизлик танамга жойлашиб олган. Оёғимдан чалгани-чалган. Ҳамиша уйқуга тортади, мевалардан бошқа ҳеч нарса емайман, ғалати лоқайдлик, зирқироқ бош оғриқлар. Бунинг устига нафас қисишлар. Ҳаво етмайди. Кўча салқин бўлишига қарамай, кондинционер кечаю-кундуз ишлайди.

Гўё латтаси чиққан юмшоқ ўйинчоққа айланиб қолдим. Ўзан ҳозирги ҳолсизлигимни изтиробларнинг ҳаддан зиёдлиги билан боғлайди – албатта, у ҳақ. Ўтган ой ичида жуда кўп воқеалар юз берди... Босфордан шифо топаяпман, 3–4 соат вақтимни соҳил бўйида ўтказаман. Денгиз ҳавосидан нафас оламан. Ўша ўриндикда ўтирганча қизил павильондан сотиб олинган қайнатилган маккасўтани ғажийман. Кундалик-

ка ёзувлар тушираман. Кеча Босфор билан одатдагидан кўпроқ бирга вақт ўтказдим – Каннингеннинг «Соатлар» китобини ўқидим. Уч аёлнинг туйғулари ҳақида тенги йўқ роман.

Китобнинг охирироғига етган пайтим ёнимга кимдир келиб ўтирганини пайқадим. Эркаклар сепадиган одеколон ҳиди димоғимга урилиб, акса бервордим. Ўгирилдим. Оқ бадан, қора сочли, соқол-мўйловини ҳафсала билан қирган. Бўйни калта. Кўзлари мускат ёнғоғи тусида. Кийимлари қимматбаҳо. Ўттиз ёшлардаги турк. Мен яна китоб мутолаасига қайтдим. У эса осуда товушда тилга кирди: «Чиройли манзаралар. Худди жаннатга тушгандай бўласан... Айтингчи, ўлимдан қўрқмайсизми?» Романдан кўз узаман. Албатта, бегоналар билан гаплашишга хушим йўқ. Бироқ, Истамбулда бундай суҳбат одатий ҳол. «Қочиб бўлмайдиган нарсадан қўрқишнинг нима кераги бор?» – саволга савол билан жавоб бераман. Нотаниш киши чекканча давом этади: «Энг қўрқинчлиси – мажбуран ўлим топиш. Масалан, кўнгилсиз вазиятга тушиб қоласану, сени шафқатсизларча йўқ қилишади. Бунақаси

ҳаётингизда бўлганми?» Жилмаяди. «Йўқ. Кўриб турганингиздек, соғ-саломатман... Мен бундай вазиятларга тушмайман». У бирдан сигаретасини отиб юборади: «Ёлғон айтяпсиз». Кўзларимга қарайди. Таҳдидли. Баданимга чуқмоли ўрмалайди. «Бу гапни қаердан олдингиз? Умуман, кимсиз ўзи?» – «Сен Алексамисан?» Мен англамасимдан олдин бош ирғайман. «Алекса, қулоқ сол. Ўз ўлиминг билан ўлишни истасанг, Ўзанни тинч қўй. Тушундингми?» Мен китобни бир четга қўяман. Негадир сумкамнинг боғичини қўлимга оламан.. Эркак шошилмай чўнтагидан автомобил калити, кейин ҳамёнини чиқаради. 200 лирани суғириб олади...

Бари тушинарли. Бу Левент, Ўзанлар оиласи ҳайдовчиси. «Бу сенинг хизмат ҳақинг. Сен билан бошқача гаплашишга мажбур қилма бизни. Тушундингми?» Пулни оламан. Ғижимлаб эркакнинг юзига отаман: «Ифлос пулларингга тикилиб ўл! Ким деб ўйлаяпсан ўзингни?! Малай ҳайдовчи...» Нафрат билан гапираман, ичим эса даҳшатдан титрайди. Левент билагимдан қаттиқ

ушлайди: «Қанжиқ, боладан нари юр, бўлмаса бўғизлаб ташлайман!» Ўриндикдан тураман: «Ким билан ва қачон бўлишини Ўзаннинг ўзи ҳал қилади. У катта киши. Бекангга шундай деб айт...» Қора кўзойнагимни тақаман. Ортимга ўгирилмаслик, ҳамиятимни топтатмаслик учун меҳмонхонага шошиламан. Маккасўта сотувчи нархлар арзонлашганини айтиб ўткинчиларни чорлайди... Худойим, қўллаб юбор...

...Ошқозоним авраси ағдарилади. Вужудим титрайди, мучаларим музлайди, бошим оғриқдан ёрилай дейди. Кўрқув ич-этимни ейди. Кўрқоқлардан эмасман. Аммо айнан ҳозир, бу ердан кетиш арафасида кимдан нима кутишни билмайман. Истамбулдан айрилиб қолиш фикри эсимдан оғдиради. Шифокорга қўнғирок қилдим – эртага келаркан. Икки дона парацетамол ҳапдориси ичишни, кўпроқ сув истеъмол қилишни тайинлади: «Танангиз сувсиз қолиши мумкин эмас». Бунга нима сабаб бўлишини сўрадим, у эса асабдан деб айтди. «Эрталаб вақтли келаман, таҳлил учун қон, пешобдан

оламан. Сабабини аниқлаймиз, хавотир олма. Хозирча дам ол».

Иссиқ-совуқ душ қабул қиламан. Тишларимни икки марта юваман – қайт қилиш туйғуси тарк этмайди. Жомадондан пахтали майка ва шортини оламан. Кийиниб тўшакка ётаман. Кондиционерни ўчираман, сочим ҳўллиги туфайли шамоллаб қолишим мумкин. Ўзимга тезроқ келиб олишим керак. Эртага тушдан кейин бу ердан кетаман...

Тумбочкадаги нарсаларнинг жойи ўзгарган. Демак, йўқ пайтим фаррош бу ерни искалаб чиққан. Жомадонни кўриб қолган бўлиши мумкин. Жамол бундан хабар топдимикин?.. Кўз олдимга Левент келди. Алекса, у сени ўлдириш билан таҳдид қилди. У сени ҳамма нарсадан жудо қилмоқчи! Булар яқинлашаётган урушнинг илк отишмаси. Ҳазир бўл. Сен кучли бўлишинг керак... Телефоним жиринглайди. Ўзаннинг рақами. У ота-онаси келганини айтади. «Кечқурун улар билан албатта гаплашаман.

Ортиқ чўзиб бўлмайди». Левент ҳақида айтаман. Асабийлашади. «Аблаҳ... Хавотир олма, у билан ўзим гаплашаман. Демак, онамни ҳам хабардор қилган...» У бахтимизга ишонишимни сўрайди: «Севгилим, ўзингни қўлга ол. Тушунаман, бу қийин. Аммо менга ҳам осонмас. Севаман. Ўпиб қоламан».

Кўрпа остига кираман. Қоронғуда болакайимни ёнимда ҳис қиламан. Шуниси енгилроқ.

40

...Мен ишора излайман. Ички ишончсизлик босими остида жонсиз нарсалардан саволларга жавобни кўриб қолишга уринаман. Машаққатли, аммо одатдаги кундалик турмушни ташлаш шартмикин? Бизнинг туйғулар бирор бир яхши оқибатларга олиб келмаслигини била туриб ҳам севиш керакми? Телевизор каналларини ўзгартиравераман. Тасвирлар биридан бошқасига алмашинади. Аксига олгандай, севги қудрати ҳақида романтик фильмлар йўқ. Афсус. Бундай хаёлий мелодрамадан бугунги

тонгдан бери менга зарур бўлган белгиларни осон пайқаган бўлардим. «Алекса, сира қўрқма, олға юр. Ҳайиқма.» Телевизордан кутаётган сўзларим ўрнига Таиланддаги зилзила, Сурия қамоқхоналаридаги маҳбусларнинг оммавий ўз жонига қасд қилишлари, Деҳлида номаълум вирус тарқалаётгани ҳақидаги хабарлар оқарди. Соатга қарайман. 12:06. Нимани эшитишга умид қилгандим? Янгиликлар кўрсатиладиган пайт. Белгиларни кечқурун, эфир сериал эҳтиросларига тўла пайти қидир...

Ошқозон оғриқлари ўтиб кетди, бош оғриғим қўйворди. Тўғри, тунда кўз юмганим йўқ. Саҳарга яқин қонли тушга шўнғиганча мудраб қолибман: кўз олдимда кимдир Ўзанни ўлдирарди. Қандайдир айиқсифат махлуқ болакайимнинг тўшига тиғ санчарди. Қон оппоқ кўйлақдан жигарранг ерга жилғадек қуйиларди. Сингиб кетмай қирмизи кўлмаклар ҳосил қиларди. Мен эса жоним борича бақираман, Ўзанни қутқармоқчи бўламан. Бефойда... Бу даҳшатлардан телефон қўнғироғи суғириб олди. Шифокор экан: «Хайрли тонг! 15 дақиқадан кейин олдингда бўламан...»

Қанчалар хурсанд бўлиб кетдим! Аллоҳга шукур, тушим, ўнгим эмас экан...

Доктор таҳлилларни олиб клиникасига кетди: «Натижаларига қараймиз. Эртага янги рақамингга қўнғироқ қиламан. Яна бир қайтарворчи...»

Ўзан келишини кутиб телевизордан ишора ахтараётган пайтим телефоним жиринглаб қолди. Ўзан бўлса керак деб ўйладим. Ҳозир келиб қолиши керак эди. Нотаниш рақам. Хавотир ичра уланаман. Маҳмадона ҳамкасабам Даша кўтаринки товушда қутлайди. Соғлигимни, мени шу кўйга солган золим оқшомни сўрамайди. Бизни бир-биримизнинг муаммоларимиз қизиқтирмайди. Даша «зў-ўр янгилик»ни етказишга шошади: Ларани ўлдиришибди. Ўша саратовлик «яроқсизлар» рўйхатига тушиб қолган қизни. «Тасаввур қияпсанми, шаҳарнинг кўрқинчли туманларидан биридаги арзон-гаров бошпанага жойлашганди. У ерда қанақа мижозлар бўлишини англагандирсан? Қишлоқи мардикорлар, ҳар хил ўғрию бангилар. Қисқаси,

иприсқилар. Айтишларича, Ларани ўша уйнинг учинчи қаватидан ташлаб юборишибди. Учта ғирт маст эркаклар экан... Хуллас, қувват тугаяпти. Кечаси барга ўтгин, жоғиришамиз, ок?! Ўпаман!»

Қотиб қолганимдан телефонни тушириб юбордим. Бечора қиз. Ўшанда ёрдам сўраб келганида рад этгандим... Қўлимдан нима ҳам келарди? Жамол «яроқсизни» ишга олмайди... Ўзанга смс ёзаман: «Севиклим, тезроқ кел. Нарсаларимни йиғиштирганман, сени кутипман». Энди бу ишни қилолмайман. Орқага йўл йўқ. Ишоралар шуни кўрсатяпти, Алекса...

...Ўртақўйдаги қўнимгоҳ мени ванил хушбўйи билан кутиб олди. Агар Гулшаннинг хонандалигидан беҳабар бўлганимда, бирор қандолатчининг уйига келиб қолдим деб ўйлаган бўлардим. Ўзан буюмлар билан овора бўлганида мен беш дақиқача юрагимни ўйнатаётган хушбўйликни симирганча останада туриб қолдим. Ҳамма ёқда – ванил. Худди

деворни ванилли бўёқ билан бўяшгандек... Илк қадамларимданоқ квартирани севиб қолдим. Унинг қобиғинимас. Қалбини яхши кўрдим. Бу ерда бахтли бўламанми? Аниқ жавоб йўқ. Нима бўлганида ҳам ҳаракат қиламан.

«Алекса, кирсанг-чи. Хушбўйликни илғадингми? Бу Гулшаннинг ғояси, у ванил жинниси. Ҳамма ёққа кўзоқлари сочиб ташланган – йиғиштираётган пайтинг эҳтиёт бўл, ташлаб юборма...» Пойабзалимни ечаман. Квартирадаги илк қадамларим. Асосан очиш рангларга урғу берилган. Дахлиз деворларига эски фильмлар афишаси осиб ташланган. Қора чорчўпларда. «Шамолларда қолган ҳисларим», «Жаноблар малласочларни танлайди», «Кулгули қизча», «Рим таътиллари», «Бойўғли ва Мушукча». Коридор бошланишидаги биринчи хона – меҳмонхона. Оёқлари калта ойнаванд стол ўртасида пушти гулдон. Унда локланган қарағай гуддалари, тўқ-жигарранг ванил кўзоқлари. Стол атрофида кремтусли тери қопланган икки диван. Биртусли мебелни оқ-қора юмалоқ ёстиқлар безаб

турибди. Телевизор ёнида каттакон магнитола. CD дисклар тахланган токча. Сезен Оқсу, Уитни Хьюстон, Нилуфар, Зулфия Хонбобоева... Уларни албатта эшитиб кўриш керак...

Деразага яқинлашдим. Нафасимни ютиб юбораман – бунчалар ажиб манзарани кутмагандим. Мажидий масжиди олдида устида Бўғоз кўприги осилиб турган Босфор мавжланиб ётарди. Ўзан ёнимга келади. Бағрига босади. «Ажойиб манзара-я, нима дединг...» Бош ирғайман. «Ҳақиқий эртак».

Ошхонага мўралаймиз: камтарона ўлчамларига қарамай, у жуда ҳам қулай. Ҳаммаси қўл остида. Кир ювиш машинаси, ғаройиб кружкалар жойлашган токча, эман жавонда тахланган ранг-баранг идишлар. Эшик кесакисига қуритилган қизил қалампир, бақлажон шодалари илинган. Ўзан музлаткич эшигини очади: ичи маҳсулотларга лик тўла. «Булар ҳозирчага, севгилим. Агар бирор нарса керак бўлса, ёнгинамизда маркет бор». Мен кўзларимни қаттиқ юмаман. Очаман. Наҳотки, булар туш эмас? Ҳаётда шунақаси ҳам бўладими? Бўлади. Алек-

са, бўлади! Болакайимни қучаман. У мени кўтарганча ётоқхонага олиб киради. Сарик ёпинчиқли каравотга ётамиз. Ўрик рангидаги пардалар тортилган. Икки тунчиरोқ хонани сеҳрли тарзда ёритади. Ўзан қулоғимга пичирлайди: «Ўз инимиз пайдо бўлди. Бугун, ниҳоят, ота-онам билан гаплашаман, тез орада олдинга кўчиб келаман. Биз бахтли бўламиз...»

41

Сиқиқ, лўнда жумлалар. Жозибали майин овоз. Сочи малла тусга бўялган, қарашлари қатъий. Қуёшда тобланган бадан, ўткир бурун. Пастгина бўйига қарамай келишган қомат. Биз мавқе, дунёқараш, фикрлаш бобида турличамиз. Тил топишишимиз қийин. Хушмуомала бўлишга ҳаракат қиламан – у ҳам шунга интилади. Бир-бирига душман мамлакат президентларининг зиёлиларча суҳбати...

Ўзаннынг опаси кутилмаганда, тонгги 11ларда келиб қолди. Мен ҳайрон бўлдим: ижодкор одамлар одатда бу пайтлар ухлаб ётишади...

Қаҳва дамладим. Меҳмонхонадаги ўша диванларга ўтирдик. Сухбатлашаркан, у ўз хонадонига маъюс нигоҳ ташлади. Йўқотилган бахтини эсладимикин? «Алекса, бу ерга таҳдид қилиш учун келмадим... Ўз истагим билан оиламдан сақланишингиз учун квартирамни бердим. Улар ҳозирча қаердалигингизни билишмайди. Билишган заҳоти на сизни, на Ўзанни тинч қўядилар...»

Қайноқ қаҳвани қошиқча билан ковлайман. Менимча, бу ҳалол ўйин. «Гулшан, буни биламан. Сизга раҳмат. Бу квартира бўлмаганида, қай ҳолга тушардик, билмайман. Ота-онангиз устимга полицияни жўнатишган бўларди». Нимани ўйласам шуни айтдим. Йўқотадиган нарсам йўқ... Гулшан биринчи қултумни ютади: «Полиция – ҳолваси». Киноя қиламан: «Ёмони – ўлдириб юборишларими?»

Гулшан финжонни столга қўяди. Яқинроқ силжийди. «Алекса, сизни қўрқитишни истайман, тушунинг. Бу ерга келмаслигим ҳам мумкин эди. Сизга бу жойни укам ҳурмати учун бердим, очиқ гапиряпман. У мендек

қийналмаслигини истайман...» Қаҳвани ара-
лаштиришда давом этаман, қошиқчани фин-
жонга ураман. Бас, етар: «Гулшан, мен Ўзанни
севаман. Рост. У ҳам мени севади. Гарчи ёш ва
турмуш тарзимизда катта фарқ бўлса ҳам...
Русларда шундай мақол бор: «Юракка буюриб
бўлмайди». Мен бу севгидан қочишга уриндим.
Аммо қайга қочмай, Ўзаннинг севгиси оҳанрабо
каби ўзига тортаверди...» – «Сизга ишонаман.
Мени туйғусиз пул тўла қоп деб ўйламанг. Мен
ҳам севганман. Ҳозир ҳам севаман... Аммо мен
оиламизни жуда яхши биламан: улар сизниям,
севгингизниям топтаб ташлайди. Жабрини сиз
тортасиз, Ўзанмас...» Жим қоламан. «Алекса,
сизга ёмонлик тиламайман. Ҳалиям кечмас, аж-
рашинглар. У ҳали жуда ёш. Сиз – ақл-хуши жо-
йда жувонсиз. Наҳот тушунмайсиз – сизларни
ажратиб ташлашади. Ўзаннинг бутун ҳаёти ол-
динда, у тезда институтга топширади. Отам уни
ўқиш учун Лондонга жўнатмоқчи. Ўзан ёшига
ярашмаган тарзда ақлли бўлса-да, барибир 18
яшар бола.» – «Гулшан, сизга ҳозир бирон нарса
дея олмайман. Билмайман...»

У дивандан туради. Сумкасини олади. «Алекса, қарор чиқариш сиздан. Аммо мен онам учун жавоб беролмайман. Сиз катта одамсиз. Ўйлаб кўринг. Айтгандай, Ўзан уйдагилар билан гаплашдимми?» – «Билмайман... Телефони ўчиқ...» У эшикни очганча пайсаллайди. Сочларини тўғрилайди. «Менинг маслаҳатим, ўз ҳаётингизни Ўзансиз қуринг. Шунда сизга ҳам, унга ҳам яхши бўлади. Яхши қолинг...»

«Чақирилаётган абонент қўнғироғингизга жавоб бера олмайди. Илтимос, кейинроқ қўнғироқ қилинг». Миллионлаб қайноқ қалбларни яраловчи шафқатсиз сўзлар. Ҳар дақиқада. Бутун дунё бўйлаб. Телефон инкори тили турлича бўлиши мумкин, аммо шафқатсизлиги бирдай... Робот-қизнинг товуши қанчалар тинчлантирувчи тарзда янграмасин, мени хавотир чулғайди. Ўзаннинг телефони кечадан бери ўчиқлиги ташвишланарли. Болакайим телефонини дарс пайтида ҳам товушсиз қилиб қўярди. Узоқ пайт алоқада йўқ эканига қараганда нимадир содир бўлган. Телефонини ўғирлатдимми? Жанжалга аралашиб қолдимми? Ота-онаси телефонини

олиб қўйишдими? Ўнлаб саволлар. Доимгидек, бари жавобсиз.

Кеча кечқурун ёки бугун Ўзан онаси билан гаплашиб олмоқчи эди. Сухбат қандай натижа билан тугамасин, хабар ташлашини айтганди. На қўнғироқ, на хабар бор. Севгилим, нима бўлди?.. Хавотирли фикрлар исканжага олади, ишончсизлик авж олади. Ўзан онасига қарши бора оладими? Бугун мактабдан кейин олдимга келадими? Соат кечки 4. Одатда болакайим бешларга келарди. Кутаман... Эрталаб эски сим-картамни ёндиргич алангасида куйдириб ташладим. Ўтмиш рақамлари. Пластмасса томчилари бўш сигарет қутисига томганди – ўтган оғриқнинг бадбўй лахталари. Янги рақам эгаси бўлдим. Энди «Нокиа»нинг телефон дафтарида икки рақам – Ўзан ва шифокорники қолди. Ғаройиб озодлик туйғуси. Олмали чой дамлайман, икки қошиқ зарҳал-жигарранг шакар қўшаман. Ўрамида ўқийман: «...Маврикий ороли шакарқамишидан тайёрланган». Маврикий қайдаю, Туркия қаерда? Менинг Ўзаним-чи? Яна қўнғироқ қиламан: «*Чақирилаётган абонент*

қўнғироғингизга жавоб бера олмайди. Илтимос, кейинроқ қўнғироқ қилинг». Мени ташлама! Севги аёлни ожиз қилиб қўяди. Ожизликни садоқат ўрнида кўрсата олаётганлар – ақлли аёллар...

42

...Оппоқина вужуд Босфор мовийлигини майин ёруғлик билан ёритади. Дўмбоққина болакай қуёш қиздирган сувда сузиб боради. Эшилаётган медузаларга, балиқларнинг қотган тўдасига кулиб қарайди. Унинг самимийлик балқиб турган кўзлари карамел тусда. У кичкина Ихтиандр каби Босфорнинг тубига шўнғийди. Денгиз салтанатини ўрганишни, тилсизлар аҳли билан дўстлашишни истайди. У ёмонлик, хафгарчилик, хоинлик, пасткашликни билмайди. Атроф-муҳитга содда нигоҳ ташлайди. Ғазаб иси унга бегона – у сув ўтлари қўшилган пудра ҳиди билангина таниш... Болакай қизиқиш билан оворалигида мен олисга сузиб кетмайман. Зурриётимни қўриқлайман. Босфор парваришда ёрдамлашади, у болаларни яхши кўради. Ўз

салтанати учун шаҳзода топишни орзу қилади... Динг қулоқлар ва бошини тўқ тусдаги туклар қоплаган бу болакай менинг ўғлим. У қаёқдан келиб қолганини тушунмайман. Унга қачон ҳомиладор бўлдим? Битта нарсани биламан: у мен ва Ўзаннинг муҳаббати меваси... Болам билан Босфор соҳилида жойлашдик. Менинг дўстим бизларни ҳимоя қилади. Кимдан?...

Болакай менга қараб сузади. Қучоғимни очаман. Кийимларим йўқ. Сийналаримни сийлайман, улар сутга тўла. Ўғилчам майингина сувости оқимини ошиб ўтганча кўксимга ёпишади. Жажжи оғизчаси билан сўрғични излайди. Очқаган. Гўдак сут эмаркан, атрофимизга дельфинлар тўпланишади. Нахот, дельфинлар бўғозга қайтиб келган бўлса? Мўъжиза. Дельфинлар чақалоқ учун алла айтишади – қорни тўйганидан кейин у икки соат ухлайди. *«...Аллаё-алла, ухлаш керак... ҳамма келар тебратгани... Лаққа келгин, тинчлантир...Чўртан келиб алла айт...»* Ҳайрон қоламан: нега турк дельфинлари русларнинг алласини айтишади?.. Денгиз оламида яшаш – чинакам лаззат.

На қўрқув, на хафсала пир бўлишлари, на хиёнат бор бунда. Замин ташвишлари йўқ. Ўғлим иккимиз денгиз тубига шўнғиймиз, чўкиб кетган кема каютасига жойлашамиз. Уйқудан олдин юзага сузиб чиқамиз. Тўқ шоколад тус осмондаги юлдузларни санаймиз. Гийбатчи-чағалайлар билан суҳбат қурамиз. Зиддиятлар шахрининг ҳорғин нафасини тинглаймиз. Бизнинг бахтимиз биллурдек соф, ғаройиб тарзда енгил, шўр таъмли. Биз Истамбул деган жаннатнинг нақ марказида – Босфорда яшаймиз...

Паром овозидан уйғониб кетаман. 9:37. Воқеликка кўниккунча қимирламай ётаман. Мен – Гулшаннинг квартирасидаман. Сувости салтанати, куйловчи дельфинлар, чўккан кемалар қаёққа ғойиб бўлди? Ўғилчам қани? Эҳ, бу туш экан-ку. Ажойиб туш... Телефоним жиринглайди. Мен бу ерда йўқман. Телефон чириллашда давом этади. Қўлимни тумбочкага узатаман, атай уйқучан товушда жавоб бераман: «Эшитаман, доктор...» «Хайрли тонг, Алекса! Барвақт қўнғироқ учун узр. Сенга хабар беришга шошил-

дим. Таҳлил натижаларини олдим...» Шифокорни тингларканман титроққа тушаман. Сехрли туш давом этиптими?..

...Мен ҳомиладорман... Бола кутяпман... Она бўламан... Доктор билан қандай хайрлашганимни билмайман. У қонимда вируслар йўқлигини айтди. «Сен соғломсан. УТТ га, гинекологга боришинг керак. Ҳомила қандай ривожланаётганини текширтир. Муддатини аниқланглар. Кўпи билан икки ҳафталик бўлиши керак...» Башоратли туш экан. Яқинда ёмғир билан бўлган суҳбатни эсладим. Бекорга у оналик ҳақида сўрамаган... Ўзандан ҳомиладор бўлганим аниқ. Юрагим остида ўғилчамизни кўтариб юрибман. Ёки ҳолвамизними? Ўзанни севиб қолганимдан бери бошқалар билан бўлганимда сақланиш воситаларидан фойдаланганман. Уни севиб қолганимдан бери ҳомиладорликка қарши ҳапдорилар ичмай қўйгандим. Ўзан билан ҳеч қандай тўсиқларсиз севишганмиз. Шунча абортлардан кейин ҳам қандай қилиб ҳомиладор бўла олдим?.. Болакайим бунга нима дейди? Қайтмас бўлиб кетадими? Олдириб ташлашга жўнатадими? Нима

бўлмасин иродамни йўқотмаслигим керак. Ҳомиладорлик – севгимиз мустаҳкамлигини синайдиган навбатдаги имтиҳон...

Чекиб олишим керак – сигаретани оламан, оловни ёқаман. Йўқ. Мумкин эмас. Алекса, шу ондан бошлаб икки киши учун жавоб берасан... Ўзанинг рақамини тераман: *«Чақирилаётган абонент қўнғироғингизга жавоб бера олмайди. Илтимос, кейинроқ қўнғироқ қилинг»*. Товба, у қаёққа йўқ бўлиб қолди? Ўзан, сен менга кераксан. Ўтинаман, кел! Эй, Аллоҳ, иродамни синаб кўрмоқчимисан? Яхшиси, керак эмас. Буни кўтарадиган ҳолатда эмасман... Олдириб ташлаш ҳақида ўйланаман. Ҳали ҳам кечмас. Бугунги тушни – карамел кўзли чақалоқни эслайман. Нима қилиш керак? Ўзан, Ўзан!.. Радиони қўяман: эҳтимол, биринчи эшитган қўшиғимдан ишора топарман. Яна Ханда Ёнарга тўғри келаман: *«Кетажакни тутиб қола олмайсан. У барибир кетади... Қанча йиғлама... Изтироб чекма... Бунинг ҳеч ёмон жойи йўқдир...»*

...Пулларни санайман. Лирани лирага, қурушни қурушга. Ҳар тийин ҳисобда, пул ишлай олмаяпман-ку. Тежаш керак. Захирамда анча «соққа» бор. Уй-жойга тўланмаса, бу пул олтиетти ойга бемалол етади. Кейин-чи? Истамбулда озиқ-овқат қиммат: кийимлар арзон жойда егулик фалон пул. Энди «Мигрос»лар ёнидан кўз юмиб ўтаман: бу тармоқдаги нархлар оддий дўконлардагидан қиммат... Кийим-кечак муаммо бўлмайди: олдинда совуқлар, устки кийим ва пойабзалим бор, фақат соябон ва қўлқоп олсам бўлди.

Ўтмишдан узилганман, янгидан ҳаёт бошлаш керак. Қаерга бориб ишлашни ўйлайман: муддати ўтган виза билан идоралар ўзига яқинлатмайди. Жиддий иш берувчилар Истамбулда ноқонуний яшаётган ёш жувонни ишга олиб таваккал қилишмайди. Энагаликка ҳам тавсияномасиз олмайди. Дўкон сотувчисилигига минимал иш тажрибаси талаб қилинади. Бирор қаҳвахонага идиш ювувчи ёки официант

бўлиб жойлашиш мумкин холос. Яқин кунларда ошхоналарни айланиб чиқиш керак – омад кулса ажабмас... Одам гавжум жойларда ишлаганим осонроқ, ҳар қандай киши билан тил топишиб кета оламан. Нафақат туркларни, араблар, эронилар, озарбойжонлар, италёнлар феълини ҳам англай оламан. Мени ғазаб ва нафрат билан қўрқита олишмайди.

Ўзимга ёт бўлмиш ушбу қимматбаҳо ҳаёт атмосферасига тушганимдан буён ҳар тонг ўтмишга ўгирилиб қарайман. Очкўз Жамолнинг қилмишлари, меҳмонхонанинг энг юқори қаватидаги хонам, қизлар билан «Юрак-магнит» кўшиғига рақс тушган клубимиз, турли-туман миждозларни эслайман. Ўтмиш қандайдир бегона, шу билан бирга жуда қадрдон туюлади. Аслида уни соғинаман – ўзимни алдаб нетаман?! одам, барибир, гаройиб маҳлуқ. Бир неча йил исқирт ўрада яшаб, ниҳоят чўққига чиққандан сўнг ҳам ўша қадрдон ўрасини соғинади. Худди бу ўра унинг бир қисмига айлангандек...

Ўзандан ҳалиям ҳеч қандай хабар йўқ. Телефони ўчирилган. Бошқа рақами менда йўқ. Афсус,

Гулшанникини йўқотиб қўйдим. Эшик оғасидан сўраб кўришим керак... Давом этаётган жимликка қараганда, Ўзаннынг онаси муносабатларимиздан беҳабарга ўхшайди. Эҳтимол, зарба беришга шайланаётгандир? Хомиладорлигимни билиб қолса қандай йўл тутарди? ...Сигаретсиз жуда қийналяпман. Чуқур-чуқур тортишни истайман. Кетма-кет учтасини чексам. Ахир, барибир, уни олдириб ташлайман-ку! Ёки бормайманми? Билмайман. Оҳ, жуда кўп нарсаларни билмайман...

...Газета-журнал киоскаси ёнидан ўтдим ва санани эслаб қолдим: бугун 16-ку. «Алла»нинг янги сони сотувда бўлиши керак. Доим уни сотиб оламан. Турк журналлари орасида жуда сифатлиси шу. Пештахтадан ой янгиликларини кўздан кечираман: ўхў, мана Жей Ло биринчи муқовада. Сарлавҳаларга боқаман: «Жуда қизғин бўлади. Ранг-баранг бикинилар, суперлибослар»... «Женнифер Лопез. Муҳаббат уни уй бекасига айлантирди...» Пастда анонс: «Бо-⁴лалар – бизнинг келажагимиз...» Озғин сотувчи нигоҳимни илғаганча бошқа журнални тавсия

қилди – «Оналармиз». Муқовада барабан устида ўтирган дўмбоққина болакай. Сарлавҳалар «Кўкрак билан боқиш муаммоларининг барча номаълумликлари ҳақида»гига ўхшаш. Ёш оналар учун нашр. Мени оила ўчоғини асровчи кўпболали она деб ўйлади чоғимда!

Ғайриихтиёрий тарзда ҳамёнимдан 20 лира чиқардим. Киоскдан журналлар ва қайтим – олти дона бир лиралик танга олиб узоқлашдим. Менга «Оналармиз» нега керак? Тежайман дегандим. Она бўлишдан воз кечгандай эдим.

...Хиёбондаги ўриндикда ўтирибман. «Алла»-ни варақлайман. Очик ҳаво, намхуш шабада. Сал наридаги майсазорда болакайлар чинқириб кулишади. Уларнинг атрофида думини ўйнатганча кучукча айланади. Қўшни ўриндикда уч она ўтирибди – болаларига қараб-қараб қўйганча «Бир Истамбул эртаги»нинг охирги сериясини муҳокама қилишади. Мен ботокснинг зарари ҳақидаги мақолани ўқимоқчи бўламан, аммо ҳарфлар оқ-қора бўтқага қоришиб кетади. Шунда миттигина юракнинг уришини ҳис қилгандек бўламан. Ёки янаям ғаройиб туйғу – вужудимда

энг чиройли гулнинг ғунчаси очилаётгандек гўё. Илгари кутилмаган ҳомиладорликка ҳеч қачон бунчалик кўнгилчан муносабатда бўлмагандим. Билганим заҳоти ундан тезроқ қутилиш керак деган фикр пайдо бўларди. Аммо бу гал... Ўзимдаги бу митти юракни қачон севишга улгура қолдим? У қанақа бўларкан? Ўзанга ўхшармикан ё менга? Ўзимдек кўнғирсоч бўладими? Ёки унга ўхшаган қорамағизми?.. Ёнимдан ҳижоб ўранган ёш бир аёл зарғалдоқ панама кийган болакай билан ўтиб қолади. У беш-олти яшар. Мағрур қадам ташлайди, онасидан ортда қолмайди. Бўлғуси ҳимоячи. Ота-онасининг умиди. Севимлиси учун бўлғуси таянч. Югуриб бориб уни қучгим келди. Онасига туғилажак фарзандим ҳақида айтгим, худди аёл аёл билан гаплашгандек маслаҳатлашгим келди... Икки-сини нигоҳим билан хиёбон охиригача кузатиб қоламан, сумкамдан «Оналармиз» журналини чиқараман. Яхши она бўлишим керак. Ўзан яхши ота бўлармикан? Жавоб эса аввалгидек: *«Чақирилаётган абонент кўнғироғингизга жавоб бера олмайди. Илтимос, кейинроқ кўнғироқ қилинг».*

Мана озодлигимнинг дарз кетган кўзгуси. Майдаланиб кетган аксимни кўраман. Кўзгу – менинг қочоқликдаги ҳаётим. Дарзлар – қонун олдидаги муаммоларим. Истамбул мени чин кўнгил билан қабул қилди, аммо қоғозлар аксини билдиради: бу ерда чақирилмаган меҳмонман. Ҳомиладорлик барчасини қайтадан тафаккур элагидан ўтказишга мажбур қилади: ўзгаришлар зарур. Энди фактлар, хатти-ҳаракатлар, воқеаларни ҳушёр баҳолашимга тўғри келади. Мен энди *иккимиз*: ўзим ва фарзандим учун ҳам жавоб беришим керак. Аниқроғи, ўғлим учун, мен бунга аминман. У онаси рус нолеғали эканлиги учун айбдор эмас. Ўғлим учун бошқача: ёруғ ва қулай ҳаёт истайман... Мана – ботинимда оналик инстинкти туғиляпти ҳам. Жанговар, қўрқмас тарзда.

Кун ўтган сари ўзимдаги бу ҳимоясиз жонни кучлироқ севиб боряпман. Болажонимнинг бахтига чанг солувчи ҳар қандай одамнинг бўғзини ғажиб ташлайман. Фақат ўзимгагина ишонаман.

Ёнимда таянч бўлгувчи эркакни кўришни истайман, аммо тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, маъсулият яқинлашганини кўрган аксарият эркаклар дарҳол қочиб қолишади. Кўрқоқликларини бир пайтлар яхши кўрган аёлларидан ҳафсаласи совугани билан пардалашади. Наҳотки, Ўзан ана шу кўпчиликка мансуб бўлса?.. Нима бўлганида ҳам, ҳозир ўз кучларим билан ҳимояланаман. SOS хабари тарқатишим бефойда. Дод-войнинг ўрнимас. Ҳеч ким яқинининг муаммосини ҳал қилишни хоҳламайди...

Ҳозир ўзига ишончи йўқ ўсмир сингариман. Ўсмир атрофдагиларни айблаб шикоят қилади, йиғлайди. Аммо мен кучли бўлишни истайман. Бир лаҳзада қувватга тўлишни. Болани бир ўзим оёққа турғаза оламанми? Босфорддан куч сўрайман. Бир нарсадан бўлак ҳеч нима ваъда қилмайди: «Алекса, доим ёнингда бўламан...» Болани қачонгача яшириб юраман? У қаердадир рўйхатдан ўтказилиши керак – ҳеч бўлмаганда эмлаш учун поликлиникадан. Агар болани рўйхатга олишса, полиция шу заҳоти эшигимни қоқиб келади. Болани етимхонага

жўнатишади, Алексани – қамоққа, кейин мам-
лакатдан чиқариб юборишади... Йўқ, болани деб
озодлигимни қурбон қилишим – ўз истагим би-
лан Истамбулдан воз кечишим дегани... Ўрганиб
қолган оламим билан 9 ойга чўзилган оҳиста
хайрлашиш. Бироқ, болам учун шарқ эртагига
нуқта қўяман – бу шунга лойиқ қурбонлик.

...Илгари тасаввур қилолмасдим: пишир-куй-
дирга қўлим келишиб қолибди. Тўқ-сиёхранг
бақлажонлар қайнаётган сувда у ёқдан-бу ёққа
ағдарилади. Шишиб кўкиш тусга киради. Ян-
гилигида эгилувчан пўсти тиришиб қолади,
бўйлама тилинган жойларидан кўринмас аччиғи
чиқиб кетади. Соат милларига қарайман.

Бақлажонни икки дақиқадан зиёд қайнатмаслик
зарур... Бу орада сопол косадаги майда тўғралган
пиёз аралаштириб қовурилган бузоқ гўшти
қиймаси совийди. Унга қуритилган райхон, учта
помидор эти, бир оз тузу қалампир қўшдим.
Кўп ўтмай қайнатилган бақлажон ва ширин
қалампир ичини қиймага тўлдираман. Аввал-
дан сабзавотлар ичига бармоғимда зарчава, зан-
жабил, сумак аралашмасини суртиб чиқаман.

Тўлмали сабзавотлар – дўлмаларни қат-қат қилиб чуқур кострюлга соламан ва устидан лола шаклидаги стакан – бордоқни уч бор тўлатиб сув қуяман. Қайнай бошлаши билан оловни пастлатиб димлайман. Тагида бир бордоқча келадиган шўрваси қолади холос. Унга иссиқ сўлқилдоқ нонни ботириб есанг жуда лаззатли бўлади.

Бугун кечга байрам зиёфати ташкил қилгим келди. Бунга баҳона излаб тополмадим. Кейин хаёлимга остонада турган кузни нишонлаш керак, деган фикр келди. Янги сабзавотларни тативул қилиб... Эрталаб маҳсулот олгани дўконга чиқдим. Қизил шароб ҳам олгим келдию, қорнимдаги болам эсимга тушгач, нигоҳимни табиий шарбатлар терилган токчага бурдим...

Тайёргарлик кечга томон охирига етди. Стол безай бошлаганимда қош қорайиб бўлганди. Гулшаннинг ошхонадаги жавонидан хушбўй шамлар, лаванда топиб олдим. Роса керакли нарсалар. Сезен Оқсунинг дискини қўйдим. Унинг ноалари жуда эзгин, ҳар бир қўшиғида фортепиано, саксафон, скрипка ўзининг қисқа

ва абадий ҳаётини яшайди... Деразани ланг очдим: оқшомги шаҳарнинг сирли ажиблиги бор. Машҳур кўприк тўқ-мовий само фонида нур таратади, тўлқин шовқин солади, пастдан итлар хуриши эшитилади. Ўтмиш ва келажак яхлитлашади, абадийликка сингийди...

Бақлажон-қалампир дўлмаси тайёрлашни менга Ўзан ўргатганди. Ўзан менинг ўша хонамда илк бор шуни тайёрлаганида хушбўй иси бутун қаватни тутганди. Ўшанда ҳам, худди ҳозиргидек, Сезен Оқсуни тинглагандик. Болакайимга бўлган муҳаббатим ич-ичимдан тўлиб-тошганди. Энди эса ўша пьесанинг янги сахнасидан янги декорациялар ўрин олган... Байрам зиёфати Ўзансиз ўтмоқда. Аммо бу сафар мен билан ўғлим бор. У менга ўхшайди. Иккимиз яқинлашаётган куздан қувоняпмиз...

Туннинг қолган қисмини ҳам Оқсуни тинглаб ўтказдим. Қўлимда томат шарбатли бокал. Ҳаёт доим ёмон бўлмайди – ҳар қандай қоронғу тоннелнинг ҳам охири бор. Нима бўляпти менга – басир оптимизмми бу? Ё тирилган умид?

...Гемоглабин пасайган. Иммуниетет кучсизланган. Гинеколог ҳомиладорларга мўлжалланган махсус витамин комплекси, таркибида темир мавжуд препарат ёзиб берди. Мева ва сабзавотлар, сут маҳсулотларидан кўпроқ истеъмол қилишимни тайинлади. Ҳафтасига камида икки марта гўшти шўрва ичишим керак экан. Икки ой мобайнида оч қоринга янги сиқиб олинган қизилча ва сабзи шарбати ичишни тавсия қилди. Ширинликлар, қовурилган ва аччиқ таомлардан кўз юмишим керак. Шарқда бунақа «учлик»дан воз кечиш – таҳсинга сазовор жасорат. Болам учун бундан кўпига ҳам розиман...

Умуман олганда, ҳолатимдан шифокорнинг кўнгли тўқ: «Ҳозирги экология, асабий турмуш тарзида барча бўлғуси оналарда бўшашган иммуниетет кузатилади. Ҳавотирли жойи йўқ. Қувватга тўлиш керак, бор гап шу». УТТ дан ҳам ўтдим: ҳеч қандай патология кўринмади, Аллоҳга шукур. Ҳомила меъёрида ривожланып-

ти. Муддати камлиги учун жинсини аниқлаб бўлмади. Аммо бу ўғил. Аниқ биламан. Тушларга ишонаман... Ҳа-а, ҳомиладор ҳолимда пулни тежашга мажбурман. Шифокорга учраш анчага тушди. Кўрик ва УТТ га тушиш учун 400 лира атрофида тўладим. Энг яхшиси хусусий клиника – ҳеч қандай қоғозу қайдларсиз қабул қилишди. Яна шифокоримга буларни ташкиллаштириб бергани учун ҳам пул бермасам бўлмасди...

Клиникадан кейин ёзиб берилган дорилар учун дорихонага кирдим. Бекатдан берироқда озғин кулранг мушукни кўриб қолдим. Юнги ифлос, ҳоли абгор, қорни кириб кетган. Кўлимдаги пакетни кўриб зорланиб миёвлади. Мушукнинг ёнига чўк тушганимда унинг ёнида ғужанак бўлиб олган мушукболага кўзим тушди. Кўзлари юмуқ. У онасининг пинжига киришга ҳаракат қилар, қорнини тумшуғи билан пайпасларди. Улкан шаҳарнинг дайди мушуги. Ҳаётимнинг акси... Шунчаки, Алексага омад сал кулиб боқди...

Бахтимизга ёнимизда дўкон бор экан. Мушуклар учун бири жигардан, бошқаси бузоқ

гўштидан тайёрланган таомли банкачалар харид қилдим. Дориларни сумкамга солиб, пакетга банкадагиларни бўшатиб катта тош устига қўйдим. Она-бола мени унутганча шу заҳоти озуқага ташланишди. Бугун уларнинг кўчасида байрам. Бугун Тақдир иккисига кулиб бокди, эҳтимол эртага янги зарба бериши мумкин. Бундай хаёл – бадбинлик аломатими?.. Мушукларни бироз кузата туриб, қаттиқ кўрқув ҳис этдим. Мен ўзим ва боламга бундай ҳаётни раво кўрмайман. Мен 23 миллион аҳоли орасида ўзимизни бегона ҳис қилишни истамайман. Ўтган-кетгандан эҳсон кутишни хоҳламайман...

Тоннел сўнггида ёруғлик бўлиши керак, бўлиши шарт! Чироқлари куйиб қолмаган бўлса бас... Қизик, битта мен шунақа кўрқоқманми ёки барча ҳомиладорлар шундай ҳиссиётли бўлишадими?..

...Лифтни кутаётганимда камгап эшик оғаси чақириб қолди. «Эрталаб Гулшан хонимнинг ёрдамчиси хат келтирганди, сизга бериб қўйишимни сўради. Эртага жавобини олгани келаркан». Оппоқ очиқ хатжилднинг имзоси

йўқ. Ўзаннинг опаси нега менга хат ёзди экан? Қўнғироқ қилса ҳам бўларди... Лифтга чиқиб, ўз қаватимга кўтарилдим. Квартирам эшигини оёғим билан ёпганча, хатни ўқишга тушдим. Сумкам қўлимдан тушиб кетади. Таниш ёзув. Э Худо, мактуб болакайимдан-ку! Юрагим бир ёмонликни ҳис қилади. Ўқиркан, қўлларим титрайди...

«Севиклим, салом! Нимадан бошлашнIAM, қандай тушунтиришнIAM билмайман. Ёзишдан кўра, айтиш осонроқ. Ахир, мактуб – ишончнинг бўлак даражаси. Бунда кўзларга эмас, сўзларга ишонасан... Ўйларингдан қўрқаман. Мен ҳақимда севгимиздан воз кечди, деб ўйлаётгандирсан. Қўрқоқдек қочиб кетди дерсан. Мени хоинона ёлғиз қолдирди деб. Шундай ўйлаган бўлсанг, бирор нарсада сенга таъна қилишга ҳаққим йўқ. Мен кутилмаганда йўқолиб қолдим. Бир неча кундан бери олдингга боролмадим. Бирор хабар ҳам жўнатганим йўқ... Севгилим, бу хатни қийинчилик билан Гулшандан бериб юборяпман. Ундан миннатдорман. У – менинг сен билан ягона алоқам.

Ота-онам мени уйга қамади. Ойим мендан

олисга бир қадам ҳам қўймапти. Қоровуллар ҳар қадамимни кузатиб юришибди. Сенинг олдингга қочиб кетмаслигим учун ҳамма кўз-қулоқ. Мен кун бўйи хонамда ўтираман, на телефон, на компьютер бор. Уй телефонлари ҳам узиб қўйилган. Ойим мени яшириб ўтирабди. Сенинг севгингдан... Ота-онам севгимиз ҳақида хабар топгач ғазабландилар. Буни аввалдан пайқагандим, аммо ойим бунча тошбағирлик қилади, деб ўйламагандим. У сенинг қаёққа яширинганингни билишга уриняпти. Мен индамай юрибман, Гулшан ҳам. Ойим ўз қизи унга қарши бораётганини хаёлига ҳам келтирмайди... Бугун Гулшан биринчи бор олдимга келди. Унинг телефонидан сенга қўнғироқ қилмоқчи бўлдим, аммо ёнимизда ойим турганди. Агар у бизни бир лаҳзага ёлғиз қолдирса бўлди, бу хатни унга бераман. Опам сен билан учрашганини айтди. Сенда ҳаммаси жойидами?.. Бу сатрларни ёзиш оғир. Ҳозир боладек кўз ёши қиляпман. Нега бирга бўла олмаймиз? Нима учун бир-биримизни севишимиз мумкин эмас?.. Севгилим, хавотир олма, Гулшан билан бирор нарса ўйлаб топамиз. Бундай давом этиши мумкин эмас. Сени севаман. Мен ҳеч ким-

ни бунчалар севмаганман. Ишон... Учрашгунча.
Ўзингни асра. Сенинг Ў.»

46

...Қаторларни синчиклаб ўқиб чиқиб кўзларимга ишонмайман. Кап-катта йигитни шундай қилишлари мумкинми?! Айб иш қилган кучукболадек тўрт девор орасига қулфлаб қўйиш нимаси?.. Наҳотки, шарқ оиласида инсоний шаънга ҳурмат бўлмаса? Қайналиб кетаман. Агар ўша Бенал деганларининг телефон рақами бўлганидан эди, ҳозироқ қўнғироқ қилган бўлардим. Бир-иккита «ширин» сўзларни айтиб яхшилаб гаплашиб олардим. Шу алвасти боламнинг бувиси бўладими? Даҳшат. Қасам ичаман, ўғлим уни кўрмайди...

Хатни юзимга босаман. Ўзаннинг ҳидини илғагим келади. Болакайимни шунчалар соғиндимки... Бахтимга Ўзан хатнинг охирига Гулшаннинг рақамини илова қилибди. Аллоҳга шукур, энди ҳар ҳолда алоқа бор. Албатта, у билан қўнғироқлашаман, учрашаман – севгилимни

албатта кўришим керак. Аммо қандай қилиб?.. Қанақа жавоб ёзишни ҳам билмайман. Қандай ёзишни ҳам. Очиқ-ошкора тарздами? Ҳозир яширишнинг пайтимас. Бир-биримизнинг олдимизда очиқ бўлишимиз керак... Мен хат ёзаман, ўқиб чиққач йиртиб ташлайман... Иккинчи бор ёзаман, анча маъюс чиқади. Яна – ахлат қутисидан ўрин олади... Очиқ, лўнда ёзаман. Ишораларсиз. Ҳомиладорлигимни айтмасам бўлмайди: нима учун курашиши лозимлигини билиб олсин. Ёки нега мени ташлаб кетиши кераклигини...

«...Севгилим, роса хавотирда эдим. Қайғурдим. Миямга ҳар хил фикрлар келди. Муҳими – омон экансан. Қолгани бир гап бўлар. Тўғрими? Ўзан, мен шифокорга учрашдим. Ҳомиладорман. Сенинг фарзандингни юрагим остида кўтариб юрибман... Билмайман, бунга қандай қарайсан, айниқса ойингнинг хатти-ҳаракатларидан кейин. Нима бўлганида ҳам бу бола сен менда пайдо қилинган умиднинг давоми... 18 ёшдасан. Бу оталик учун жуда барвақт. Мени ташлаб кетсанг – буни тушунаман, тўғрироғи шунга ўзимни

*мажбур қиламан. Мен, тўғрироғи – биз сени сева-
миз. Кутяпмиз... Ҳомиладорлигим ҳақида ҳали ҳеч
ким билмайди. Гулшанга яқин кунларда айтаман.
Ота-онанг буни билмасликлари керак – бўлмаса
вазият янада ёмонлашади... Мактубингни кута-
ман. Бетоқатларча. Соғиндим, севаман. Мен учун
кучли бўл. Кечирасан, биз учун. Учаламиз учун...»*

* * *

Хўжайин ва ит

...Улар худди бир бутунлик. Хўжайин ва ит. Иккисида ҳам – нам қайғудан чўккан ўйчан қўйқўзлар. Бир-биридан озгина оралиқ сақлаб ҳаракат қилишади: ит олдинлаб кетади, хўжайини эргашади. Шалпангқулоқ кўппак соҳил бўйлаб тинмай искаланди. Хўжайини туркка ўхшаса-да, ҳар дақиқа русчалаб «Фу, Ойдин!» – дея итини чақириб қўяди. Қорамағиздан келган 25 ёшлардаги соқоли сал ўсиқ йигит. Савлатли, бўйчан. Ойдин қулоқ солмайди – чағалай ўлигини аланг-жалаң қилиб ялайди, ўзи би-

лан олиб кетмоқчи бўлади... Югуриб келган хўжайини ўроғлиқ «Сабоҳ» газетаси билан унинг кетига астагина уради – ит чағалайни ташлаб думини ўйнатганча янги саргузаштлар сари чопиб кетади.

Йигитнинг телефони жиринглайди, туркча гаплашади. «Зайнаб» исмини тилга олади – синглисими ё қайлиғи?..

Бугун саҳарлаб Босфор соҳилига келдим. Жавоб хатни эшикбоннинг столига ташлаб, сочларимни кепкам остига йиққанча тонгги сарин ҳаво сари қадам қўйдим. Куз яқин: салқин шабада эсади, ҳавода сўлгинлашаётган ёз иси анқийди, яна япроқлар ҳам ям-яшил тусини йўқота боради. Ўзан худди мен каби кузни ёқтиради. Бироқ мен уни озод кутиб оламан, у эса – олтин қафасда. Адолатсизлик ва уқубат ҳамиша қўшалок юради.

Босфор мени кўриб жилмаяди. Дўстона қучоқ очади: «Бурнингни осилтирма. Сабр қил.» – «Айтишга осон, қадрдоним. Сабрни қаердан оламан?» Босфор ити билан сайр қилаётган йигит

томонга имлайди: «У ҳам бир пайтлар шундай деганди. Аммо ҳаммаси ўтиб кетди. Ҳатто абдий туюлганлари ҳам...» Энди хўжайини билан ёнма-ён турган ит тишида шарча тишлаб олганча эгасининг кўзларига тик қарайди. Йигит ўйиндан бош тортади. Ён дафтарига нималарнидир ёзади. Ўнг кўзини қисади. Ора-сира, аммо чуқур тортганча сигарета чекади.

Бу жуфтликни соҳилда тонг пайтлари тез-тез учратаман. Улар ташқи дунёдан узилгандек – бамисоли соҳилбўйи, Босфор, минорали кўприклар ҳам унинг шахсий драмасида декорация учун хизмат қилаётгандек. Ёки менгагина шундай туюладими?.. Бўш турган ўриндиққа чўкаман. Соҳилда одам кам: мен, йигит ва ити, лўкиллаб чопаётган европаликка ўхшаш икки семиз хотин... Кундаликни очаман. Ёзилган саҳифаларни варақлайман: қизиқ томони, барча ёзувларим бир хил ўлчамда. Бамисоли қатъий шаклланган форматда ёзаётгандекман. Ойдин ёнимга югуриб келганча тиззамни искайди. Кўзлари шунақа жиддий, самимий... Доим

итим бўлишини истаганман. Ойдин тумшуғини тиззамга қўяди, зиғиртола шимимда сўлак доғларини қолдиради. Эҳтиёткорлик билан унинг пешонасини силайман, кафтимни совуқ бурнига теккизаман. Хўжайини итининг йўқолиб қолганини пайқаб қолади ва ёнимизга шошади. Мени қўрқувдан чинқириб юборади деб ўйлаган бўлса керак. Яноқлари қизарганча етиб келади: «Қўрқманг, у тишламайди. Қани, ёнимга! Кечирасиз...» Бошимни кўтараман: «Мен итлардан қўрқмайман. У жуда ҳам кулгули... Тик турманг, ўтиринг. Яхшиси, соат нечалигини айтинг. Телефонимни уйда қолдирибман». – «Албатта. Ҳозир соат саккиз». Суҳбатлашиб кетдик...

47

...Қамишлар орасидаги мурда. Юзи хира. Уни кўздан кечириб чиқишга уринаман: боши худди хира булутдан иборат пардали. Қуёш терисидаги тирқишларга сингийди. Оёғим остидаги қизиган тупроқ ҳиди. Номаълум хира хашоратлар ғўнғиллайди. Қўрқинчли. Ўлдирилган киши

анча ёш йигитча. Қонга ботиб яланғоч ётибди. Кўксидаги уч ўқдан қолган тешиқдан ҳали ҳам қуюқ қон силқийди. Ўсмирни ўлдириш кимга зарур бўлиб қолди? Нега у яланғоч? Ўзим бу ерга қаердан келиб қолдим? Атрофимда кета-кетгунча қамишзор. Бақираман: «Ҳой! Ким бор?» Жимликда яноғимга аллақандай қўнғиз қўнади. Брр.. Бошимни кўтараман – осмон булутсиз, тубсиз мовийлик ва ҳавода самум пайдо қилувчи, вужудингни тешгудек нур сочаётган қуёш. Жуда ташнаман. Худо унутган бу жойда сув умуман йўқ. Битта йўли бор – ўлик ўсмирнинг қонини ичиш. Бошим айланади. Юрак уришим секинлашган. Тиз чўкиб жонсиз тана узра энгашаман. Танлов йўқ. Зарур, зарур... Нигоҳим ўнг тиззага тушади. Худойим, Ўзаннынг ҳам худди шунақа чандиғи бор! Наҳотки, бу менинг болакайим?! Нимага унинг юзини кўра олмаяпман? Бақираман. Кучанганимдан бошимдаги томирларим ёрилиб кетади. Кўзимга қон қуйилади...

Кўз ёшимга ғарқ ҳолда уйғонаман. Ёнимдаги ёстикда ётган Хаёл титраб кетади. Алекса, бу бор-йўғи туш! Тинчлан. Қўл телефоним экрани-

да 00:40. «1 ўқилмаган хабар». Очаман: «Ў. Хатингни олди.Тезда кўришишимиз керак. Г.»

* * *

...Ойдиннинг хўжайини бир текис, тирноқлари силлиқ чиройли бармоқларга эга. Лаблари катта-катта. Кўзлари қувватлантирувчи оптимизмдан ҳоли – романтик маъюсликка макон... У савлатли, борлигида мен тинчланаман. У билан очиқ муносабатда бўлгим келади. У мени эркакдек эмас – худди олов ёниб турган камин олдидаги қулай кресло каби ўзига тортади. Хотиржамлик ва оламни тинглаш ҳолати. У билан оний яқинликни хаёлимга ҳам келтирмайман. Мен Ўзанни севаман. Ойдиннинг хўжайинига нега энди ола қарашим керак? Биз аёллар шунақамиз. Агар эркак бизни шахс сифатида қизиқтириб қолса, кейин худди лойиқ жуфтдек қизиқтира бошлайди... У ёнимга ўтиради. Нигоҳи олдинга, Ғалати минора учига қаратилган. Мен ҳам сукутдаман. Ойдин ўриндиқ пойида шамол қувиб юрган хазонларга тикилганча ётибди. «Мегапо-

лислар кенгаяркан, йиллар оша дағаллашади, тараққиёт туфайли ҳиссиэлашади. Истамбул эса бундай эмас: унинг кўриниши ўзгаргани билан атмосфераси аввалгидек қолишини пайқаганмисиз?» – у кафти билан соқоли оладиган бўлганми-йўқми, текшираётгандек чаккаларини силайди. «Пайқаганман. Вақт ритми бу шаҳарни ўзгартирмайди, аввалги қарама-қаршиликлари эса сақланиб қолади...» – мен рус тилида жавоб бераман ва ўзимнинг ўйинимдан қувонаман. Ҳайрон бўлади: «Россияданмисиз?» – «Ҳа. Ўхшамайманми?» – «Мен ё Чехиядан, ё Исроилдан бўлсангиз керак деб ўйлагандим...» У ғалати тарзда, лабининг чап бурчи билан чекади. «Мен уни дастлабки кунимдаёқ Истамбул дея атамаганман». – «Шунақами?.. Қизиқ. Мен Истамбулни қарама-қаршиликлар шаҳри деб атадим». – «Мен эса уни кўнгил шаҳри дея атаганман». Шоирона!

«Истамбул кўнглингизни эгаллаб олган эканда?» – «У эгаллаб олмаган. Қалбимнинг бир зарраси у...» Соҳилбўйи одамларга тўла бошлайди: уч қизалоқ велосипед ҳайдашади, ёшариш учун

юзларига обдон ишлов берган кампир пекнис итини сайр қилдиради. Қорайиб кетган бир бола кўк пластмасс челақни кўтарганча «Оби-ҳаёт! Оби-ҳаёт!» дея бақириб ўтиб кетади. Совуқ сувни ярим литрлик шишаларда сотиб юрибди. Катта шаҳарнинг хилма-хил одамлари... Бу йигитда мени нима қизиқтириб қўйди? У билан гаплашишга нима мажбур қиляпти? Бир нарсага аминман: биз дўстлашиб кетамиз. Балки, бизнинг дўстлигимиз соҳилбўйидан нарига ўтмас, бу муҳиммас. Муҳими – у билан хотиржамман.

...Танишганимизга бир неча соат бўлдию, менинг унга ҳаммасини айтиб бергим келади. Эҳтимол, бу узоқ давом этган ёлғизлигим натижасидир. Оғриқларимни ким биландир ўртоқлашим керак... Ўтмишим ва ҳозиримни яшириб ўтирмайман. У мени тушинадигандек туюлади. Босфор бизларни бежиз тўқнаштирмаган... «Айтингчи, ён дафтарингизга нималарни ёздингиз?» Табассум қилади: «Бу муҳимми?». Мен такаллуфсизлигимдан қизараман. «Йўқ, албатта. Шунчаки, менда ҳам Босфор ҳамроҳлигида у-буни ёзадиган касалим

бор...Аммо мен Кундалик тутаман...Келинг, сен-
лашайлик.» Ўзини таништиради. «Хурсандман.
Меники – Алекса.Александринг қисқартмаси».
Қўлимни узатаман. У қисиб кўяди. «Мен жур-
налистман. Доим ниманидир ёзиб юраман. Бу-
гун навбатдаги лавҳам учун чизгилар қайд этиб
қўйдим, уларни ўзимнинг виртуаль кундали-
гимга қўшиб қўяман». – «О! Уларни ўқиб кўриш
жуда қизиқарли бўларди. Манзилини берасан-
ми? Мен интернет-қаҳвахонага атайин кириб
ўтган бўлардим...» Энсасини қашлайди. «Абатта.
Аммо сенга ёқмайди деб қўрқаман – жуда чуч-
мал нарсалар». Куламан: «Ишонмайман. Бундай
кўзлар эгаси чучмал ёзмайди.» Сухбатимиз шу
ерда узилади: Ойдин мушукни пайқаб қолиб,
унинг кетидан чопади. Биз ҳам жойимиздан
қўзғалиб ўйноқи итнинг ортидан тушамиз...

...Бизлар: мен, болам, у ва Ойдин бирга бўлган пайтимиз юрагимга осуда бахт кириб келади. Улар билан мен севадиган ва мени севишадиган оилага эга бўламан. Ўзига хос, саришта ва хушбўйга эга. Фақат Ўзангина етишмайди... Одамга оила қанчалар зарурлигини йиллар оша англаб етаяпман. На пул, на мансаб, на дўстлар оила ўрнини боса олмайди. Оила – худди пазл элементи каби: етишмаётган парчани топсанг сурат бутунликка айланади...

Учинчи кундирки, саҳарлаб тураман. Сумкамга бирор мазали егулик солиб ўша ёққа шошаман. Соҳилбўйига қанот боғлаб учаман. Менда ҳали ҳам момик булутларда жониворлар тасвирини илғай оладиган қучоққа сиғмас москвалик қизалоқ Александра яшаётган экан... Дўстлик учун уч кун – арзимас муддат. Айтишларича, дўстлик ҳам худди севги сингари вақт синовидан ўтиши керак. Аммо биз худди юз йиллик кадрдонлардек гаплашамиз. Мен унинг таъбини ўзимникидан сал камроқ биламан, холос. Ой-

диннинг истакларини худди уни кучукчалигидан парваришлаётгандек биламан. *Дўстим* бодомли қора шоколадни ёқтиради, фикр кучига ишонади, қорамағизларни афзал кўради, бақлажон соусидаги спагеттиларни севади, хонанда қиз Жондон Эрчетинга мухлис, «Йил фасллари» сеvimли фильми, ментолли сигаретларни ёмон кўради. Ойдин эса соҳилбўйидаги узоқ сайрларни севади, қуруқ озуқани ёқтирмайди, мушукларни қувиб юришни хушлайди, хира ротвейлердан безор ва келишган лабрадорларни учратишни истайди...

У мени «зирхли хоним» деб атайди. «Сенга қойил! Қўл қовуштирмай жанг қилдинг. Шаҳарга бўлган муҳаббатингни асраб, бу ердаги машаққатларга бардош бердинг...» – «Ҳа, бўпти... Сенинг назарингда мен енгилмас қаҳрамондекман... Тушун, бошқа чорам йўқ эди. Бу ерда яшаб кетишга мажбур эдим – бошқа исталган жойда аллақачон ерпарчин бўлардим». У эҳтиёткорлик билан яноғимга тушган кипригимни олиб, бирор ният қилишимни сўрайди. «Ҳеч қачон бахтга бўлган ишончни йўқотмасликни

хоҳлайман!» «Саш, ниятни ичда айтиш керак». – «Мен эса овоз чиқариб айтишни истайман! Ёнингда барча орзулар ушаладигандек туюлади...»

У мени ҳамма каби Алекса деб эмас, Саша деб чақиради. Танишганимизнинг биринчи кунӣёқ ҳар кунги ёзувларимни туширадиган ён дафтарим муқовасига қалин фломастерда «С.нинг кундалиги» деб ёзиб қўйганди – ўзимгаям ёқди. У менинг Ўзанга бўлган муҳаббатимдан хабардор. Охирги воқеалардан кейин чини билан ҳаяжонга тушди: «Балки, севгилингни озодликка чиқарармиз?» Мен ёрдамдан воз кечдим, бировни аралаштиришни истамайман. У – яхши дўст, 72 соатдан буён танийдиган аллақандай одамга ёрдам таклиф қилди. Мен бундай қилолмасдим... Орамизда ғаройиб дўстлик бор. Эпицентри – соҳилбўйи. Деярли сўзсиз. Шартли сарҳадлари билан... Мен яна севги ва дўстликни ўргатган Аллоҳга шукур қиламан.

...У ўтмиш мавзусини четлаб ўтади. Унинг учун аввалги Алексамас, айна дамдаги Саша мавжуд. Уялишидан эмас, менга қанча азоб келтирган ўтмишни билишни истамаганидан шундай. «Мен ҳозирги Сашани биламан. Ўтмишда Алекса нималар билан шуғуллангани мен учун муҳиммас. Орамизда авлиё йўқ.» У билан ҳар қандай мавзуда гаплашиш мумкин.

«Туркчани сув қилиб ичворибсан. Акцентсиз гаплашасан. Компьютерниям тушунасан. Таҳририят ёки нашриётларда матн терувчи бўлиб ишлашинг мумкин. Афсус, ҳужжатларинг чатоқ экан. Аммо уйга иш олиш ҳам мумкин. Менинг бир таниш ёзувчим бор, фақат қўлда ёзади, кейин теришга беради... Бир гаплашиб кўрай.» Сумкамдан иккита шафтоли оламан, бирини унга узатаман. «Компьютер-чи, уни қаердан оламан?» – «Менда битта эскироғи бор. Матн теришга ярайди. Битта эски матоҳимдан қутилардим мен ҳам». Шафтолини тишлайди, шарбат иягига оқади. Ойдин шу заҳоти ёнимизга югуриб келади, думини ўйнатганча сийлашимизни кутади. Чиройли очофат шафтоли ўрнига

колбаса ҳиди келадиган итлар печеньесини хаводаёқ илиб олади. «Печеньесиз Айда билан сайрга чиқиб бўпсан. Жуда таъмагир ойимча. Текинга бирорта буюруқни бажармайди. Ўйнагани коптокчани келтиради, аммо шунгаям мукофот сўрайди», – кулади у.

Мен кўзларимни юмаман. Денгизнинг сарин хавосини симираман. Икки кунлар бурун кўнгилдагидек ҳаётни қура олишимга шубҳаланардим. Энди эса қандай яхши ва осуда. Наҳот, воқеликда эртаклар учраса?...

49

У менга қўл телефонидаги фотоларни кўрсатди: телефон хотираси чиройли, яноғида кулгучи бор қорамағиз қиз расмларига тўла. Зайнаб. Фахрланади. Севади. Завқланади. Уларнинг қандайдир қаҳвахонада бирга тушган расмлари ёқди: тўгарак столча атрофида ўтиришибди. Кулупнай коктейлли битта қориндор бокал юзасига кўпиртирилган қаймоқ уйиб қўйилган, унга иккита йўл-йўл найча тикилган, унинг

устида бир-бирига ёпишган икки офтоб чехра. Кўзларида бекиёс муҳаббат. Табассумлари ўзаро жозиба жилосини нурлантиради. Улар кўринишидан худди ака-сингилдек ўхшаш...

У ўз маҳбубасини узоқ пайт излаган. Неча бор куйишлар, оғриқли тўқнашувлар, алданишлардан ўтган. Тортишиш кучига ишонган ҳолда юрак билан излаган. Қандайдир фолбин унга севгилисини Ўртақўй дўконларидан топишини башорат қилган экан, орадан бир неча ой ўтиб, улар «Мигрос»да учрашиб қолишибди. У кулади: «Одамлар севгисини қандайдир романтик жойларда: серсоя хиёбонларда, денгиз бўйида, саришта ресторанчаларда учратишади. Мен эса супермаркетнинг одмигина сабзавот бўлимида севгимни топганман. Бир боғлам салат барги муҳаббатимиз тумори бўлган. Романтик, тўғрими?..»

Уларнинг ғаройиб танишув тарихини тингларкан ўзимча севгига эга бўлиш формуласини аниқлаштираман: «Яримтангни топмоқчи бўлсанг, бунга ишон». Менинг ҳолатимда севгининг ўзи мени топган – демак, Ўзан мен учун

ҳам ишонган. У севгилари ҳалигача синовларда эканини тан олади: «Мен Туркияда ҳамиша бўлмаيمان – қадрдон Боку билан кўп нарсалар боғлаб туради. У ерда ҳам, бу ерда ҳам ишим бор. Дўстларим у ерда ҳам, бу ерда ҳам бор. Икки мамлакат орасида бориб-келаман, ҳар кетишим иккимиз учун синов. Ҳафта-ойлаб кўришмаслик осон деб ўйлайсанми? Бокуда кўпинча тушкунликка тушиб қоламан, юрак соғинчдан пора бўлади. Аммо биз буни енга оламиз. Ўйлайманки, тез орада бу ерга буткул кўчиб келаман...»

Бўлғуси хотинидан омади чопган: Зайнаб ўзига ишончи юксак, рашкчанмас, севгилисига ҳам ишонади. «Зайнаб рашк қилишга ҳақли – менинг қанча-қанча дўстим, дугоналарим, алоқаларим бор... Аслида аксинча: қайтага мен кўпроқ рашкдан қовириламан. Кунига уч маҳал қўнғироқлашамиз, агар Истамбулда бўлсам, кечқурунлари, албатта, кўришамиз. У мендан қаерда, ким билан бўлганимни сўрамайди. Мен эса ҳисоб беришини талаб қиламан. Бу ишонч йўқлигиданмас, умр бўйи излаган одамимни йўқотиб қўйишдан қўрқаман. Зайнабни ўз раш-

ким билан тўйдириб юбормаслик учун ўзимни тутиб туришга уринаман...»

Дўстимни тингларканман, хаёлан Ўзан ик-кимизнинг севги қиссамизни варақлайман. Болакайим ўтакетган рашкчи. Шу сабабли у мени аввалги ҳаётимдан юлиб олди. Ва сақлаб қолди. Менда рашк туйғуси ҳеч қачон бўлмаган – балки орадаги ёш фарқи йўл қўймагандир? Бир нарса-ни яхши биламан: ҳозир бутун вужудим билан Ўзanni соғиняпман...

Дўстим ҳар қандай тўсиқни бузиб ўтадиган севги қудратига ишонади: «Саш, орадаги ёш фарқи ҳам ўзига хос тўсиқ. Бу худди ғоянинг амалиёти. Асос битта, ҳаракатлар ҳар хил. Агар севгингизни асрай олсангиз – бирга бўласиз. Бу гулханга ўтин ташлаб туришдек гап – олов ўчай деганда сен уни қайта-қайта ёқишга тушасан». Диққат билан тинглайман. У мендан ёш, аммо ақллироқ. «Сен жуда фаросатлисан. Китоб ёзишни ўйламаяпсанми?» Жилмаяди: «Раҳмат, қадрдоним. Мен оқилона фикр юритишга ҳаракат қиламан, шу холос... Китоб ҳам ёзаяп-

ман. Тўғри, у китобга ўхшамайди. Йўқотилган вақтни тасвирлаб боряпман: ўзимнинг Истамбулга келишим, Босфор билан дўстлашганим, Ойдинни топганим, Зайнабни учратганим...» Калламга бир ғоя келади: «Сенга ўз Кундалигимни совға қиламан. Уни узоқ пайтлардан бери тутиб келаман. Барча ҳис қилган нарсаларимни майда-чуйдасигача қайд қилганман. Ундан битта китоб чиқара оласанми? Эҳтимол, енгилоёқ рус аёлининг дийдиёси ҳеч кимга керак бўлмас?!» – «Бекорчи гапларни қўй... Кундалигингни ҳеч кимга, ҳатто менга ҳам берма. Ёзишда давом эт. Бир куни кексайганингда ёзганларингни қизиқарли романдек ўқийсан. Эслайсан, элакдан ўтказасан.» – «Эслагим келишига ишонмайман...» У қўлимни кафтига олади ва кўзларимга тикилади. «Нега энди? Ўзанни эслайсан, мени, Ойдинни... Ишонавер!» У кулади, кайфияти кўтарилади: «Ишонаман, севгилинг билан ҳали ҳаммаси изга тушиб кетади. Агар у ҳам шуни исатаса, албатта. Аммо усиз ҳам яшай оласан – ахир сен «зирхли хоним»сан. Кучлисан. Фақат Ўзаннинг қариндошларидан эҳтиёт

бўл. Улар ҳаётигнни издан чиқариши мумкин. Эҳтирослар сўнмагунича панада бўл».

Ҳамон Дўстимнинг қўлидан тутиб турибман. У сўзлаётган маҳал ҳаммаси шу қадар соддалашадики. Эҳтимол, барчаси у қадар мураккаб ҳам эмасдир?

50

Тез орада у икки ҳафтага жўнаб кетди – тоғасининг қизи турмушга чиқяпти, отасининг юбилейи режалаштирилган, қатнашиши керак... Истамбулга хурсанд қайтади, кетишда эса маъюс бўлиб қолади. Бир мамлакатдан бошқасига қатнаш, соат минтақаларини алмаштириб «Сейко» соатидаги вақтни икки соат олдинга ёки орқага ўзгартириш осон эмас. Ҳорғин сўзлайди: «Истамбул ва Боку аэропортидагиларнинг кўпини номигача биламан. Саломлашамиз, байрамлар билан бир-биримизни табриклаймиз. Авваллари кўплар мени товар келтирувчи савдогар деб ўйлашган: ҳамиша Истамбулни жуда кўп совғалар билан тарк этаман... Саша, ишона-

санми, мен чипталардан, регистрациялар, учишлар ва қўнишлардан жуда чарчадим. Бир жойда ўтроқ бўлишни истайман. Йилда бир марта, ёзги таътилда кетсам дейман».

Босфор устидаги чағалайларга боқаман. «Сенга ҳасад қиламан. Танлаш имконинг бор. Истамбул совуқ бўлса Мисрга кетасан. Бокуда жазирама бўлса, бир-икки кунга Питерга, менинг Истамбулдан кейинги севимли шаҳримга боришинг мумкин... Худди қушлардек озодсан, қаерни истасанг ўша томонда бўласан.» У бошимни акаларча силайди: «Биз бирор нарсамизни йўқотганимиздан кейин қадрлаймиз. Одамзод моҳиятан ношукур бандадир... Саш, бадбинликка берилма. Сен ҳам озодсан. Сенинг озодлигинг сал бошқачароқ, Истамбул чағалайлари озодлигига ўхшаш. Улар Босфорни тарк этишмайди, чунки бўғозга садоқатли. Уларнинг бахти *шу ердалигини* билган ҳолда яна қаёққа учиб кетишсин. Сен ҳам уни деярли топдинг. Ишон, ҳаммага ҳам бундай омад кулмайди...»

Мен сумкамдан кичкина зангори термосдаги чойни, иккита пластмасс стаканчаларни оламан. Пашмак солинган қутини очаман. «Чабрецли чой. Шунақасини ичасанми? « – «Жон дейман! Бугун қаҳва ичишга улгурмагандим. Қуй. Ширинлик ҳам бор экан...» Пашмак ҳолва оғизда эрийди. Ҳаддан зиёд ширин таъмдан қайноқ чой қутқаради... Мен Дўстим ва Ойдинсиз зерикаман – бу ерда ҳар тонгни улар билан кутишга ўрганиб қолдим. Қулоқсиз Айдани буйруқларга ўргатишга, тароқ билан юнгини тараш, совуқ бурнидан ўпишга ўрганиб қолгандим. Дўстим билан келажак ҳақида суҳбатлар қилишга, унинг журналистлик ҳаётига доир қизиқарли воқеаларни эшитишга, у билан бирга Босфорнинг абадий тоза ҳавосидан нафас олишга ўрганиб қолгандим. Эртага яна учрашишимизга ишонган ҳолда улар билан хайрлашишга кўниккандим... У Кундалигимнинг охириги саҳифасига Истамбул ва Бокудаги манзилларини ёзиб беради, Бокудаги шаҳар рақамларини айтиб туради. «Саш, ҳар қандай вақтда ҳам кўнғироқ қил. Хабар юборсанг, ўзим қайтиб

кўнғироқ қиламан... Рости, жуда хавотирдаман. Бу ерда эҳтиёт бўл. Эҳтирослар тингунича кут... Ўн кун бирпасда ўтиб кетади: тўғри келиб қолса эртароқ ҳам қайтавераман». Дўстимнинг яноғидан ўпаман: «Хавотир олма. Ўзимни Ўзан, болажоним, сен ва Ойдин учун асрашим кераклигини энди биламан... Йўлингда Раббим паноҳинг бўлсин, тезроқ қайт». Қучоқлашамиз. Ойдиннинг тумшуғини силайман, иккисининг ҳам кўзига қарай олмайман. Нима учундир бу шу қадар қийин бўлиб қолди...

* * *

«Алекса, кечиккан жавоб учун кечирасан. Бу менинг айбим, бўйнимга оламан. Нима деб ёзишни билмадим... Ўтган кунлар давомида нима деб ёзганини англашга уриндим... Чўзиб ўтирмай жавоб ёзишга қарор қилишим учун ҳам вақт керак бўлди. Мен сени севаман. Алекса. Ўз ҳаётимдан азизсан. Сен билан бўлишни истайман. Сен билан бирга ухлаш ва уйғонишни истайман. Ҳомиладорлигинг ҳақидаги хабарга қандай муносабатда бўла олар-

дим? Бахтиёрман. Ахир, бу бола – муҳаббатимиз меваси, у бизнинг бир бўлагимиз... Агар ўғил туғилса, уни футбол ўйнашга ўргатаман. Бэкхемдан ҳам машҳурроқ бўлади. Агар қиз туғилса, Туркиядаги энг ширин имамбайлда пиширишни ўргатаман унга... Ёзишим мушкул. Сен билан юзма-юз сукунатда ўтирсам дейман... Бугун отам билан гаплашдим. Мени мажбурлаб Англияга жўнатишни режаштиряпти. Ўша ердаги университетлардан бирида ўқитмоқчи. Жанжал бўлди. Ойим иккисини ёмон кўришимни айтдим. Ҳаётимда биринчи марта отамдан калтакедим... Опам бола ҳақида билди. Унинг айтишича, аборт қилдиришинг керак эмиш. Ундай қилмасанг, оиламиз бизни тинч қўймасмиш. У билан ҳам урушиб қолдим. Севгилим, хавотир олма, у сени квартирадан ҳайдамайди, бунга йўл қўймайман... Бу ердан бир куни қочиб кетаман. Режам бор. Саноқли кунлардан кейин бирга бўламиз, сабр қил... Сендан илтимос – Гулшан агар аборт ҳақида сўз очса, гапига қулоқ солма. Асло. Иккимиз уни бирга катта қиламиз... Сени севаман, Алекса. Сени ва боламизни. Ўзингни асра. Ўпаман. Сенинг Ўзанинг».

Қўнғироқлар икки соат оралиғи билан так-
рорланади. «Gizli numaga» («Яширин рақам»).
Менинг «эшитаман»им жавобсиз қолади. Нариги
томонда бўм-бўш сукут – таҳдидли нафассиз,
ҳар хил сўзларсиз. Кулоқ тутаман. Лаҳад суку-
нати. Телефон қилганларида бунақа бўлмаслиги
керак: ҳамиша паст даражада бўлса ҳам ёт то-
вушлар, шовқинлар келиб туради. Ғазабим кела-
ди. Алоқани узаман.

120 дақиқа ўтиб яна навбатдаги қўнғироқ.
Яна сукут. Кимдир устимдан куляптими? Теле-
фонимни ўчириб қўёлмайман, бирдан Ўзан
ёки Бокудан Дўстим қўнғироқ қилиши мум-
кин... Алоқа хизматига қўнғироқ қиламан,
Оператор қиздан менга бўлаётган яширин
қўнғироқ рақамини аниқлашда ёрдам бериши-
ни сўрайман. «Сиз аввал полицияга ариза билан
мурожаат қилинг. Улар ўз навбатида бизга муро-
жаат қилишади. Ўшанда биз уларга сизга туша-
ётган қўнғироқлар ҳақида тегишли маълумотни
рақамлари, вақти, санасигача берамиз...»

Қаҳрга тўлиб телефонни диванга улоқтираман. Бир лаҳзадан сўнг қўнғироқ жиринглайди. «Gizli numara». Жавоб бераман: «Пасткаш, қўнғироқ қилишни бас қил! Гаплашишга юрагинг йўқми?» Кескин узилиш. Мана, бўларкан-ку. Шу пайтгача алоқани асосан мен узаётгандим. Интернетдан қилаётган бўлса керак. Кимнинг иши бу? Мақсади нима? Болакайимнинг оила-сидагилардан биримикин? Ўзаннинг ота-онаси бўлмаса керак, улар мен билан «мушук-сичқон» ўйнаб ўтиришмайди. Дарҳол ишга ўтишади... Аммо, барибир телефонимга яқинлашишга қўрқаман. Қўл телефоним қўнғироғидан ваҳмим келади. Овозини ўчириб вибрацияга ўтказдим. Эсимни еб қўяман бунақада...

Куз табиатга ўз ҳукмини ўтказди. Кулранг тусли қалин булутлар совқотган қуёш юзини тўсиб қўйди. Истамбулда икки кундан бери ёмғир ёғяпти. Уйдан чиқмайман. Эрталаблари балконда ўтирганча, ўтиб кетган сайрларни эслайман. Қўшни стулда – бўйи анча чўзилган райҳон. Иккимиз очиқ ҳавога чиққанмиз. Зайнаб Ойдинни вақтинча сайр қилдириб юрган

соҳил бўйига боргим келади. Йўқ, яхшиси бундай қилмаганим маъқул. Ит мени кўриб, атрофимдан кетмай қолади. Дўстимнинг қайлиғи буни нотўғри тушиниши мумкин... Кечки пайтлар уйда биқиниб ўтираман. Пардаларни зич тортиб, эшикни маҳкам ёпаман. Қаҳва дамлайман, телевизор томоша қиламан. Чалғишим керак. Вақти-вақти билан эшикдаги тешикчадан қарайман. Қўрқинчли. Худди зина майдончасида қотил қўлида телефони билан яшириниб олганидек туйилади. Алекса, тинчлан!!! Балки қандайдир ўсмир зерикканидан ўйнашаётгандир... Ҳозир ёзишни тўхтатаману, Хаёлнинг аквариумини то-залайман. Бечорани ўз ҳолига ташлаб қўйдим... Телефон титрашга тушди... «Gizli numara». Яна... О Худойим...

* * *

...Автомобил салонидаги бўйларни ҳидламайман. Унинг ички беағи ёки ҳайдовчининг қотган елкаларига алангламайман. Гулшаннинг сўзлари маъно-моҳиятига эътибор қаратмай-

ман. Кар бўлиб қолгандекман. Нигоҳим машининг қорайтирилган ойналаридан оқаётган томчиларда қотиб қолган. Фақат битта фикр бор: боламини, юрагим остида ураётган юракчани ҳимоя қиламан. Унга таҳдид қилаётган махлуқлар йўлини тўсаман. Улар болагинамининг ўлимини ишташади. Улар мени шу ишни қилишга ундашмоқда. Худди шунинг учун Гулшан мени суҳбатга чақирди.

Дўконга кетаётганимда қора машина ёнимга тўхтади. Эшик очилди. Гулшан. Чап томонга сурилди: «Ўтир». Нега ўтирдим? У гапни олисдан бошлади – ёшдаги фарқлар, севги, айрилиқ ҳақида. Романтик тарзда бошлаб шафқатсиз якунлади: «Таниш шифокорим билан гаплашиб кўйдим. Эртага сени кутади. Пули тўланган». Ўзимни аҳмоққа солдим: «Гулшан, бунча шошқалоқ амма бўлмасанг! Жинсини аниқлашга ҳали эрта...» Шунда у тутатиб кетди: «Алекса, сенга муаммо керакми?! Кеч бўлмасидан боладан қутул. Тинч яша. Укам сенинг тенгинг эмас. Она сути оғзидан кетмаган ҳали, сен эса...» Мен сукут сақлайман, юзимни лоқайд кўрсатмоқчи

бўламан. Ичимда эса – бўрон. Башарасига бажону дил тупурган, машина эшигини қарсиллатиб ёпиб ҳаммасини бутунлай унутган бўлардим ҳам. Аммо бундай қилолмайман. Гулшаннинг олдида тилим қисик. Менга бошпана керак. «Гулшан, болам учун ҳамма қариндошларинг билан жанг қилишга тайёрман. У ҳаммадан азиз. Укангдан ҳам. Ўзимдан ҳам азиз. Абортни унутинглар... Нима бўлмасин, ташвиш чекканинг учун раҳмат. Кетсам бўладими?» У сигарет олди, ҳайдовчиси дарров олов тутди. Гулшан бурнидан тутун чиқарди: «Майли, шундай ҳам бўла қолсин... Кўп ўтмай афсусланасан. Мени огоҳлантирмади, деб хафа бўлма...» – «Гулшан, сен ўз номингдан гапиряпсанми ё оиланг номидан?» У тутгани босиб ойнани туширади. Ёмғир тўхтамайди. Ҳозиргина ёндирилган сигаретни кўчага улоқтиради. Сумкачасидан «Эскада»нинг пушти флаконини олиб шошилмай ўзига пуркайди. «Азизам, агар сенга таҳдид қилмоқчи бўлганимда, аввал уйдан ҳайдаб чиқарардим... Ростини айтаман – сен менга ёқасан. Бундан ташқари, укамниям жуда яхши кўраман.

Унинг қийналишини хоҳламайман». Мен бош ирғайман. Эшикни очиб, тушиб қоламан. Дўконга боргим келмай қолди. Соябонни очаман. Ёмғир – шунчаки осмоннинг сувимас. Ўйлашимча, ёмғир ҳамиша қандайдир белги, ишора бўлган...

52

...Ўткинчилар оломони орасидан таниш юзлар кўзимга кўринади. Жамол, Зиё, Левент... Мен учратишни истамайдиган кишилар. Қайси куни уйга қайтаётиб ияги жажжи соқолли савлатдор кишига кўзим тушиб қолди. У қовоқ солганча менга тикиларди. Тескари ўгирилдим. Бир лаҳзага Жамолга ўхшатдим уни. Яна ўғринча қарадим: йўқ, бошқа одам экан... Нега ўтмишим мени қўйиб юбормайди? Одамлар камроқ кўчалардан юраман – ўша ҳаётимдаги одамларга тўқнаш келиб қолишдан қўрқаман. Бамисоли ўтмиш шарпалари изимдан пойлаб юргандек туйилади. Алексанинг устидан мазах қилишади, пичирлашади, хатти-ҳаракатимни муҳокама қилишади.

Ўтмишимдан уялмайман, шунчаки кўрқаман холос. Ҳомиладорлик мени кўнгилчанлик билан бирга ич-ичимни кемирувчи хавотирлар билан ҳам сийлади. Ўзимдан эмас – болагинам учун хавотирланаман. Нимаки қилмай, некбинлигим қайиғи воқелик қояларига урилаверарди. Кўпмиллионли шаҳарда ёлғизман. Ёнимда на Ўзан, на Дўстим бор. Яхшиям, Босфор шу ерда... Гўё секин ишлайдиган бомба устида ўтиргандекман. Яна бир оз ўтиб у портлайдигандек. Ташвиш чекишимга аниқ бир сабаб бўлмаса ҳам ваҳимага тушаман. Йиғилишгач, ягона сабабга айланадиган ўнлаб майда кўнгилсиз шарт-шароитлар мавжуд холос. Бир пайтлар ҳавасимни келтирган Ўртақўйда энди душманлар уясини кўраман. Ҳамма нарсада – эшик ғичири, зина майдончасидаги шовқин, шу атрофдаги дўкон сотувчисининг аланг-жалаңнигоҳида таҳдидни кўраман. Мен ҳаммадан қочаман. Уйга яширинаман. Ёпиқ жойдагина осудалик топаман.

Менга нима қилган? Асабларим ишдан чиқдими? Ички сезгим исён қиляптими? Аҳмоқона

хавотирларми? Шифокор билан қўнғироқлашиш керак, тинчлантирувчи дори тавсия қилар. Эртадан бошлаб ялпизли чойга ўтаман. «Алла»да ўқиб қолдим, у асаб бузилишларида ёрдам бераркан... Ўзаннинг қайтишини кутаман. Ишонаман, тез орада эшикни тақиллатиб келади у. Иккимиз бу даҳшатларни унутамиз, яна бир-биримизни севамиз, бирга шарқона мазали таомларни тайёрлаймиз. Яна умумий умид билан яшай бошлаймиз. Бир кишига қараганда икки-та одамга енгил. Ўзан пайдо бўлса қўрқувларим тарқаб кетади. Ўртақўй яна бизнинг жаннатимизга айланади... Ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўра болакайимнинг муҳаббатига муҳтожман, ҳар маҳалгидан кўра кўпроқ орадаги фарқларга тупураман. Севгимизнинг энг катта тимсоли – жужукчамизни интиқлик билан кутамиз. У барча ёш, мавқе, келиб чиқишлардан муҳимроқ.

...Истамбулга тун чўкканида мен ваҳимадаги калтакесакдек югур-югурга тушаман. Тунни ёмон кўраман. Кундузлари беҳавотирроқ: атрофдагиларни аниқ кўрасан, душманни пайқаб қолиш осон, одамлар оқимида уни илғаш

мумкин. Мен бешафқат дунёдан жон борица химояланияпман...Қўнғироқлар ҳали ҳам тингани йўқ. Энди давомлилиги ўзгарган. Кундузи камроқ, тунда эса, аблаҳ, тез-тез қўнғироқ қилади. Худди тунда кўпроқ қўрқишимни билгандай. Жонсиз сукут давом этади. Ҳамон яширин рақам... Ҳамла қилувчи ўлжанинг ваҳимасини сезмаслиги керак, аксинча бўлса ғайрати жўшиб кетади. Линиядаги сукутга қулоқ соларкан, ўзимга буни эслатиб турардим. Аммо кеча ўзимни тутолмадим: бақирдим, сўқдим, дуойибад қилдим. У томонда алоқа узилди. У қўрқиб кетдими ёки аёл кўзёшларига тоқати йўқми?..

Қўркувни ўзингда сақлаганингда у кучайиб кетади. Уни Босфордан бошқа ким билан ҳам бўлишардим? У бечора ҳам тинглайди, англайди, қўллайди... Бугун вақт ҳисобини олиб, Боку вақти билан кечки бешда қўнғироқ қилдим. Дўстим гўшакни олди. Унинг товушидаги илиқлик хавотирлардан чарчаган юрагимни дарҳол иситди. Мен ноодатий тарзда сўз бошладим: «Салом! Ишлар қалай?» Дарров таниб хурсанд бўлди: «Саш! Ўзингни қандай ҳис

қиялпсан... Ҳозир тўйга бориш учун кийинаёт-
гандим, қайтганимдан кейин албатта қўнғироқ
қиламан, деб хаёлимдан ўтказувдим. Кеч ёти-
шингни биламан-ку... Қўнғироғингдан хур-
сандман. Соғиняпман...» – «Истамбулними?»
– «Сени, ярамас!» Йиғлаб юбордим. Йиғилган
оғриқларни оқизиб чиқардим. У йиғимни
эшитаркан, ора-сира: «Саш, бардам бўл. Бо-
ланг ҳаққи», – дея гап қўшиб қўярди. Кўзёшлар
ичимни бўшатарди. Биз ҳалиям соҳилбўйида
юргандек эдик. Ёнимизда Ойдин. Олдимизда
Босфор қизиқувчан чағалайлари билан ястан-
ган...

Бу суҳбатдан кейин тинчландим. Кайфиятим
кўтарилди. У уч кун олдинроқ келаркан – отаси
юбилейини катта қилиб нишонлашдан воз ке-
чибди. Ресторанда ўтириш қилишаркан, тамом.
«Ростини айтсам, хурсанд бўлдим – Истамбул-
га эртароқ қайтаман. Зайнабни, сени, Ойдинни
соғиндим. Босфорни. Унга соғинчли саломим-
ни етказ, кейин бурнингни осилтириб юрма,
бўптими?» Дўстимга қўнғироқлар ҳақида оғиз
очмадим. Бировнинг тўй олдидан кайфиятини

бузишнинг нима кераги бор? Келса, айтиб бераман...

Эрта-саҳарлаб, энди уйғонган пайтим эшик тақиллади. Пижамам билан каровотда ўтирардим. Хаёлга салат барги бераётгандим. Эшик тақиллашини эшитиб, ошиққанимдан дахлизда йиқилиб тушишимга сал қолди. Эшик кесақисига суяниб қолдим. Эшикдаги тешикчадан қарадим. Ўзанни кўришга умид қилгандим... Унинг ўрнига қулоқ ва кўзлари катта-катта эшик оғасига кўзим тушди. Жуда ғашимга тегадиган кимса. У ҳамма вақт ортимдан синчиклаб қарайди, аммо сира гапирмайди. Қийшиқ тишларини кўрсатганча жилмайган кўйи жим кузатади. Қизиқ, унинг товуши қанақа экан? У Ўзаннинг хатини бераётиб бир-икки оғиз гапирган эди. Чамаси, манқароқ эди...

Хафсалам пир бўлиб эшикни очаман. У кватира ичига мўралайди. Хонадонда пайдо бўлган янги яшовчининг ҳаёти билан қизиқади. Бирор нарсани кўриб бўпсан! Шиддат билан зина майдончасига чиқиб эшикни ортимдан ёпаман: «Қулоғим сизда». Гарчи ўзим қўрқувдан титраб

турган бўлсам-да, қаттиқ гапираман. Балки, бу эшик оғаси маняқдир? «Хайрли тонг... Мана... эрталаб саккизда... сизнинг номингизга... ташлаб кетишди», – менга оқ конвертни тутеди. Унга ручка билан: «Йўлингни ўзинг танладинг, енгилёёқ», – дея ёзилган. Мени тер босади, кўз олдим қоронғулашади. «Ким келтирди?!» – «Бўйчан йигит, чиройли...» – «Ёши нечада?» – «Билмайман... Билмайман... Ўттизларда бўлса керак... Менимча...» Эшик оғаси дудуқланади, пешонасини тер босади. Асабийлашаяптими ёки алдаяпти?.. Мен конвертни пижамам чўнтагига тиққанча квартирага қайтаман. Эшикка суянганча полга ўтириб қоламан. Даҳшат.

Ичида нима бор? Хатми? Бундай сўзлар ёзилган хатни ким жўнатган бўлиши мумкин? Бенал? Жамол? Левент? Гулшан? ...Эҳтимол, Ўзандир? Конвертни йиртаман. Нималардир ёзилган қоғоз. Таниш ёзув. Ўқийман. Матн турк тилида. «...Севгилим, роса хавотирга тушдим. Қайғурдим. Миямга ҳар хил фикрлар келди. Муҳими – омон экансан. Қолгани бир гап бўлар. Тўғрими? Ўзан, шифокорга учрадим. Ҳомиладорман. Сенинг фарзандингни юрагим остида кўтариб юрибман...» – бу ўзимнинг хатим-ку! Буни Гулшандан икки ҳафта олдин жўнатгандим. Уни ўзимга қайтариб ким жўнатди? Хатни болакайимдан ўғирлаб олишдими? Демак, ҳомиладорлигимдан ҳаммаси хабардор... Балконга чиқаман. Ҳаво етмайди. Стулга ўтириб қоламан. Юзлаб шубҳалар. Ичимда кимдир бунга Гулшан алоқадорлигини айтади. Наҳот, бунда унинг қўли бор бўлса? Яқингинада мени ёқтиришини, эҳтиёт бўлишимни айтганди... Эҳ, Алекса, соддадил анойи. Балки, бу Беналнинг қилмишидир? Эҳтимол, Ўзан қочиб кетгану, унинг аччиғи чиққандир... Гулшанга қўнғироқ қиламан...

Барчасини аниқлайман. Гумонларда гангиш жонимга тегди...

* * *

...Уй ёнида кичик хиёбон бор. Йўлнинг нариги тарафида. У ҳалинчакда енгилгина чайқаладию, шишадек маъносиз қотган кўзларини менинг балкониждан узмайди. Эгнида оч жигарранг пальто. Сочлари тартибсиз, тўзғиқ... Оёғида те-риранг колготка, қора сандал. Қирқ ёшлардаги ғаройиб жувон. Уч кундан бери кундузи хиёбон-да пайдо бўлиб қолади. Балконга чиққан пайт-ларим нигоҳларимиз тўқнашади. Ўзимни қўярга жой торолмай қоламан. Унинг кўзларидаги алла-нима одамни қўрқувга солади. Улар худди қуриб қолгандай... Биринчи куни унга эътибор берма-дим – бирорта эси оққан хотин бўлса керак деб ўйладим. Кеча эса уни кўчада кимдир билан те-лефонда гаплашаётганига кўзим тушди. Гапла-ри дона-дона. Товуши ёқимсиз. Туркчада тоза гапиради. У торкўчага биқиниб гаплашаётгани-да шундоқ ёнидан ўтиб кетаётгандим. Қизиқиб

қулоқ солдим. У бировга ниманидир ваъда берганча озгина кутишини илтимос қиларди. Унинг ёнига боришга таваккал қилмадим – нима-ям дейман? «Балконимга нега қарайсиз?» ёки «Нима учун ёмғирда очиқ сандалда юрибсиз?» – дейманми?.. Энди унинг ёнига бормаганимга афсусланияпман. Мана, у яна менга қараяпти. Қўл силкийди... Нима бўляпти ўзи?..

* * *

... Гулшаннинг ўрнига кимдир димоғ билан жавоб беради. Йигитга ўхшайди. Ўзини менежерман деб таништиради. Гулшанни чақириб беришини сўрайман. «Ким безовта қиляпти?» Безовта қиляпти! Дангалига айтдим: «Туғилажак жиянининг онаси... Алекса». Бир дақиқалик сукут. Олисдан аёл кишининг хириллоқ товуши келади, чамаси, Гулшан. Яна менежер гапирди: «Гулшан хоним сиз билан гаплаша олмайди. У студияда ёзиш ишлари билан банд. Қўнғироғингизни унга етказиб қўйишим мумкин. Унинг ўзи зарур деб топса қайтиб қўнғироқ

қилади. Яхши қолинг». Ўзаннинг опаси мен билан гаплашишни истамайди. Нима учун? Абортдан воз кечганим учунми ёки қайтариб юборилган мактубгами? Ростини айтганда, унчалар хавотир олаётганим ҳам йўқ – ҳозир Ўзаннинг қайтиши муҳим. Қачон у пайдо бўлади? У келган заҳоти бу ердан кетишимиз керак. Энди Ўртақўйда қолиш хавфли.

Гулшан қаердалигимни ота-онасига айтади (агар айтиб қўймаган бўлса). Улар дарҳол келиб Ўзанни тортиб олишади, мени эса полицияга топширишади... Демак, вақтни йўқотмаслик керак. Нарсаларни йиғиштириш пайти. Барча нарсаларни битта спорт сумкасига тиқиштиришга уринаман. Ортиқчасини ололмайман. Райҳонни қолдиришга тўғри келади, афсус. Йўқ. Севгимиз тимсоли билан бундай йўл тутиб бўлмайди. Гулни ўзини олиб кетаман, кейин бошқа тувакка ўтказаман... Аммо болакайим билан қаёққа борамиз? Қаердан квартира топамиз. Ўзаннинг танишлари бордир. Умид қиламанки, ёрдам беришади... Бир савол қийнайди: Ўзан келмасачи? Унда бир ўзим қочишимга тўғри келадими?

Бошқа йўл йўқ... Кундаликка ёзаман. Бўлмаса эс-дан оғиш ҳеч гапмас...

54

...Ўша аёл кириш жойидан сал нарироқда турарди. Кўчага чиқишимни кутиб турганди. Нега эшик оғасидан мени чақиришни сўрамади? Бугун у жуда ачинарли ҳолда эди. Плашининг ранги униққан, ҳўл сочлари ёпишиб қолган, юзига томчилар томади – кеча тундан бери ёмғир ёғади. Агар гинеколог ёзиб берган дорилар керак бўлмаганида бундай пайт уйдан чиқмасдим. Ахир кўп ўтмай бу ердан кўчиб кетаман. Яқин орада керакли ҳапдориларни топа оламанми, йўқми...

Кириш жойидан чиқишим билан хиёбондаги аёл жойидан қўзғалди. Сўрашиб ҳам ўтирмади. Қўлимдан тутганча соябон остига суқилган кўйи ёнимда кетаверди. Мен ғалати ҳамроҳимга эътибор бермай, хотиржам йўлда давом этдим. Ҳозир у менга ниманидир айтади. Охир-оқибат, у мени нимага пойлаб юрганини билиб олишим

керак. Дорихонагача етти-саккиз дақиқалик йўл. У ғўлдирайди: *«Сенга хавф таҳдид солмоқда... Қоч... Эшитяпсанми, қоч...»* Қўлимни қаттиқроқ қисади. Нотинчлик менга ҳам кўчади. Жим кетавераман – охиригача айта қолсин. Кўчалар кимсасиз. Хўл машиналар ҳар томонга интилади. *«...Вақт ўтди... Тугаб бормоқда...Ўзингни асра, соатни синдир... Юрагингни қурбон қил... Юрагингни қурбон қил!»* Унинг товуши ўзгарди, ҳукмрономуз, теранлик касб этди. *«Қутма... Ишонма... Қўйиб юбор... Қақнус йўқ жойларга қузғун учиб кетди... Орқасидан учма...»* Нималар деб валдираяпти? Қаёққа қочиш керак? Қанақа қузғун учиб кетди? Мен ўша хиёбон ёнида тўхтаيمان. Бошимни бураман. Унга тикиламан. Бир қадам нарига ўтаман. У қаёққадир олдинга қарайди, бир нарсаларни минғирлайди. Қулоқ соламан. *«...Вақт ўтмоқда... Вақт кам қолди... Қочиш пайти келди... Юракни сақлаб бўлмайди... Бари ҳал бўлди... Александра, қоч...»* Баданимга титроқ ўрмалайди. У исмимни қаердан билди? Кимдан қочиш керак? Мен жувоннинг кифтидан тутман. Енгилгина силтайман. Қўлимдан

сосябон тушади. Ҳозир у менга ҳаммасини айтиб беради. Мен бақираман: «Кимсан? Сени ким жўнатди?» Ёмғир саси товушимни босиб кетади. У гўлдирашда давом этади. «Мени эшитяпсанми?! Хой, эшитяпсанми?!» Бирдан у хотиржам тортади. Кўзлари жонланади. Товуши майинлашади. Кутилмаганда ўрисчалаб дейди: «Лида жўнатди. Сенинг ойинг».

Қотиб қоламан. Бошим айланади. Кўнглим айнийди. Уни ойим юборган? Бўлиши мумкинмас. Ўриндиққа чўкаман. Бирдан жувоннинг оёғидаги эски қизил туфлиларга кўзим тушади. Хаёлимда Дўстим айтиб берган Ўртақўйдаги фолбин аёл ҳақидаги гаплар жонланади. Бошимни кўтараман. Аёл зим-зиё бўлган. У ҳеч қаерда йўқ! Ҳўл ерда ётган бир жуфт қизил туфли бор, холос...

Индинга Ўртақўйни тарк этаман. Эрталаб уйғонган заҳоти такси чақириб эшикбонга калитларни топшираман. Деразадан кўринган унутилмас манзаралар, девордаги эски афишалар, кўнглим тушган квартирамнинг ванилли атмосфераси билан видолашаман. Бу ерда узок қолиш хавфли. Ҳаётимдаги сеҳрли дамлардан бири якунига етмоқда... Эртагаёқ кетишни режалаштиргандим, аммо айнидим. Ҳадемай Ўзан келиб қолиши мумкин, деган умид яшайди ичимда. Куни билан зина майдонидаги овозларга қулоқ тутаман. Болакайимни кутаман. Эҳтимол, ҳануз соддадирман? Эҳтимол. Севгимизга ишонаман.

Охириги 24 соатда уни кутаман, кейин кетаман. Бошқача йўл тутолмайман, болагинамнинг хавфсизлиги учун хавотирдаман. Телефоним ишлаб турибди. Ўзан озодликка чиққан заҳоти қўнғироқ қилишига ишонаман... Дастлабки икки ҳафта бу ердан олисдаги арзон мусофирхонада яшайман. Истамбулнинг Осиё қисмида.

Қадикейни танладим, у ер тинчроқ. Эртагаёқ паром ёки автобусда ўша туманга етволаман, арзон мусофирхона топаман... Қадикейга жойлашгач иш излайман. Йўқса, тез орада сариқ чақасиз қоламан... Кейинги ҳаёт қандай изга тушишини билмайман...

Уч-тўрт кундан сўнг Дўстим етиб келади. У мени ишга киришимга ёрдам берар. Ишлайман, ижарага бошпана топаман. Хаёл ҳам янги аквариумлик бўлади. Ошхона жавончасини зираворга тўлдираман, ўзига хос ранглардаги бордоқлар, ўғилчамга сариқ-яшил аравача-трансформер сотиб оламан. Бахтли бўламан. Бунга ишонаман... Нарсаларимни йиғиштириб бўлдим. Райҳонни қолдирилмасдим – туваги билан олиб кетаман. Кунларимни хушбўйи билан тўлдирсин: яқинда ўқиб қолдим, райҳон ҳомиладорлар учун фойдали экан – эрта туғруқ олдини оларкан.

Дўстимга қўнғироқ қилмайман. Қадикейга боргач қўнғироқлашамиз. Гулшанга эса худди Жамолникидек хат қолдираман. Миннатдорчилик билдираман, ижодий муваффақиятлар тилайман... Майли, энди ухлай қолай. Эртага оғир

кун. Мусофирхона излайман, кейин Искеле май-
донини айланаман. Қўшминорали Ўртақўй мас-
жидидан тараладиган кечки азонни тинглайман.
Албатта, балиқ пишириладиган кичкина ошхо-
нада тамадди қилиб оламан. Видолашиш оғир...

56

...Мен Қизил денгизда сузиб юрибман. Унинг
юзи қирмизи тусда. Худди қон, шўр сув ва сув
ўтлари аралаш коктейлга шўнғигандекман. Эг-
нимда қора шифон кўйлак, сочим «ўғил бола-
ча» қайчиланган, қорним ўрнида қора туйнук
хувиллаб турибди. У қандай пайдо бўлганини
тушунолмайман. Оғриқ йўқ. Очилиб қолган
ички аъзоларимни ушлаб кўраман – улар қуриб
қолгандек. Ғалати. Қўлларимга қарайман. Улар
қон юқи тегмагандек оқлигича қолган. Худди
қорнимда нимадир бўлгану, ҳаммаси ечилиб
кетган киндигим орқали чиқиб кетгандек. Эс-
лайман. Балки, мен ҳомиладор бўлгандирман?
Йўқ, бўлмаганман. Балки, ортиқча вазнимни
йўқотиб озгандирман? Йўқ, бундай эмас. Ҳеч

қачон семирмаганман... Ёнимдан сузиб ўтаётган дельфинларни кўргач қорним ҳақида унутаман. Қанчалар яхши кўраман уларни! Уларга яқинроқ сузиб боргим келади, аммо нимадир монелик қилади. Синчиклаб тикиламан. Қўрқиб кетаман – дельфинлар кўкимтир-қора. Улар сираям оқкўнгилмас, ғазабланган ва қаҳрли. Яқинлашишга қўрқаман...

Ваҳима билан атрофга аланг-жаламг тикиламан. Ҳамма ёқ кўкимтир-қора туманга сингиган. Бу ерда қолиб бўлмайди. Бу қизил денгизга қандай тушиб қолдим? Мовий Босфор қани? Нега дельфинлар бунча баджаҳл? Уларнинг жозибали мовий ранглари қайда қолди? Қадрдон Истамбулни кўриш учун юзага қалқиб чиқаман, аммо у ерда ҳаммаси ўзгариб кетган. Босфор устидаги осма кўприк, самога интилган минорали ўнлаб масжидлар, қизиқувчан сайёҳлар билан тўла хушманзара қирғоқлар ғойиб бўлганди. Менинг Истамбулим қаёққа йўқолди? Унинг ўрнида тўқ тусли мох қоплаб олган бир хилдаги вайроналар. Овозим борича ёрдамга чақираман. Ҳеч ким жавоб бермайди. Атрофда

бирор тирик жондан асар йўқ. Қирғоққа сузаман. Кўзларим билан Дўлмабоғча саройини излайман. Маҳобатли сарой унинг боғларини безаган магнолиялар каби ғойиб бўлган. Кўзларимни ёш пардалайди. Қирғоққа яқинлашган сарим бир пайтлар қарама-қаршиликлар шаҳри аҳлига хизмат қилган паромларни ярим чўккан ҳолда кўраман. Бу каби даҳшатларни кўришга ортиқ кучим қолмади. Пастга шўнғиб Истамбулга бўлган соғинчим туфайли бор овозим билан қичқираман. Оғзим, қизилўнгачим, ошқозоним, ўпкам шўр сувга тўлади. Нафасим қайтмайди. Наҳотки, юқоридаги шаҳар каби мен ҳам ўлган бўлсам? Ўзимни ураман, кўкаргунимча чимчилайман, қўлимни қорнимдаги қора туйнукка тикаман. Юрагим ураётганини текшириб олиш учун уни пайпаслаб кўришим керак. Қўлим етиб бормайди. Бундай яшамаслик учун ўлишим керак. Аллақачон ўлган бўлсам, ўзимни яна қандай ўлдираман?..

...Деразасиз хона. Деворлари қизил мойбўёкча бўялган. Оёқ остига қирмизи гилам тўшалган. Мен – бир ўзим. Яланғоч. Қорнимдаги ўша

туйнук билан. Бу ерда қандай пайдо бўлиб қолганимни билмайман. Хона деярли бўш, ўртада устига оч яшил ёпинчиқ ташланган мовий бешик. Боланинг пишиллаши эшитилади. У тинч ухлайди. Шовқин солмасликка тиришаман – тиззаларимни қучиб ўтираман. Ёмон совуқ. Нафасим билан қўлларимни иситаман, қотиб қолган оёқларимни ишқалайман. Бундай совуқда бола қандай ухлайди? Хотиржам нафас олади, ғингшимайди. Бутун олдиндаги умри учун ухлаётгандек. Мен яқинлашишни, бешиқдан болани чиқариб олишни истайман. Бағримга босишни хоҳлайман. Бир-биримизнинг тафтимиз билан исинишни истайман. Бироқ унинг уйқусини бузгим келмайди. Шунақа ширин ухляптики... Ухласам дейман, аммо совуқдан кўзларимни юмолмайман. Миям тинмай ишлайди, қутилиш чорасини излайди. Хонадан чиқиб кетишим керак. Қизил рангни ёмон кўраман – шунақа хавотирли, кескин, исёнкор. Мен учун сокин ранглар афзал – оч яшил, мовий, қаймоқранг... Ўтмишни эслашни хоҳлайман. Мен кимман? Қаерда, ким билан яшаганман? Охирги йиллар Истамбул-

да бўлганимни эслайман. Унгача-чи? Бу қизил хонада қандай пайдо бўлиб қолдим? Бешиқда кимнинг боласи ухляпти? Ўтмиш китобимни варақлайман. Улар оппоқ, тоза. Бирорта сўз йўқ. Муқовада эса йўгон фломастер билан «С.нинг кундалиги» дея ёзиб қўйилган. Ким у С.? Светлана, Салим, Сергей, Саида? Билмайман...

Оёққа тураман. Деворларга муштлайман. Бир пайт бола ҳиққиллашга тушади. Уни уйғотвордимми ё ўзи уйғондими? Бир дақиқадан кейин жони борича йиғлай бошлайди. Мен додираб қоламан. Болани қўлга олиб тебратиш керакка ўхшайди, аммо мен ва бешик орасида тушуниб бўлмайдиган қўрқув девори қад тиклайди. Ҳеч қачон чақалоқни қўлимда тутган эмасман. Қўлимдан тушиб кетса-чи? Ниҳоят бешикка яқинлашиш учун ўзимда куч топаман. Ҳаяжондан совуқ ҳам эсимдан чиқиб кетади. Ёпинчиқни кўтараман. Даҳшат. Ҳеч қандай бола йўқ. Каравотча бўш. Унда ким йиғлади? Мен ёпинчиққа ўраниб оламан. Исиниш учун бешикни бағримга босаман. Кутилмаганда қорним исий бошлайди. Нима бу? Човимдан қон кетади. Икки ин-

гичка жилға. Белимда оғриқ туради. Йиқиламан. Ўляпманми?.. Аллоҳни чақираман. Ёрдам бери-
шини илтижо қиламан. Кўзларимни очаман. Куёш
нурларидан тушган нурли йўлакни кўргим кела-
ди. У қайдандир, юқоридан пайдо бўлиши керак.
Аммо пайдо бўлавермайди. Қанчалар аҳмоқман!
Бунақаси фильмлардагина бўлади, ҳаётда эмас.
Менга ёрдам керак. Худо ҳақи...

57

...Телевизор қаршисида ўтирибман. Хира
ранглар. Кимдир рангини ҳаддан зиёд камай-
тирган. Экрандаги воқеаларни кузатаман: со-
ҳилбўйида тасвирлар, чамаси, ҳаваскорлар ка-
мерасида суратга олинган. Тасвир марказида
кўркем, қорамағиз 18-20 ёшлардаги йигитча.
Чақнаб турган қўйкўзлар, меҳрли табассум, ўнг
яноғида сезилар-сезилмас қора хол. Камерага
жилмаяди, ўпич йўллайди. Кўзларимни узол-
майман: хотирамнинг кўплаб фотосуратлари-
да акс этгандек туюлаётган жуда таниш чехра.
Баданимда излари қолгандек туюлаётган жуда

кадрдон лаблар. Унинг қўлларига қарайман. Узун бармоқлар. Менда маст қилувчи туйғулар уйғонади. Ўзимни тутиб олишга ҳаракат қиламан. Мени кузатишяпти. Ким, қаердан? Буни билмайман...

Ўзимни чалғитиш учун нигоҳимни телевизор остидаги тумбочкага қаратаман. Икки дақиқадан кейин анча ўзимни босиб оламан. Йигитча ҳамон кадрда. Унинг овози ёқимли. Туркчада тоза гапиреди. Камера ундан олислашади, энди у бор бўйига кўринади. Зиғиртолали майкасини осилтириб олган. Кенг елкалар. Қўлида пушти одеялога ўралган қандайдир нарсани кўтариб олган. Бир бурчагига инглизчалаб «Менинг ширин болажоним» дея ёзилган. Чақалоқ. Мана, йўргакдан чепчикли боши, жажжи қўлчалари, қирмизи пинетка боғлаб қўйилган оёқчалари кўринмоқда. Ичимда оғриқ бош кўтаради. Йигитча чақалоқни камерага яқинлаштиради. Йирик тасвир. Ахир, бу менинг болам-ку! Мен уни шунчалар изладим. Қанчалар кутдим. Темир курсидан тураман, телевизор олдига тиз чўкаман. Экранга бармоқларимни

теккизаман. Боланинг яноқларини силайман. Уни қўлимга олгим келади. Орамизда эса қалин ойна. Телевизор экранини муштлаб ураман. Боламни қайтариб олишим керак. Болам йигитчада қолмаслиги лозим. У ҳали ёш, гўдакни парваришлолмайди. У боламнинг тиши чиқаётганда тунлари уйғонмайди. «Бер уни менга! Бер...» – дея шивирлайман. Йигитча эшитмайди. Бахтиёр жилмайганча камерадан олислашади. Ахир, у кетаяпти-ку! Худойи-иммм! Ҳой, ким бор, уни тутинглар! Экранни қаттиқроқ муштлайман. Қаттиқ-қаттиқ йиғлайман. Йигитча қандайдир эшик ортига ўтиб кетади. Тамом. Хона бўм-бўш. Ниҳоят экран дарз кетади. Чақнаш. Учқунлар. Телевизор ўчади. Менинг нафасим қисади. Ҳалиям қон кетаяпти. Нега Аллоҳ мени бунчалар узоқ ўлим билан қийнайди?..

* * *

...Дори иси анқийди. Кўзимни қийинчилик билан очаман. Қандилсиз оппоқ шифт. Қорним остида қаттиқ оғриқ турган. Кучим йўқ. Қаердаман ўзи? Бошимни оҳиста қимирлатаман.

Атрофимга секин қарайман. Катта ёпиқ дераза. Жалюзалар орасидан қуёш нури сингийди. Хонадаги ҳамма нарса оқ. Бошқа рангни илғаб бўлмайди. Эшик тутқичи ҳам оч тусда. Каравотим ёнига қўйилган курсида пардоз-андози жойида қиз ўтирибди. Настарин тусли кўйлақдаги малласоч. У Виржиния Вульфнинг «Орландо»сини ўқияпти. Ўқишга берилиб кетганидан уйғонганимни ҳам сезгани йўқ. Бирдан хонадаги жимликни ўйноқи куй оҳанги бузади. Кимнингдир телефони жиринглаяпти. Меники эмаслиги аниқ. Ўзи, умуман, менинг телефоним борми? Малласоч китобни қўяди. Мен кўзларимни юмаман. У қўнғироққа туркчалаб жавоб қайтаради. Демак, Туркияда эканман. Севимли шахримга аввалги кўринишини қайтарган бўлишларига умид қиламан. Ёки харобалар тушимда кўринганмиди?.. «Йўқ, ойи... Ҳаммасига мени айблашни бас қил... Мен яширганим йўқ... Калитларни ҳам берганим йўқ... Ойи, бас қил... Таъналаринг жонимга тегди... Фақат ўзингни ўйлайсан... Олдингда тили қисик жойим йўқ! Сираям. Мана шуниси ортиқча... Сенинг

муаммонг нимадалигини биласанми? Ўз ҳаётинг билан яшай олмаслигингда... Ўзанни бошқаришни бас қил...» Жаҳл билан телефон қопқоғини ёпади. Китоб полга қулаб тушади. Товушларга қараганда сигарет қутисини олади. Ёндиргичини чирқиллатади. Тез ўрнидан туриб хонадан чиқиб кетади. Бу ерда чекиш мумкинмас, шекли. Демак, мен шифохонадаман. Сабаби борми? Бу қиз ким? Кимдир хотирамни ўчириб ташлаган. Бошим тамоман бўм-бўш. Кўзларимни очаман. Диққатимни жамлашга уринаман. Ўз ҳаётимдаги бирор нарсани эслашим шарт. Бир нарсага аминман: Истамбулга аллақандай олис мамлакатдан келиб қолганман. Яна кимнингдир боласи оёғидаги пушти пинеткаларни эслайман. Тамом. Айни дамда ўтмишдан шу икки парча сақланиб қолган...

Малласоч бир ўзи қайтиб келмайди. Эркак кишининг товушини эшитаман: «Умуман олганда, ҳолати қониқарли. Бу ерда жисмонийдан кўра психологик жароҳатлар кўпроқ. Ҳозир у комадан чиқяпти. Қандай холда уйғонишини билмайман. Кутамиз...» Қиз шифокордан ано-

нимлик сақланишини илтимос қилади. «Хотиржам бўлинг. Клиникамиз раҳбарлари сиз ва оилангизни қандай ҳурмат қилишини биласиз-ку». Шифокор кетади. Бир неча дақиқадан кейин малласоч ҳам хонани тарк этади. Бир ўзим қоламан. Ухлай олмайман. Мен барини албатта эслайман...

58

...Мен тирикман. Болам эса ичимда ўлган. Бегоналарнинг қўл, оёқлари етказган зарбалардан. Миттигина юракча ура бошлаган жойининг ўзида яна уришдан тўхтаган. Мен у билан бирга ўлишни истардим. Жарликнинг лабида фикримдан қайтдим, бу ишимнинг бемаъни эканини англадим. Ўғилчам жаннатга тушганди. У ерга мени қўйишмайди. Қачонлардир дўзахда бўламан...

...Тирикман. Ҳаётнинг маъносини англаш учун ҳам ўлим билан юзма-юз келиш лозим. Дуч келиш ва орқага қайтиш керак. Мен ўлим нималигини англадим, ҳаётга қайтиб унинг маъно-

си йўқлигини тушундим. Ҳаёт – худди чексиз, узундан-узун йўл. Мақсадларни одамлар ўйлаб топишади. Улар ўз мавжудликларини нима биландир изоҳлашлари керак. Бундай олганда бу ерда изоҳнинг зарурати ҳам йўқ: шунчаки яшаш лозим. Ана шу шосседа мақсадлар, маънолар, тушунчалар ёнидан ўтганча йўл босиш керак. Жўнгина бариси. Одамлар муракаблаштиришга ўрганиб қолишган.

...Тирикман. Менда қасос олиш истаги, умид ва ишончлар йўқ. Адолат излаш истаги ҳам. Шуниси маъқул. Ишончсиз. Оғриқсиз. Шодлик ва қайғусиз. Мен одамларга ишонмайман. Нафрат йўқ, шунчаки ҳафсалам пир бўлган... Биз – менинг ва ўғилчамнинг ўлимини буюртма қилган кимсанинг фарзанди мени ўлимдан сақлаб қолди. Ўртакўйдаги уйдан сал нарида мени беҳуш топган эшик оғаси кўнғироқ қилиб Гулшанни чақирган, у тезда етиб келган. У аёвсиз калтакланиб қонга ботган, ҳомиласи қорнида ўлиб бўлган мени шифохонага етказган. Барчаси учун пул тўлаган, парваришлаб оёққа турғазган. Диёрбакрдаги кичкина уйчасини яшашим учун

ажратди. Бу уйча ҳақида ҳеч ким билмасди. Шаҳар шовқинидан ора-сира дам олиш учун бу ерга келиб тураркан... Охирги марта у билан телефон орқали гаплашганимизда, мен унга ташаккур билдирдим, у жим қолди. Ҳайрлашганча, алоқани узди. Шифохонадалик пайтим Гулшан онаси, укаси, отаси учун уялишини айтганди: «Оиламизда «иркит ўрдакча» мен эдим. Энди бундан фахрланаман»...

...Тирикман. Ўзанни эсламайман. Севги болам билан бирга ўлди. Гулшан ҳам укаси ҳақида деярли гапирмайди. Фақат бир маротаба у ўқиш учун Европага кетганини айтди. Кейинчалик маълум бўлишича, уни ҳеч ким мажбурламаган. Алексани Бенал йўллаган уч йигит ўласи қилиб урган кеча Ўзан учиб кетган. Уларга менинг ўлимим эмас, боламнинг ўлими керак эди...

...Тирикман. На режаларим, на ниятларим, на интилишларим бор. Телефони йўқ, сариштагина уйчада яшайман. Кичкина томорқачам бор: узум, бақлажон, тарвуз, помидор етиштираман.

Мушук асраб олдим. Унинг ўзи келиб қолди – остона олдида чўзилиб ётган экан... Уни Мастон деб атадим. Хаёл билан чиқишиб кетди. Энди уч жонмиз... Қўшнидан ҳам омадим келди – бева Сўзон абла ёнимдаги кулбада яшайди. У мени қишлоқда яшашга ўргатди. Томорқага қараш, банка ёпишни ундан ўргандим. Оқшомларни бирга ўтказамиз. Чой дамлаймиз, тарвуз мураббо банкасини очамиз, ўткир тамаки чекамиз. Ўзим тўғримда ҳеч нарса айтмайман. У ҳам сўрамайди. Суҳбатларимиз фақат шу кунлар ҳақида...

...Тирикман. Бир ярим ой аввал маҳаллий почтага ишга жойлашдим. Сўзон абланинг шарофати билан. У почта бошлиғи бўлмиш таниш аёл билан гаплашди, у мени ҳужжатларимни расмийлаштирмаган ҳолда ишга олди. Ишим енгил – хатларни эгаларига етказаман. Кам тўлашади, аммо бу коммунал тўловлар ва егуликка бемалол етади. Дам олиш кунларидан бошқа ҳар куни ишга бораман. Одамларга яхши-ёмон хабар етказаман. Тушгача ишим битади. Ўзим эса ҳеч қандай хабар кутмайман.

...Тирикман. Истанбулни соғинмай қўйдим, аммо севгим ўша-ўша. Ҳаммасидан ҳам Босфорни соғинаман. Баъзан, буни изоҳлашим қийин бўлса-да, Босфор чағалайларининг қичқириғини эшитиб қоламан. Чунки, денгиз бу ердан жуда олис, яқин-атрофда бирорта ҳам чағалай кўринмайди. Босфор билан орамиздаги сеҳрли алоқа сақланиб қолган бўлса керак... Мен қарама-қаршиликлар шахрига қайтмайман. Хотиралар ҳаддан зиёд кўп. Бирор кун бориб қолсам, қаёққа юришни ҳам билмай довдирасам керак. Кетганимга беш ойлар бўлган эса-да, Истамбулнинг на кўчалари, на туманларини эслай оламан. Балки, ўзимни унутишга мажбур қилгандирман?..

...Тирикман. Ўтмишни қўйиб юбордим ва буни қандай қилганимни пайқамай ҳам қолдим. Психиканинг муҳофаза реакциясими? Агар қўйиб юбормаганимда, унинг синиқлари тагида ўлиб кетардим. Энди ичим бўм-бўш. Туйғулар қуриб қолди, ҳиссиётлар уваланди, хафагарчиликлар эриб кетди. Ҳеч нарсани ҳис қилмайман. Ичим бўшлиғи туфайли доим совуқсирайман, иссиқ кунларда ҳам қўлларим муз қотади...

...Тирикман. Аммо туш кўрмай қўйдим. Улар ўтмиш билан бирга кетишди. Менинг бугунги тушим – мана шу воқелик. Туш кўриш учун ухлашим шарт эмас, атрофга қарасам бас... Тушларимни соғинаман, уларда ўғлимни кўргим, кичкина юракнинг уришини эшитгим келади. Аллоҳ асрайди. Тушимда ўғилчамни кўрсам, уйғонишни хоҳламаслигимни яхши билади...

...Тирикман. Кундалигимнинг сўнгги саҳифасини ёзаяпман. Икки кун бурун яна унга қайтдим. Сўнгги нуқтани қўйишга қарор қилдим. Олдинги икки ёзувни кўзларимда ёш билан қайд этгандим. Шифохонада бошимдан ўтганларни эслагим келганди. Эслаш ва қўйиб юбориш учун. Қўйиб юбораяпман... Эртага Кундаликни Дўстимга, Истамбулга жўнатаман. Ваъда қилганимдек, шундоғича совға қиламан. Дўстимга фақат битта илтимосим бор. Агар бу китоб бўлса, у шундай жумлалар билан якун топсин:

«Юқорида баён қилинганларнинг барчаси ўйлаб топилган. Ўхшашликлар эса тасодиф».

МУАЛЛИФДАН

Бу китоб мен учун узоқ чўзилган хасталикка монанд. Унинг сатрларини бўлиб ўтган воқеалардек яшаб ўтиш қийин эди. Бобдан бобга ўтган сари Сашани кўпроқ ҳурмат қилар, унинг иродасига қойил қолардим... Уни ҳаётда таниш бахтига мушарраф бўлдим. Кундаликларининг охиrhoғида у мен ҳақимда ҳам ҳикоя қилади. Мен бу лавҳаларни қисқартирмоқчи бўлдим: уларда ўта ижобий кўринаман. «Биз»нинг бобларни ўқиётганимда мени болаларча уялиш ҳисси қамрайди. Аммо барибир уларни қолдиришга аҳд қилдим: майли, ҳаммаси қандай бўлса шундайлигича қолсин... Биз Саша билан кўп мулоқотда бўлганмиз, унинг фикрлари мени ҳайратлантирган. Мен уларни эслаб қолишга ҳаракат қилардим ва уйга қайтганда айтилганларни қайд этиб қўярдим. Бу қайдлар билан матнни тўлдириш учун ўзимда жасурлик топдим: менимча, улар Сашани янада самимий ва табиий қилади...

Китоб устида ишлашга келсак, боя айтганимдек жуда оғир кечди. Қаҳрамонни ўйлаб топиш ва унинг тақдирини ўзинг ҳал этишинг битта масала. Мавжуд одам – тақдирини адолатсизлик дея ҳисоблайдиган дўстинг ҳақида ёзиш бошқа

масала. Бирор нарсани ўзгартириш сенинг қўлингдамас... Сашанинг кундалигидаги айрим қисмлар туркча ёзилганди – уларни таржима қилдим ёки қайта ёздим. Бир қатор жумлаларни туркчасида қолдирдим. Масалан, Ўзаннинг хабарларини...

Бугун, китоб якунланганида, аввало онам Сорияга миннатдорчилик билдирмоқчиман. У мени қўллаб-қувватлади, руҳан тушкунликка тушишга изн бермади ва менинг адоқсиз шубҳаларимни тинглади. Яна ноширларга ташаккур изҳор этаман: улар туфайли имконимдан ортиғи билан бу ишни амалга ошира олдим.

...Ҳозиргача Сашани ахтараман. Икки марта Диёрбакирга сафар қилдим, натижаси бўлмади. Менимча, у номини ҳам ўзгартирган бўлса керак. Гулшан билан алоқага чиқдим, аммо у мен билан боғланишни истамаяпти. Бу китоб қачонлардир Сашанинг қўлига тушади ва у яна Ўртақўй соҳилларида пайдо бўлади. Биз Айда билан сайр қиламиз, пашмаклардан лаззатланамиз, термосдан чой ичамиз. Ҳозирча эса, Саша, сенинг илтимосингни бажараман:

«Юқорида баён қилинганларнинг барчаси ўйлаб топилган. Ўхшашликлар эса тасодиф».

**Ушбу ўзбек тилида нашр этилган китобни
тўлиқ ёки қисман босиш, электрон шаклини эълон қилиш
ва муаллифлик ҳуқуқини бузиб, бошқа мақсадларда
фойдаланиш қонунга мувофиқ тақиқланади.**

Адабий-бадий нашр

Лойиҳа муаллифи: Элзод Султонов

ЭЛЧИН САФАРЛИ

ҚАЙТИШИ ЙЎҚ МАНЗИЛ

Роман

«Sharq-ziyo zakovat»
нашриёт-матбаа уйи
Тошкент – 2021

Рус тилидан Оллоёр Бегалиев таржимаси

Мухаррир: Алишер Файзуллаев
Бадий муҳаррир: Шаҳзода Султонова
Техник муҳаррир: Нурзоид Султонов

**Нашр лицензияси: АІ № 286,
2016 йил 04 ноябрь санасида берилган.**

Босишга рухсат этилди 05.02.2021. Бичими: 60x84 ¹/₁₆.
«PT Serif» гарнитураси. Шартли босма табоғи 17,5. Нашриёт-ҳисоб
табоғи 18,0. Адади: 1000 нусха. 07-сонли букюртма.
Баҳоси келишилган нархда.

Оригинал макет «SHARQ-ZIYO ZAKOVAT» нашриёт-матбаа
уйи таҳририятида тайёрланди, «Sharq-ziyo zakovat»
МЧЖнинг матбаа бўлимида офсет усулида чоп этилди,
«OLAM NASHRIYOTI» МЧЖ матбаа бўлимида муқоваланди.

42000

84(5730)



«Қайтиши йўқ манзил» – ҳақиқий Шарқ акс эттирилган очик роман. Асар рус аёлининг мусофирчиликдаги ҳаётида содир бўлган воқеаларга асосланган бўлиб, аёллар ҳақида, севги, ёлғизлик, эътиқод ва хиёнатлар борасида ҳикоя қилади.

«Қайтиши йўқ манзил» – қайноқ ваннадан кейинги муздек душ қабулига ўхшайди. «Босфорнинг ширин тузи» асари муаллифи мелодрама услубидан узоқлашиб, китобхон муҳокамасига ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларини тақдим қилади.

Сафаран

«Ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг оёғини осмондан қиладиган ва шу билан бир пайтда таъсирчан роман – тубанликдаги ҳаёт ва дунёнинг башафқатлигини англаган ҳамда шу билан бирга гўзалликни кўра билиш лаёқатини сақлаб қолган, ҳатто мағлубликда ҳам ғолиблигича қола билган инсоннинг дил изҳорларидир».

Татьяна Ливанова, ёзувчи

ISBN 978-9943-6747-3-8



9 789943 674738